



Et docere et discere servitute legis

O'ZBEKISTON TERGOVCHISI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
HUKUMI MUHOFAZA QILINISH
AKADEMIYASI

№01 (01) 2023

ILMIY-AMALIY YURIDIK JURNALI

СЛЕДОВАТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

научно-практический юридический журнал

THE INVESTIGATOR OF UZBEKISTAN

scientific – practical law journal



www.proacademy.uz
ISSN 2181-9564

ЖУРНАЛ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ 2023 ЙИЛ 31 МАРТДАГИ
335-СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ИЛМИЙ НАШРЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН





Мундарижа/Оглавление/Table of contents

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Давурхон Нодиров

Таҳрир кенгаши:

Ниғматилла Йўлдошев

Баҳриддин Валиев

Салом Самадов

Дилшод Рахимов

Музаффар Эгамбердиев

Ричард Джойс

Таҳрир хайъати:

Ҳалим Болтаев

Баҳтиёр Пулатов

Фаҳри Рахимов

Музаффаржон Мамасиддиқов

Уйғун Ниғмаджанов

Ваҳобжон Каримов

Адхам Одинаев

Баҳтиёр Каюмов

Мухтарам Раджапова

Хуришд Каримов

Алишер Ҳидоятуллаев

Истам Астанов

Азиз Хикматов

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий коммуникациялар

агентлигида 2023 йил 23 мартда

070684-сонли гувоҳнома билан

рўйхатга олинган. Журнал Ўзбекистон

Республикаси Олий таълим, фан ва

инновациялар вазирлиги ҳузуридаги

Олий аттестация комиссияси

Раёсатининг 2023 йил 31 мартдаги

335-сонли Қарори билан диссертациялар

асосий илмий натижаларини нашр

қилиш тавсия этилган илмий нашрлар

рўйхатига юридик фанлар бўйича

киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи

назаридан фарқ қилиши мумкин.

Журналда чоп этилган материаллардан

фойдаланилганда «Ўзбекистон

терговчиси» журналидан олинди деб

кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим

этилган мақолаларни тақриз қилиш ва

кайтариш мажбуриятларини олмаган.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.

web-site: www.proacademy.uz

e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи: Сарварбек

БАБАЖАНОВ

Буюртма No 1 Адади 100 Журнал

«Muharrir» нашриётида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,

Чилонзор 23-даҳа 47-а уй.

Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ	Ҳуқуқий ислоҳотлар жарчиси1
Акмалхужа МАВЛОНОВ	Мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона органларининг суриштирув фаолияти3
Баҳриддин ВАЛИЕВ	Янги ўзбекистон конституцияси – инсон ҳуқуқларининг кафолати.....6
Яхёжон АБДУЛҲАКОВ	Ички ишлар органларининг жинойтларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ислоҳотлар ва уларнинг самарадорлиги .. 12
Сергей ГОРДЕЕВ	О содействии следователей в розыскной работе, осуществляемой оперативными подразделениями органов внутренних дел 18
Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ	Суриштирувнинг такомиллашуви: Амалий ва илмий ислоҳотлар.....23
Аҳмад ЗУФАРОВ	Хавфсизликка таҳдидларнингзамонавий кўринишлари ва уларга қарши курашининг ўзига хос жиҳатлари28
Баҳтиёр ПЎЛАТОВ	Адолатли тергов ва суд муҳокамасига бўлган халқаро ҳуқуқий кафолатлар, уларнинг янги таҳрирдаги конституция ва миллий Қонунчиликдаги ифодаси 32
Алишер ИМОМНАЗАРОВ	Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнингнинг ўзига хос жиҳатлари ва уни такомиллаштириш Истиқболлари..40
Richard J. Joyce	Disrupting criminal networks: the importance of financial investigation.....53
Виталий ХАН Курганбек СЕРДАЛИНОВ	Прокурор в парадигме трехзвенной модели казахстанского уголовного процесса: досудебное производство 60
Азиз ХИКМАТОВ	Ўзбекистонда сўроқ қилиш институтининг шаклланиш тарихи (ислом ҳуқуқида гувоҳлик беришнинг айрим жиҳатлари).....65
Лазизжон БАРАКАЕВ	Тафтиш далилларни тўплаш усулини тайинлаш ва ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари..... 74
Саҳодулла ШОМИРЗАЕВ	Гумон қилинувчини сўроқ қилишнинг жаҳон амалиётидаги айрим усуллари.....81
Марат СЕКЕМБАЕВ	Приветственное слово88



Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

ХУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРЧИСИ

Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган тараққиётимиз янги босқичининг энг муҳим мезонларидан бири жамиятда қонун устуворлиги ва адолат тантанасини, айти пайтда қилмиш учун жазо муқаррарлигини сўзсиз таъминлашдир.

Зотан, қонун оёқости қилинган, адолат топталган жамиятда инсон кадри, юрт равнақи, эл тинчлиги ва саодати тўғрисида гапириш, буларни ҳатто орзу ҳам қилиш мумкин эмас.

Шу боис, кейинги йилларда қонунийликни таъминлашга биринчи галда масъул бўлган давлат тузилмаларининг, аниқроғи, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти тубдан ислоҳ қилинмоқда. Уларни жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ҳамда жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи халқчил идорага айлантириш сари улкан тарихий қадамлар қўйилди.

Табиийки, бу йўлдаги ислоҳотларнинг самарадорлиги аввало, қонун посбонларининг салоҳиятига боғлиқ. Айниқса, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг устувор йўналиши бўлган тергов соҳасидаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёж бугун ҳар қачонгидан ҳам юқоридир.

Бинобарин, Президентимизнинг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони бу борада ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур Фармонда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг нашри бўлган “Ўзбекистон терговчиси” илмий-амалий юридик жур-

наolini таъсис этиш ҳам белгилаб қўйилгани алоҳида эътиборга моликдир.

Зеро, ахборот асри деб аталаётган давримизда ҳар бир соҳа, ҳар бир тармоқнинг ўз минбарига, жамоатчилик билан мулоқот воситасига, турли фикр ҳамда ташаббусларни илгари суриш имконини берадиган ўзига хос майдонга эга бўлиши фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода биринчи навбатда ҳуқуқ-тартибот органларининг кўп сонли терговчилари, қолаверса, барча ходимлар, ҳуқуқшунос олимлар, ўқитувчи ва талабалар ҳамда соҳага қизиқувчилар учун “Ўзбекистон терговчиси” журнали беқиёс имконият вазифасини ўтайди.

Жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар, илмий-тадқиқот ишлари натижалари таҳилларини кенг оммага етказишда журнал етакчи нашрлардан бирига айланишига ишончимиз комил.

Шунингдек, журнал саҳифаларида тергов жараёнидаги муаммолар, хато ва камчиликларнинг очик ва ошқора бериб борилишидан, уларнинг ечимига оид асосли таклифлар ёритилишидан ҳам умидвормиз.

Тергов соҳасидаги илғор хорижий ҳамда миллий тажрибаларни оммалаштириш, тарғиб қилиш, суриштирув-тергов органларининг фаолиятини холис ёритиб бориш, бундан ташқари, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини жамоатчиликка таъсирчан усулларда етказиш бўйича журнал таҳририятининг фаол ташаббус кўрсатиши барчамиз учун ўта муҳим аҳамиятга моликдир.



Сир эмас, бугун кўплаб мутахассислар, айниқса, соҳага энди кириб келаётган ёшларда ўз фикр-мулоҳазаларини, хулоса ва қарашларини ёзма равишда саводли ҳамда таъсирчан тарзда баён этиш қобилияти мукамал шаклланмаган. Жумладан, тергов ҳужжатларини юриштишдаги, баъзида жузъий кўринадиган хато ва камчиликлар охир-оқибатда тергов сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўйлаймизки, журнал саҳифаларида бериладиган таҳлилий мақолалар, намуна тарзида оммалаштириладиган тергов ҳужжатлари ходимларимиз учун ўзига хос маҳорат мактабини ҳам ўтайди.

Бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистон терговчиси” журнали қонун устуворлиги ва адолат тантанасини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ислохотларнинг том маънодаги жарчиси бўлиб қолади.

Албатта, ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган, одамларнинг дунёқараши, тафаккури ва талаби ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда

тахририят жамоаси зиммасида қандай улкан масъулият турганини яхши ҳис этамиз.

Айниқса, босма оммавий ахборот воситалари, хусусан журналлар учун электрон нашрлар, интернетдаги ижтимоий тармоқлар, теле ва интернетканаллар билан аудиторияни жалб этиш мақсадида муносиб рақобат олиб бориш осон эмас.

Бироқ, тинимсиз меҳнат, янгиликка интилиш, ўқувчиларнинг хоҳиш-истагини инобатга олган ҳолда фаолият юритиш, ижодий тафаккурга, фикрлар хилма-хиллигига кенг йўл очиш орқали бундай шароитда кўзланган мақсадга албатта эришиш мумкин.

Бу йўлда тахририят жамоасига яқин кўмакчи бўлишга, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

“Ўзбекистон терговчиси” журнали ходимларини, қолаверса, унинг кўп сонли ўқувчиларини ҳар жиҳатдан зарур ва фойдали бўлган янги нашрнинг нишона сони чоп этилгани билан самимий муборакбод этамиз, тахририят жамоасига муваффақият ҳамда ижодий баркамоллик тилаймиз.



Акмалхужа МАВЛОНОВ Божхона қўмитаси раиси

Мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона органларининг суриштирув фаолияти

Хусусан, божхона тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонунчилик бузилишларининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролли тарқатишни молиялаштиришга ўз ваколатлари доирасида қарши курашиш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон яратган сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда баргараф этиш чораларини кўриш;

божхона органларида коррупция ва бошқа мансабдорлик жиноятлари содир этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш каби вазифаларни амалга оширади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмаларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят- процессуал кодексининг 38-моддасига кўра, жиноят ишлари бўйича суриштирув, 391-моддасига кўра, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар бўйича терговга қадар текширувни ўтказиш ваколатлари берилган.

Шу билан бирга, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан Божхона қўмитаси тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ҳисобланади.

Шунда келиб чиқиб, Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини ошқора ва ноошқора ўтказиш ҳуқуқига эга.

Божхона органлари томонидан 2022 йил ва 2023 йилнинг 4 ойида жами 23 654 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, 1,2 трлн сўм миқдорида ноқонуний товарлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Жумладан, 911 кг. гиёҳвандлик воситалари, 8 090 дона психотроп ва 413 416 дона кучли таъсир қилувчи моддалар, 104 дона қурол, 3 645 дона ўқ, 3 469 дона гильзалар, 242 дона тақиқланган диний материаллар, 8,7 млн дона пиротехника воситалари, 2,6 млн қути тамаки маҳсулотлари, 28,5 минг литр алкоголь маҳсулотлари, 36,3 млрд сўмлик дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, 4 674 дона маданий бойликлар, 56,3 млрд сўмлик хорижий валюталар аниқланди.

Мазкур йўналишда, 2 654 та жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар 22/05/2023 бўйича олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида 1 289 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Жиноят ишларининг 313 таси контрабанда (ЖК 246-моддаси), 303 таси божхона қонунчилиги бузилишига (ЖК 182-моддаси) оид ишларни ташкил этди.

Божхона қўмитаси 36 та ҳукуматлараро ва 30 та идоралараро халқаро шартномалар асосида яқин ва узоқ хорижий давлатларнинг божхона хизматлари тузилмалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналишида ҳамкорликни олиб боради.

Айниқса, халқаро сўровнома асосида ўзаро маълумот алмашинуви натижасида



божхонага оид қонунбузарликлар ва контрабанда жиноятлари фош этиш, мураккаб жиноий схемаларни исбот қилишда алоҳида ахамият касб этмоқда.

Масалан, МДХ Давлатлари Раҳбарлари Уюшмасининг 2008 йил 23 майдаги (Минск, Беларусь) қарори билан МДХ давлатлари Божхона хизматлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш раҳбарлари Қўмитаси ташкил қилинган.

Шундан сўнг, 2008 йил 6 июнда “МДХ давлатлари Божхона хизматлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш Қўмитаси Тартибини тасдиқлаш” бўйича қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасидан Божхона қўмитасининг Контрабандага қарши курашиш ҳамда Суриштирув ва маъмурий амалиёт бошқармалари мазкур халқаро платформанинг амалдаги аъзоси ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига “Назорат остида етказиб бериш” тезкор-қидирув тадбири киритилган.

Маълумот учун: “назорат остида етказиб бериш” – гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни ва бошқа ашёларни божхона чегараси орқали назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ижозати ҳамда назорати остида божхона ҳудудига уларни олиб кириш, ушбу ҳудуддан олиб чиқиш ёки олиб қирилган ашёларни ундан олиб ўтишга йўл қўйиладиган тезкор-қидирув тадбиридир.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар божхона органлари билан келишилган ҳолда товарларни назорат остида етказиб беришни амалга оширади.

Мисол учун, 2022 йил 3-6 ноябрь кунлари Божхона қўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизмати томонидан Қирғизистон Божхона хизмати ва Давлат миллий хавфсизлик қўмитаси билан ҳамкорликда “назорат

остида етказиб бериш” тезкор-қидирув тадбири ўтказилиб, трансчегаравий жиноий гуруҳ фаолияти фош этилди.

Мазкур гуруҳ томонидан Ўзбекистон ҳудудидаги алкоголь маҳсулотлари учун мўлжалланган 1 млн. дона қалбаки акциз маркалар Хитойда тайёрланиб Қирғизистон орқали Ўзбекистонга олиб келиниши “назорат остида етказиб бериш” тадбири давомида фош этилди.

Аниқланган ҳолат натижасида, давлат бюджетига 10 млрд сўмга яқин солиқ тушуми ундирилмаслиги олди олинди, 2 млн.дан ортиқ истеъмолчиларга сифати кафолатланмаган алкоголь маҳсулотларининг етказиб берилишига чек қўйилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида” ва “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларида ушбу йўналишда қарши курашувчи идоралар қаторида Божхона қўмитаси қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори талаблари асосида, божхона органлари божхона иши соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириб, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида кенг камровли тадбирларни ташкил этиб келмоқда.

Жумладан, ўтган даврда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши оқибатларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилот, муассасаларга 1 287 та тақдимномалар киритилиб муҳокама қилинган бўлса, 4 524 нафар шахслар билан ўтказилган профилактик суҳбатлар ҳамда 496



нафар шахслар расмий огоҳлантирилиб, келгусида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар олди олинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-720-сон Қонуни асосида, божхона органлари томонидан аниқланган маълум тоифадаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан “Е-қарор” модули орқали электрон тарзда шаклланадиган “жарима солиш тўғрисидаги қарор” қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Натижада, айрим ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишда вақт сарфи 15-20 кундан 5-6 дақиқагача қисқариб, ахборот тизими томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан жойида жарима қўллаш имконияти яратилди. Ҳозирги кунда “Е-қарор” модули орқали қўлланилган жарималарнинг умумий аниқланган маъмурий ишлардаги улуши 40-45 %ни ташкил этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, контрабанда ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида жи-

ноятларни содир этиш схемалари мураккаблашиб бораётган шароитда, божхона органлари суриштирувчиларининг терговга қадар текширув ва суриштирув шаклидаги тергов ҳаракатларини амалга ошириш кўникмаларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурати юзага келаётган эди.

Президентимизнинг тегишли Фармонлари билан Бош прокуратура Академияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилиши тарихий воқеялик бўлиб, тергов ва суриштирув соҳасида юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар суриштирувчи ва терговчиларининг бир даргоҳда таълим олиши, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги талабларининг бир хилда талқин қилинишига, ўзаро тажриба алмашилиши ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.



Бахриддин ВАЛИЕВ
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорининг биринчи ўринбосари

Янги Ўзбекистон Конституцияси – инсон ҳуқуқларининг кафолати

Ўзбекистон тараққиётининг “Учинчи Ренессанси” халқимиз учун Ўзбекистонни суверен, демократик, ижтимоий ва дунёвий буюк давлатга айлантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари устувор бўлган фаровон турмушга эришиш даври бўлмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида жамият ва давлат ҳаётини модернизация қилишга йўналтирилган туб янгиланиш, демократик ислохотлар ва кенг кўламли бунёдкорлик ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Ҳар бир давлат ва унинг халқи ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини, юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қиладиган энг устувор мақсад ва вазифаларини ўзининг асосий қомуси бўлмиш Конституциясида мустаҳкамлайди.

Бинобарин, барчамиз бевосита иштирок этаётган ислохотлар давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббус асосида халқимиз муаллифлигида Янги Ўзбекистоннинг Янги конституцияси яратилиб, 2023 йилнинг 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди.

Янги Конституцияда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мазмуни, инсоннинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари бундан буён барча жабҳаларда энг устувор аҳамият касб этиши қатъий қоидага айланди. **“Инсон кадри учун”** ғояси ҳамда **“Инсон-жамият-давлат”** деган ёндашув янги таҳрирдаги бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдирилди.

Конституция ўзида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ғоясини мужассам этганлиги, айниқса, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро ҳуқуқ ва конституция нормаларига мувофиқ кафолатланиши, давлат органлари, айниқса тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларидан фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланишида алоҳида масъулиятни талаб этади.

Шу жиҳатдан, жиноят ишларини юриш жараёнида шахснинг конституциявий процессуал ҳуқуқлари доираси кенгайтирилиб, конституция халқаро стандартлар ва кадриятларимизга мос бўлган бир қатор ўта аҳамиятли янги нормалар билан тўлдирилганлиги нафақат англаш, балки ушбу конституциявий ҳуқуқларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш ўта муҳимдир.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга мувофиқ, янги Конституция референдум натижалари эълон қилинган кун – жорий йил 1 майдан кучга кирди.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари Қонун кучга кирган пайтдан эътиборан тўғридан-тўғри амал қилиши белгиланди.

Бу эса тезкор - қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишда барча ходимлар томонидан янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий ва оилавий си-



рига доир қоида ва нормаларга қатъий ва бирор тарзда оғишмасдан амал қилиниши лозимлигини англатади.

Жумладан, конституциянинг 26-моддасида муқаддам акс этмаган янги конституциявий қоидалар киритилиб, уларга кўра **инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги ҳамда ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги** белгиланди.

Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги олий қадрият бўлиб, инсоннинг шаъни унинг бошқа одамлар олдида ўз аҳамиятини англаши ёки маънавий обрўси бўлса, қадр-қиммати бу унинг ўзини ўзи ҳурмат қилиши, жамият аъзоси сифатида ўз мавқеи ва аҳамиятини англашидир.

Миллий қонунчилигимизга киритилган ушбу конституциявий норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил), Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция (1984 йил) каби халқаро ҳужжатлар нормаларига мос бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, айниқса суриштирувчи ва терговчилар ўз фаолиятида ҳар қандай ҳолатда инсон шаъни, ор-номуси ва қадр-қимматига дахл қилмаслиги, камситмаслиги, жисмоний, маънавий ёки руҳий азоб-уқубатлар етказмаслиги лозимлигини англатади.

Шунингдек, Янги таҳрирдаги конституциянинг 27-моддасида **ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши,**

қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги, ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги каби инсонпарвар ғоялар мустаҳкамланди.

Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқий давлатга хос бўлган асосий тамойиллардан бири бўлиб, унинг асосий қоидалари “Хабеас корпус акт” умумэтироф этилган халқаро ҳужжат асосида белгиланади. Бунда, ушланган шахсни адолатли ва холисона суд муҳокамасига келтириб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг асослилигига фақат суд томонидан рухсат бериш назарда тутилади.

Ушбу норма жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлайди, тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг инсоннинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ хатоларга йўл қўйилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Шу каби, конституциянинг 27-моддасида **шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги** каби норма белгиланди.

Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган норма бўлиб, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида уни амалда таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу норма халқаро ҳуқуқда “Миранда қоидаси” деб номланиб, 1966 йилда АҚШда жиноятни содир қилган Э.Мирандани сўроқ қилишдан олдин



полиция томонидан унга гумон қилинувчи сифатида ҳуқуқлари тушунтирилмаганлиги оқибатида, кейинчалик унинг айбига иқрорлик ҳақидаги кўрсатувлари асосида чиқарилган суд ҳукми АҚШ Олий судида бекор бўлганлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Конституцияга мазкур муҳим қоида-нинг белгиланиши, ушланган шахс ўз ҳуқуқларини билмаган шароитда, ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур қилинишининг олдини олишга хизмат қилади. Суриштирув ва тергов органлари эса, мазкур қоидага мувофиқ, шахснинг ҳуқуқларини у одатда мулоқот қиладиган ва яхши тилда тушунтириши шарт ҳисобланади.

Суриштирувчи ва терговчи, доимо шуни ёдда тутиши лозимки, шахснинг жиноятда айбдор ёки айбдор эмаслигини исботлаш мажбурияти унга эмас, балки суриштирув ва тергов органларига юклатилган.

Маълумки, жиноят процессида **айбсизлик презумпцияси** муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, янги таҳрирдаги Конституциянинг 28-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган кафолатлар белгиланди. Унга кўра, **“жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”**.

Тергов-суд амалиётида далилларни баҳолашда уларга нисбатан шубҳалар юзага келиши табиийдир. Конституцияга киритилган ушбу инсонпарвар қоида,

бундай ҳолатларда айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклигини кафолатлайди, тергов ва суд жараёнларида ишончли ва макбул далиллардан фойдаланишни таъминлайди, фуқароларни ноқонуний жиноий таъқибдан ҳимоя қилади.

Шунингдек, айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган ва Конституциянинг 28-моддасида белгиланган муҳим процессуал кафолатлардан бири, **гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги** ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, жиноятларни фош этиш, шахснинг айбли ёки айбсизлигини исботлаш суриштирув ва тергов органларининг мажбурияти ҳисобланади, ушбу жараёнда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи иштирок этишга мажбур эмас ва хоҳишига кўра исталган пайтда сукут сақлаши мумкин.

Бироқ, айрим ҳолларда фуқароларнинг оғир тушкунлик шароитида ёки ўз ҳуқуқларини билмасдан ўзига қарши кўрсатув бериш ҳолатлари учрайди.

Конституцияга киритилган мазкур янги қоида шахс жиноят содир этишда гумонланиб ушланган пайтдаёқ сукут сақлаш ҳуқуқи тушунтирилишини кафолатлайди, унинг ўз ҳимоячиси билан холи учрашмасдан туриб, иш бўйича бирор маълумотни ошқор қилмаслиги орқали айбловдан ҳимояланиш позициясини мустаҳкамлайди.

Шу каби, конституциянинг ушбу моддасига **“Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас”** деган инсонпарвар норма киритилди.

Маълумки, жиноят-процессуал қонунчилигида гумон қилинувчининг, айбланув-



чининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкинлиги ҳақидаги қоида белгиланган.

Айни дамда шахсинг процессуал мақомидан қатъий назар ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги ҳақидаги қонуннинг конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланиши, аввало, тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органлари ходимлари томонидан шахсга нисбатан босим ўтказишнинг, ўз айбига мажбуран иқрор бўлишининг олдини олса, бошқа томондан қариндошларига нисбатан мажбурий тарзда кўрсатув олишни тақиқлайди. Бинобарин, ушбу норма шахсга ёки унинг қариндошларига ҳар қандай босим ва таҳдидлар ўтказиш ҳамда жиноят процессида иқрорлик кўрсатувларини олиш мақсадида ноқонуний усуллар қўлланилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, янги таҳрирдаги конституциянинг 28-моддасида **“Агар шахсинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас”** мазмунидаги қоида ўз ифодасини топди.

Дарҳақиқат, шахсинг биргина иқрорлик кўрсатувларига асосланиб, унинг айблилиги ҳақида хулоса чиқариш одил судлов тамойилларига зид бўлиб, суриштирувчи ва терговчи жиноят ҳодисаси юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбли эканлигини, жиноят содир этилиши билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт ҳисобланади.

Мазкур қоида айбсиз одамнинг жавобгарликка тортилишининг олдини олишга, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаб, жиноятни ҳақиқатда содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликка тортишга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 29-моддасида шахсинг ҳимояга бўлган

ҳуқуқларини кафолатловчи процессуал ҳуқуқлар белгиланиб, уларга кўра **“ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади.**

Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга”.

Ушбу нормага кўра шахс ушланганида унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиб, жиноят содир этишда гумон қилинган шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан сўнг қўлга олинган тақдирда, ушбу жаратилган ўзида унга босим ўтказилишидан ҳимоя қилишга қаратилган.

Шунингдек, ушбу қоидага кўра, шахсинг ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиши, агар унинг адвокат хизматидан фойдаланиш истаги бўла туриб, бунга моддий аҳволи йўл қўймаган тақдирда, юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши кафолатланди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 29-моддасида **гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниши, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиши, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги** белгиланди.

Мазкур қоида ҳам жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг процессуал ҳуқуқларини мустаҳкамлайди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 29-моддасига кўра, **“қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга**



йўл қўйилмайди”.

Маълумки, жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо беришлари, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуктаи назаридан баҳоланиши лозим.

Айтиш жоизки, далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва жиноят-процессуал қонунчилигига назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Мазкур инсонпарвар қоида жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлаши билан бир қаторда, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари зиммасига, далилларни тўплашда қонун талабларига қатъий ва оғишмасдан риоя қилиш мажбуриятини ҳам юклайди.

Янги таҳрирдаги Конституция билан ўта муҳим ва халқаро стандартларга мос бўлган конституциявий процессуал ҳуқуқлардан инсоннинг шахсий ва оилавий сирларга эга бўлиш ҳуқуқи кафолатланди. Жумладан, конституциянинг 31-моддасига кўра **“ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга”.**

Шахсий сирлар бу инсон ҳаётидаги воқеалар ва шароитлар ҳақидаги, унинг ўзи очиклашни истамайдиган маълумотлар бўлса, оилавий сирлар муайян оиланинг бир неча аъзоларига тааллуқли, улар очиклашни ҳоҳламайдиган маълумотлар ҳисобланади. Ушбу сирлар нафақат инсон ёки унинг оила аъзоларини обрўсизлантирувчи, балки инсон махфийлигини сақлашни истайдиган ҳар қандай маълумотлар бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, шахсий ва оилавий сирлар муҳофаза қили-

нади ҳамда шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузганлик учун жиноий жазогача бўлган жавобгарлик белгиланган.

Ушбу конституциявий қоидага кўра шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирлар муҳофазасининг кафолати кучайтирилаётган бўлиб, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида аниқланган инсоннинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳамда шахсий ва оилавий сирларни ошкор этилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши шарт ҳисобланади.

Шунингдек, конституциянинг 31-моддасига кўра **“Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади”.**

Мазкур конституциявий қоидага мувофиқ, шахсий корреспондент-цияларнинг сир сақланиши кафолатланиб, ушбу ҳуқуқнинг чекланиши учун бир вақтда иккита асос мавжуд бўлиши, яъни биринчидан ушбу чеклов фақат қонунга мувофиқ бўлиши, иккинчидан суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгиланди.

Конституциянинг 31-моддасида белгиланган фуқароларнинг процессуал ҳуқуқлари кафолатларидан бири шахсининг уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эгалигидир. Ушбу қоидага кўра **“Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади”.**

Тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органлари



ходимлари уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга, тинтув ўтказишда ушбу конституциявий нормага қатъий амал қилишлари шарт ҳисобланади.

Юқорида янги таҳрирдаги конституция-мизда акс этган инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларининг муайян қисмигина ёритилди. Олижаноб халқимиз муаллифи бўлган Янги конституцияни варақлар эканмиз, том маънода, унинг барча қоидалари инсон манфаати ва қадрни учун йўғрилганлигига амин бўламиз.

Бугунги кунда Конституциямизда белгиланган шахсларнинг конституциявий процессуал ҳуқуқлари ва кафолатларига оид нормаларга ҳар бир давлат органи ходими, шу жумладан тезкор-қидирув, су-

риштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари, прокурорлар ва судьялар оғишмасдан риоя қилиши лозим. Уларни амалда татбиқ этишга барчамиз масъул бўлиб, ана шунда Конституциямизда ифодасини топган асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга эришамиз. Зеро, қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари таъминланган жойдагина обод ва фаровон ҳаёт бўлади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш асоси, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолати бўлиб хизмат қилади.



Яхёжон АБДУЛХАКОВ

Ички ишлар вазири ўринбосари
– Тергов департаменти бошлиғи,
юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (Phd)

Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ислохотлар ва уларнинг самарадорлиги

*Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман:
халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни
ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асо-
сий вазифамизга айланиши шарт.*

Шавкат Мирзиёев

АННОТАЦИЯ. Мақолада ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятига ахборот технологиялари, халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани кенг жорий этилиши, жиноятларни тергов қилишнинг замонавий методикалари ишлаб чиқилганлиги, фаолиятни рақамлаштириш орқали жисмоний ва юридик шахслар, оммавий ахборот воситалари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик масалалари, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга оид амалдаги қонунчилик ва тергов фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В статье освещены широкие внедрение информационных технологий, международных стандартов и передового зарубежного опыта в деятельности следственных подразделений, разработка современных методов расследования преступлений. Так же, в статье освещены вопросы взаимодействия с физическими и юридическими лицами, средствами массовой информации и широкой общественностью путем цифровизации деятельности. Затронуты вопросы дальнейшего совершенствования действующего законодательства связанные с надежной защитой прав и свобод личности в сфере расследование преступлений.

ANNOTATION. The article highlights the widespread introduction of information technologies, international standards and advanced foreign experience in the activities of investigative units, the development of modern methods of investigating crimes. Also, the article highlights the issues of interaction with individuals and legal entities, the media and the general public through the digitalization of activities. The issues of further improvement of the current legislation related to the reliable protection of the rights and freedoms of the individual in the field of crime investigation are touched upon.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Конституция, тергов адолати, инсон ҳуқуқлари, тергов сифати, тергов қилиш методикалари, рақамли технологиялар, тергов фаолияти ва қонунчиликни такомиллаштириш.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Конституция, справедливое расследование, права человека, качество следствия, методика расследования, цифровые технологии, совершенствование следственной деятельности и законодательства.

KEYWORDS: Constitution, fair investigation, human rights, quality of investigation, investigation methodology, digital technologies, improvement of investigative activities and legislation.



Маълумки, инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ҳамда бошқа ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қонун билан кафолатланган.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида жиноят қонунчилигига жинойий жазо тизимини либераллаштириш, хусусан, жавобгарликни дифференциация қилиш ва индивидуаллаштириш, озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазо турларини кенгайтиришга қаратилган кўплаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун устуворлиги таъминлангандагина “Инсон кадри учун” деган ғоя ҳаётимизда ўз аксини топади. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасини асл негизи халқимиз ҳаётини тубдан яхшилашга қаратилгандир.

Мазкур мурожаатномада қонунни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Чиндан ҳам инсон кадри эркинликдан бошланади, шу сабабли сўнгги йиллардаги ислохотларимизнинг меваси ҳам инсонпарварлик қиёфасини акс эттирмоқда. Ушбу мурожаат кўплаб соҳалардаги энг устувор вазифаларни белгилаб берди, шу жумладан, суд-ҳуқуқ ислохотлари йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Умуман, кейинги йилларда ички ишлар тизимидаги ислохотлар ҳам жадал тус олиб, бу борада кўплаб фармон, қарор ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Концепция ва дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Шу жумладан, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, тергов соҳасига ахборот технологиялари, халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида тергов хизматида бир қатор ислохотлар олиб борилди.

Хусусан, Тергов департаментида соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ

шакллантирилиб, кенг тарқалаётган виртуал макондаги фирибгарлик, психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар, одам савдоси ва ўғирлик жиноятларини тергов қилишнинг замонавий методикаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

2021 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб барча ҳудудий тергов бошқармаларида “Инновацион виртуал тергов полигони” ташкил этилди, бугунги кунда мазкур полигонлардан терговчи ва суриштирувчиларнинг тажрибасини оширишда самарали фойдаланиб келинмоқда.

Тергов департаменти ва унинг қуйи бўлинмалари ходимларининг 32 фоизини 5 йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар ташкил этади. Олий суд ва Ички ишлар вазирлиги ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувга (30.07.2020 йил) кўра, ёш ходимларнинг жиноят ишлари бўйича суд мажлисларида бевосита иштирок этишлари йўлга қўйилди.

Суд мажлисларида терговчи ва суриштирувчилар терговда йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларни англаш ва бартараф этиш борасида тегишли кўникмаларга эга бўлишмоқда.

Жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, жиноятларни олдини олиш, фуқароларнинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида Тергов департаменти ва қуйи тергов бўлинмалари томонидан маҳаллалар ва таълим муассасаларида очик мулоқот ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Бугунги кунда барча мамлакатларда трансмиллий ва чегара билмас оғир жиноятлардан бири бўлган одам савдоси жиноятларининг содир этилиши оқибатида айрим фуқароларнинг мазкур жиноятлар қурбони бўлиб қолаётганлиги барчамиз учун ташвишлидир.



Одам савдоси жиноятининг таг замирида шахс, унинг соғлиги, ор-номуси ва ҳаёти, умумий қилиб айтганда инсон тақдири ётганлиги барчани огоҳликка ва бепарволикка бўлмасликка даъват этиши билан бирга, албатта шахсий масъулиятни янада чуқур ҳис этишга ундайди.

Ички ишлар вазирлиги томонидан бошқа идоралар билан ҳамкорликда одам савдоси жиноятларига қарши самарали курашишни ташкил этиш мақсадида мазкур соҳанинг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий базасини такомиллаштириш йўналишида 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалдаги айрим қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлда қабул қилинган “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сонли Фармони билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди.

Мазкур Фармон билан Миллий комиссия таркибида кичик комиссияларга раислик қилиш мос равишда Ички ишлар вазирлигига юклатилди.

Юқорида Фармон талаблари асосида, Ички ишлар вазирлиги томонидан бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2020 йилнинг 17 август куни қабул қилинди.

Шу билан бирга, Бирлашган миллатлар ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ваколатхонаси билан ҳамкорликда Республикаимизнинг барча ҳудудларида ҳудудий мутахассислар учун 2 кунлик семинар-тренинглари ташкил этилди. Мазкур семинар-тренинглари

да 96 нафар терговчиларнинг бу борадаги билим ва кўникмалари янада оширилди.

Ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш мақсадида Вазирликнинг 2021 йил 30 мартдаги “Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ходимларининг доимий малакасини ошириб бориш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан чора – тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди.

Унга кўра, ИИВ Академиясида 545 нафар терговчи ва суриштирувчилар, шунингдек туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг тергов бўйича 33 нафар ўринбосарлари босқичма-босқич ўқитилиб, малакаси оширилди.

Тергов департаменти томонидан ҳар ҳафтанинг шанба кунлари ҳудудий бўлинмалар иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув машғулоти ташкилланган, шу билан бирга, ҳафтанинг жума ва шанба кунларида республиканинг 30 нафар ёш терговчи ва суриштирувчилари учун Тергов департаментида ўқув дарслари ўтказилмоқда.

Ислохотларнинг давоми сифатида, жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.11.2022 йилдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ - 257 - сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан терговчи ва суриштирувчилар мажбурий тартибда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш (давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган), касбий қайта тайёрлаш (давомийлиги 288 соатдан кам бўлмаган) ва малака ошириш (давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган) курсларида таълим олишлари белгиланди.

Биз ҳозир шиддатли ахборот замонида яшаймиз. Бугун одамларга тезкор ва



ишончли ахборотларни етказиб беришда давлат органларининг ахборот хизматлари етакчи кучга айланиши зарур. Шу талаблардан келиб чикиб, Тергов департаментининг “Tergov.uz” расмий веб-сайти ишга туширилиб, “telegram”, “instagram” ва “facebook” ижтимоий тармоқларидаги, “you tube” сайтида саҳифалари очилди, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар билан тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилди.

Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳар ҳафтанинг жума кунлари видеоконференцалоқа тизими орқали фуқароларнинг онлайн қабуллари ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга, Тергов департаментининг бошлиғи билан бевосита электрон тарзда боғланиш имкониятига эга бўлган янги платформа яратилди. Ушбу тизим орқали фуқаролар билан шаффоф мулоқот йўлга қўйилмоқда, энг асосийси фуқароларнинг узоқ йўл босиб сарсон бўлишлари олди олинди.

Халққа янада яқинлашиш мақсадида Тергов департаменти раҳбарияти ҳамда ҳар бир тергов раҳбарларининг лавозими ва телефон рақамлари ёзилган маълумотлар (пештахталар) прокуратура, суд, ҳокимият органлари, халқ қабулхоналари ҳамда ички ишлар органлари маъмурий биноларининг кириш жойларига ўрнатилди ва бу каби маълумотлар доимий равишда янги ланиб борилмоқда.

Бунинг натижасида 2022 йилда Тергов департаментига келиб тушган мурожаатлар олдинги йилга нисбатан 20 фоизга камайган.

Ходимларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, хизматда эришган ютуқларини ўз вақтида муносиб рағбатлантириб бориш мақсадида, депозитда шаклланган маблағлар ҳисобидан мебель жиҳозлари, замонавий русумдаги компьютер, ноутбук, телевизор, рангли ва бошқа замонавий принтерлар ҳамда бошқа зарурий техник

воситалар, канцелярия жиҳозлари билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг видеоконференцалоқа тизим орқали тергов ҳаракатларида иштирок этишини ташкил этиш мақсадида, тергов бўлинмаларини “UZTELECOM” АК томонидан тақдим қилинган видеоконференцалоқа платформасига уланиши таъминланди.

Бу билан, тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг видеоконференцалоқа тизими орқали тергов ҳаракатларида иштирок этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, шахснинг ҳуқуқини чеклайдиган процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритиб борилмоқда. Бу тизимнинг амалиётга жорий этилиши гумон қилинувчи ёки айбланувчиларга нисбатан уларнинг ҳуқуқини чеклайдиган процессуал мажбурлов чоралари қўлланилишининг электрон ҳисоби юритилишига, уларни онлайн назорат қилишга имкон яратди.

Ҳозирда жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимида шахсга нисбатан ушлаб туриш, уй қамоғи, қамоққа олиш, лавозимдан четлаштириш, тиббий муассага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини электрон ҳисобга олиш имконини берувчи модулга маълумотлар киритиб борилмоқда.

Терговчи ва суриштирувчилар ўртасида “Энг яхши терговчи” номинацияси бўйича ҳар йили республика танловини ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларида энг яхши ходимларни аниқлаш бўйича республика танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 24.08.2021 йилдаги 539-сон қарори қабул қилиниб, кўрик танлов ғолибларини мод-



дий рағбатлантириш ва малакали кадрларни танлаб олишнинг янги механизмлари жорий этилди.

Тергов департаментининг ташаббуси билан 2021 йилда “Тергов хизмати фахрийлари” номли китобнинг биринчи қисми нашрдан чиқарилган эди, 2022 йилда ушбу китобнинг иккинчи қисми чоп этилиб, бу билан ёш ходимларни тергов соҳасига бўлган иштиёқини янада кўтаришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Тергов департаментининг “Тергов амалиёти” ҳуқуқий, илмий амалий журнали Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаси юзасидан диссертациялар илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини рақамлаштириш орқали уларнинг очиклиги ва шаффофлиги таъминланиб, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тергов фаолиятини янада рақамлаштириш ва ишни судга қадар юритиш жараёнида ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизимини йўлга қўйиш мақсадида 28.01.2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон Қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик

билан олинишини таъминлаш учун 29 та давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш имконияти яратилди.

Жиноятлар бўйича ҳар томонлама ва ҳолисона тергов ҳаракатларини ўтказиш мақсадида Тергов департаменти ҳамда ҳудудий тергов бошқармаларида ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлим ва бўлинмалари ташкил этилди.

Мазкур ислоҳотлар ички ишлар органлари тергов бўлинмалари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Эндиликда, ички ишлар органларида тергов бўлинмалари шахсий таркиби ва жиноят ишлари салмоғини инобатга олган ҳолда, терговчи ва суриштирувчиларни ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш, шу билан бирга, ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасида:

- терговчи ва суриштирувчиларнинг ахборот-технологиялари соҳасидаги билимларини ошириш, кибержиноятларни фош этиш ва тергов қилиш методикасига ихтисослаштирилган ўқув дастурларини кенг жорий этиш, мазкур йўналишларда ўқитиш ишларини жадаллаштириш;

- тергов бўлинмаларида тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган кўшимча махсус хоналар қурилишини давом эттириш;

- минтақаларга чиқиб, суриштирув ва тергов қилиш жараёнини танқидий кўриб чиқиш ва ижобий тажрибаларни ўрганиб, бошқа ҳудудларга татбиқ этиш;

- тергов бўлинмалари шахсий таркибининг асосий қисмини ёш ходимлар ташкил қилишини инобатга олиб, Тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасида жорий этилган видеоконференц-алоқа тизими ёрдамида масофадан туриб, шунингдек бевосита ҳудудий Тергов бо-



шқармаларида тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ходимларни ўқитиш орқали уларнинг касбий ва амалий кўникмаларини ошириб бориш;

– дунёнинг етакчи давлатларининг тергов соҳасидаги бой тажрибасини ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш мақсадида МДХ, Европа, Америка, Туркия, Малайзия ва бошқа давлатларга ўрнатилган тартибда хизмат сафарлари уюштириш;

– Тергов департаментининг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти, “telegram” ва “facebook” ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари орқали фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқотни янада жадаллаштириш, уларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўз вақтида, тезкорлик билан тегишли тушунтиришлар бериш орқали муурожаатлар сонини кескин камайтириш;

– қонунчиликдаги бўшлиқ ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда жинойт, жинойт-процессуал ва маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш борасида қонун лойиҳаларини тайёрлаб, тегишли тартибда киритиш режалаштирилмоқда.

Ички ишлар органлари тергов бўлинмаларида “2023 йил - тергов сифатини ошириш йили” деб эълон қилиниб, Тергов департаменти ва ҳудудий Тергов бошқармаларининг комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

28.02.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат

дастури тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони қабул қилинди.

Давлат дастурида ички ишлар органларининг жинойтларни тергов қилиш соҳасидаги ташкилий-бошқарув фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, жумладан, ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ягона бошқарув тизимини яратиш, ҳудудий тергов бўлинмалари ходимларини ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш ҳамда жинойтларни тергов қилиш жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш вазифалари юклатилди.

Ҳозирда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқимизнинг розилигига эришиш.

Албатта, юқоридаги ислохотлар билан чегараланиб қолмасдан, ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларини инсон манфаати йўлида оғишмай хизмат қилувчи халқчил тузилмага айланттириш, соҳани рақамлаштириш орқали инсон омили аралашувини камайитириш, замон талаблари ва халқаро стандартлар асосида тергов хизмати учун профессионал кадрлар тайёрлаш каби чора-тадбирлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.



Сергей ГОРДЕЕВ

доктор философии по юридическим
наукам (PhD), доцент

О СОДЕЙСТВИИ СЛЕДОВАТЕЛЕЙ В РОЗЫСКНОЙ РАБОТЕ, ОСУЩЕСТВЛЯЕМОЙ ОПЕРАТИВНЫМИ ПОДРАЗДЕЛЕНИЯМИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация: В статье на основе практического анализа раскрывается сущность и содержательная сторона участия следователей в решении розыскных задач оперативных подразделений органов внутренних дел, формулируются выводы относительно необходимости их содействия в данной сфере исходя из имеющихся полномочий и возможностей.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, розыск, розыскная работа, розыскная деятельность, оперативные подразделения, органы дознания и следствия, следователь.

Аннотация: Мақолада амалий таҳлил асосида терговчиларнинг ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан қидирув вазифаларини амалга оширишдаги иштирокининг моҳияти ва мазмуни кўриб чиқилиб, уларнинг бу соҳага, мавжуд ваколат ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, кўмаклашиш зарурати юзасидан хулосалар шакллантирилмоқда.

Таянч тушунчалар: тезкор-қидирув фаолияти, қидирув, қидирув иши, қидирув фаолияти, тезкор бўлинмалар, суриштирув ва тергов органлари, терговчи.

Annotation: Based on a practical analysis, the article reveals the essence and content of the participation of investigators in solving the search tasks of the operational units of the internal affairs bodies, formulates conclusions regarding the need for their assistance in this area based on the available powers and capabilities.

Key words: operational-search activity, search, search work, search activity, operational units, bodies of inquiry and investigation, investigator.

В условиях укрепления гарантий обеспечения благополучной жизнедеятельности общества своеобразным фактором, негативно влияющим на данный процесс, всегда выступало такое социальное явление, как преступность, которое не только представляет угрозу спокойствию и безопасности людей, но и выступает серьезным препятствием на пути реализуемых в стране реформ.

Огромное значение в данном ракурсе имеет розыскная работа, осуществляемая оперативными подразделениями органов внутренних дел, выделенная Законом Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» в качестве одной из основных задач оперативных служб. Ведь в сочетании с предупреждением, выявлением и раскрытием преступлений розыскная работа также нацелена на обе-

спечение защиты прав и свобод граждан, охрану интересов общества и государства.

На наш взгляд, на современном этапе развития государственной системы правоохранительная деятельность не может идти по пути увеличения штата сотрудников, но имеет потребность в поиске новых, отвечающим современным требованиям, эффективных подходов в решении задач, стоящих перед розыскной работой.

Так, отметим, что достижение положительных результатов в розыске лиц, зависит не только от наличия и количества специально выделенных для этих целей оперативных сотрудников. Совершенствование организации розыскной работы требует изменения подхода к использованию в ней возможностей иных служб и подразделений как правоохранительных структур в целом, так и органов внутрен-



них дел в частности. Осуществление качественного взаимодействия в рассматриваемом направлении оперативно-розыскной деятельности должно осуществляться не от случая к случаю, а комплексно и систематически. На наш взгляд, это *ключевой элемент достижения результативности организации* розыскной работы, наиболее эффективный способ решения общих задач совместными комплексными усилиями.

Необходимость взаимодействия в данном направлении обусловлена тем, что розыск, как отмечал А.А.Марченко¹, проблема комплексная и отдельно взятый оперативный аппарат не в состоянии изолированно от других подразделений и служб органов внутренних дел успешно выполнять поставленные перед ним задачи.

Таким образом, *непрерывное целевое взаимодействие в розыске*, на наш взгляд, является *объективной необходимостью данной деятельности*, способное обеспечить эффективный конечный результат.

С этой позиции актуально выделить участие следователей в принятии розыскных мер со стороны оперативных подразделений. При этом, в данной научной статье *мы хотим выдвинуть точку зрения не относительно действий следственных органов в случае объявления ими розыска в отношении скрывающихся обвиняемых, когда они выступают так называемыми «инициаторами розыска» по находящимся в своем производстве уголовным делам², а их участия (содействия) в розыскной*

работе в целом, организуемой оперативными подразделениями в рамках оперативно-розыскного производства по всем приостановленным уголовным делам или случаям безвестного исчезновения граждан и обнаружения неопознанных трупов³.

Проблемы взаимодействия следственных и оперативных подразделений в Узбекистане, в том числе при осуществлении розыска скрывшихся обвиняемых, с научной позиции рассматривались А.А.Матчановым, Д.М.Миразовым, Д.Э.Каримовой, Ш.Ф.Файзиевым, Б.Б.Хидоятовым и др. Однако, несмотря на многочисленные исследования, ряд вопросов на сегодняшний день остается неразрешенным. Подтверждением этому является анализ розыскной практики органов внутренних дел и ее нормативной базы, который свидетельствует о низком уровне содействия следователей в рассматриваемом направлении деятельности.

Можно признать, что в настоящее время мы не имеем устойчивой системы постоянного взаимодействия и активного содействия следователей в розыске соответствующих категорий лиц и идентификации трупов. Как правило, розыскная работа в основном ведется сотрудниками оперативных подразделений, которым поручено его осуществление. При этом не учитывается, что взаимодействие представляет собой организационно-функциональную систему, лишь «замкнутую» на оперативных подразделениях, нацеленных на собирание и использование розыскной информации.

К сожалению, на сегодняшний день

¹ См.: Марченко А.А. Организация розыскной работы горрайлиноорганами внутренних дел: Лекция. – М., 1986. – С. 20.

² Данный вид взаимодействия ранее нами проанализирован. См. подробнее: Гордеев С.Н. Взаимодействие следователя с оперативными аппаратами в розыске лиц, скрывшихся от следствия и суда // Нуқуқшунос-Юрист. – 2011. – №1. – С.42-43; Гордеев С.Н. Тергов ва суддан яширинган шахсларни кидиришда ҳамкорликни ташкил этиш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2011. – № 2. – Б. 91-94.

³ Примечание: основными направлениями розыскной работы оперативных подразделений являются, во-первых, розыск лиц, скрывающихся от органов дознания, следствия и суда, уклоняющихся от уголовного наказания, пропавших без вести и иных категорий разыскиваемых, во-вторых, установление личности неопознанных трупов и граждан, в связи с болезнью или возрастом не способных сообщить о себе надлежащие сведения, в-третьих, эффективная профилактика уклонения лиц.



приходится все чаще сталкиваться со стереотипом у определенной части следователей о том, что розыск – это задача лишь оперативных аппаратов, а первые являются «организаторами» розыска и могут участвовать как «управляющее звено», и то только для решения приостановленных уголовных дел, находящихся в своем производстве. В данном случае очевидно, что следователь в большинстве случаев допускает неправильное понимание содержания части 1 статьи 36 Уголовно-процессуального кодекса Узбекистана, в которой указано, что «следователь вправе:… поручать органам, осуществляющим доследственную проверку или оперативно-розыскную деятельность, исполнение постановлений о задержании, приводе, розыске лиц...».

Так, проведенное нами исследование показывает, что 15,6% респондентов при опросе ответили, что следователи принимают участие в розыске обвиняемых по уголовным делам, не находящимся в своем производстве, 27,3% ответили «иногда», 41,4% – «нет, не принимают», 15,7% затруднились ответить⁴, что, естественно, нельзя признать удовлетворительным. Больше половины (55,4%) опрошенных оперативных сотрудников отметило, что степень участия следственных органов в данном случае минимальная, а содействие в установлении местонахождения без вести пропавших граждан и идентификации личности неопознанных трупов практически отсутствует.

При этом, как верно отмечает А.П. Большаков, процессуальная и оперативно-розыскная деятельность, дополняя друг друга, позволяют устранять или минимизировать многочисленные трудности конфликтного, организационно-управленческого розыскного характера, пре-

пятствующие расследованию уголовного дела⁵. Вместе с тем, у следователей имеются реальные возможности изучения причин и условий уклонения обвиняемых от органов дознания и следствия, разработки и внесения на этой основе предложений в оперативные подразделения для определения дальнейших стратегических действий по развитию рассматриваемого направления оперативно-розыскной деятельности.

Самоустранению следователей от участия и содействия в розыскной работе оперативных подразделений в целом, на наш взгляд, способствует отсутствие нормативно регламентированного на ведомственном уровне порядка в данном ракурсе взаимодействия, ведь существующие нормы регулируют «частные действия» следователей по своим приостановленным уголовным делам.

Проведенный сравнительно-правовой анализ уголовно-процессуальных и оперативно-розыскных нормативных источников приводит к выводу о недостаточном правовом регулировании взаимодействия следователей и оперативных подразделений в ходе розыскной работы, в котором не предусмотрен должным образом перечень задач и действий следователей, которые они должны и могут производить в розыскных целях, и, соответственно, об имеющихся сложностях и противоречиях в практической реализации содействия.

В данном случае, нами ранее предпринята попытка⁶, на основе анализа практики, разделить понятия «розыскная работа»

⁴ В ходе опроса проведено анкетирование 835 руководителей и сотрудников оперативных подразделений органов внутренних дел.

⁵ См.: *Большаков А.П.* Организационные аспекты взаимодействия следователя с органом дознания по розыску обвиняемых, скрывшихся от органов предварительного следствия: вопросы повышения эффективности // Вестник Волгоградской академии МВД России. – Волгоград, 2014. – № 2. – С. 77.

⁶ См.: *Гордеев С.Н.* К сущности понятий «розыскная работа» и «розыскная деятельность» // Актуальные научные исследования: Сборник статей X Международной научно-практической конференции. Ч. 2 – Пенза: МЦНС «Наука и просвещение», 2023. – С. 56-60.



и «розыскная деятельность», где *под первой категорией* мы предлагаем понимать самостоятельное направление оперативно-розыскной деятельности, осуществляемое оперативными подразделениями в рамках оперативно-розыскного производства, а *под второй* – систему проводимых уполномоченными на то субъектами собственных им мероприятий, направленных на содействие в реализации целей розыскной работы.

Таким образом, в отличие от розыскной работы, розыскная деятельность, по нашему мнению, охватывает другие субъекты – подразделения профилактической, патрульно-постовой, дорожно-патрульной и экспертно-криминалистических служб, а также органы дознания и следствия, в той или иной форме реализующие розыскные задачи с учетом специфики своей сферы.

Предлагаемые трактовки позволяют предусмотреть комплексное использование сил и средств соответствующих подразделений при решении розыскных задач, предоставляя возможность оперативному составу целенаправленно принимать эффективные розыскные меры.

С учетом данного умозаключения, в целях повышения роли следователей в розыскной работе оперативных подразделений органов внутренних дел нами **предлагается определить следующие основные функции органов дознания и следствия относительно их участия в решении розыскных задач** в целом:

постоянное изучение и своевременное реагирование на поступающие розыскные ориентировки;

изучение причин и условий уклонения обвиняемых от органов дознания и следствия, принятие на основе анализа мер по их устранению либо внесению предложений в оперативные подразделения;

выявление разыскиваемых лиц, в том числе пропавших без вести, среди обвиняе-

мых, привлекаемых к уголовной ответственности, а также иных участников уголовного процесса в ходе производства по уголовным делам;

получение, в ходе производства по уголовным делам значимых сведений (информации) касающихся разыскиваемых лиц, с последующей их передачей в оперативные подразделения для использования в ходе розыскной работы;

принятие мер по проверке обнаруженных трупов по учетам лиц, скрывающихся от органов дознания, следствия и суда, а также пропавших без вести;

ведение постоянной поисково-познавательной деятельности в ходе своей повседневной работы в целях возможного получения информации, значимой для розыска лиц, с последующей их передачей в оперативные подразделения;

систематическое совместное изучение и обсуждение с оперативными подразделениями проблем в сфере розыска скрывающихся обвиняемых, осуществление постоянного обмена устной или письменной информацией по приостановленным уголовным делам.

Тем самым, данными функциями мы формируем роль следователя не в качестве «инициатора» (организатора) розыска, а как субъекта розыскной деятельности, способного спецификой своей повседневной работы активно оказывать содействие оперативным подразделениям.

При этом, вышеперечисленные розыскные задачи следователя необходимо предусмотреть в ведомственном нормативном акте Министерства внутренних дел, регулирующем розыскную, что будет способствовать четкой регламентации порядка (организационной формы) его взаимодействия с оперативными подразделениями на различных этапах розыска и в отношении всех его объектов, вне зависимости от наличия у него конкретного уголовного дела, производство по которому



приостановлено. И такое взаимодействие, по справедливому мнению Д.Э.Каримовой⁷, должно быть непрерывным.

Ведь для того, чтобы следователь мог полноценно участвовать и содействовать в розыском процессе и можно было вести речь о его реальном взаимодействии с оперативными сотрудниками, его необходимо наделить обязательными и нормативно закрепленными на ведомственном уровне функциями – мерами, которые он должен принимать в розыскных целях по всем возможным случаям исходя из специфики своей деятельности.

Вместе с тем, в целях избежания фактического игнорирования следователями якобы «дополнительно» возложенных розыскных задач полагаем целесообразным включить в критерии оценки их деятельности показатели положительных результатов в этом направлении.

Сформулированные выводы и предложения наиболее полно отражают актуальность роли следователей в розыскной работе применительно к практике оперативных подразделений органов внутренних дел. Предлагаемые умозаключения, на наш взгляд, позволяют избежать узкого подхода к организации взаимодействия и практического содействия следственных органов в данной сфере, предусматривают комплексное использование их возможностей при решении розыскных задач.

В заключении отметим, что дальнейшее совершенствование розыскной работы оперативных подразделений органов внутренних дел в определенной степени зависит от изменения подходов к использованию возможностей иных служб и подразделений, в том числе сил и средств органов дознания и следствия.

⁷ См.: Каримова Д.Э. Совершенствование взаимодействия следователя органов внутренних дел с подразделениями уголовного розыска: Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – С. 33-34.



Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ
Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий
ижро бюроси директори

СУРИШТИРУВНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ: АМАЛИЙ ВА ИЛМИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Аннотация: Мақолада жиноят ишининг судга қадар юритиш босқичида, яъни жиноятларни аниқлаш, очиш, шахснинг айбли ёки айбсизлигини исботлашда суриштирувнинг ўрни ва аҳамияти ёритилиб, суриштирувни амалга оширишга оид қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Аннотация: В статье освещается роль и значение дознания на стадии уголовного производства в суде, т. е. при выявлении и раскрытии преступлений, доказывании виновности или невиновности лица, а также предлагаются предложения по совершенствованию законодательства и правоприменительной практики, связанные с осуществление дознания.

Abstract: The article highlights the role and importance of the inquiry at the stage of criminal proceedings before the court, i.e., in identifying and solving crimes, proving the guilt or innocence of a person, and offers suggestions for improving the legislation and law enforcement practices related to the implementation of the inquiry.

Калит сўзлар: жиноят, айбсизлик, суриштирув, суриштирувчи, тергов, далил, қонун устуворлиги, айбсизлик презумпцияси, одил судлов, Мажбурий ижро бюроси, зарар, маъмурий иш, суд ҳужжати, мажбурият, айблов далолатномаси, ярашув, касбий қайта тайёрлаш, малака ошириш.

Ключевые слова: преступление, невиновность, дознание, следователь, расследование, доказательство, законность, презумпция невиновности, правосудие, исполнительное производство, ущерб, административное дело, судебный акт, обязательство, обвинительный акт, примирение, профессиональная переподготовка, повышение квалификации.

Key words: crime, innocence, inquiry, investigator, investigation, evidence, rule of law, presumption of innocence, justice, Bureau of Enforcement, damage, administrative case, court document, commitment, indictment, conciliation, professional retraining, professional development.

Жиноятни аниқлаш ҳамда очиш, жиноятчиларни аниқлаш, уларнинг айбли ёки айбсизлигини исботлашда суриштирув органлари алоҳида ўринга эгадир.

Суриштирув органлари жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида кўп меҳнат ҳамда синчковликни талаб қиладиган процессуал тадбирларни амалга оширадilar.

Ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят иши суриштирувини амалга ошириш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш фаолияти жиддий масъулият билан ёндашувни талаб этади.

Бу соҳадаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичида Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшим-

ча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди⁸.

Мазкур Фармоннинг асосий мақсади суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, жиноят процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни таъминлашдан иборат.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 22 декабрь кунидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам қилиниши керак бўлган кўплаб ишлар алоҳида таъкидланди. Жумладан, жиноятчиликка қарши ку-

⁸ <https://lex.uz/docs/3432426>



раш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, судлар фаолияти мустақиллигини таъминлаш, суриштирув ва тергов соҳаларида суиистеъмолчиликларга ҳамон барҳам берилмаганлиги танқид қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-442-сон Қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар (381¹-381¹⁷-моддалар)⁹ киритилди.

Ушбу ислоҳотлардан мақсад шахс ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қилиш, жиноят ишларининг юритишнинг содалаштирилган тартибини жорий этиш, иш юритишда айрим қийинчиликларни вужудга келтирувчи механизмларга барҳам бериш ҳисобланади.

Шу каби суд-ҳуқуқ ислоҳотлари суриштирув институтига ҳам дахлдор бўлди ҳамда ўзига хос мустақил тармоққа айланди.

Суриштирув институти жиноят процесуал қонунчиликда белгиланган органлар томонидан тегишли моддалар асосида дастлабки терговни амалга оширувчи тизим сифатида шакллантирилиши тергов сифатида яхшилашга хизмат қилади.

Қонунчиликда суриштирув ўтказувчи органлар ва мансабдор шахслар доирасига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, терговга қадар текширувни ҳамда суриштирувни амалга оширувчи органлар ва уларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Бунинг асосий мақсадларидан бири қайси орган томонидан ҳуқуқбузарлик аниқланса, тегишли ваколат доирасида ўша органнинг ўзи бошидан охиригача шуғулланиши, суриштирув органлари ҳам ўзлари қўзғатган жиноят ишлари бўйича тегишлилигига кўра тергов ҳаракатлари олиб боришлари ва бунда сансоларликка йўл қўйишининг олди олинишидир.

⁹ <https://lex.uz/docs/3328284>

Хусусан, муқаддам суриштирув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган органлар доираси Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38-моддасига мувофиқ тарзда белгиланган бўлса, тегишли ўзгаришдан сўнг ушбу модда “Суриштирув” деб номланиб, унга кўра жиноят ишлари бўйича суриштирув олиб бориш ваколатига эга бўлган янги органлар белгилаб берилди.

Шу ўринда Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳам суриштирув органи сифатида алоҳида мақомга эгадир.

Хусусан, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида фуқаролар ҳамда жамиятларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтириш, одил судловни таъминлаш пировард мақсаддир.

Яхши биламизки, Давлатимиз раҳбарининг 29.05.2017 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-сонли Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишига, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга, шунингдек, суд ҳужжатлари ижросини таъминлашга масъул бўлган Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Дастлаб, Бюро органлари томонидан ижро иши, энергия ресурслари билан боғлиқ барча ҳолатлар тизимли ўрганиб чиқилиб, таҳлил қилинди. Белгиланган вазифалар – энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва олдини олиш, шунингдек, суд ҳужжатларининг ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилди.

Бюро органлари ташкил этилганидан



буён энергия ресурслари, сув истеъмоли ва қаттиқ маиший чиқиндилар соҳасида **87,9 трлн. сўм** ундирилди.

Бу давр ичида энергия ресурслари ва сув таъминотидан ноқонуний фойдаланиш ҳамда талон-торож қилиниши билан боғлиқ 1,2 трлн. сўмлик зарар аниқланиб, 1033 та жиноят ишлари кўзгатилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг 18.06.2020 йилдаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6010-сонли Фармони билан Мажбурий ижро бюроси фаолиятидаги газ ва электр учун тўловларни қабул қилиш вазифа ва функциялари Энергетика вазирлиги зиммасига ўтиши, ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан кўрсатилган қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловларни ундириш механизмини амал оширилиши белгиланди.

Бюро Бош прокуратура ҳузуридаги махсус ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи, тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланиш ваколатига эга орган сифатида фақат суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш орқали амалда одил судловни таъминлашни ўз олдидаги асосий вазифа сифатида белгилади.

Бюро органларида терговга қадар текширув ва суриштирув устидан назорат янада кучайтирилиб, қарорларни ҳар томонлама, холис ва фақат қонун талабларига қатъий риоя этган ҳолда қабул қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сонли Фармони асосида ишлар ташкиллаштирилиб, ҳозирда Бюро – Бош прокуратура ҳузуридаги махсус ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи, тезкор-қидирув фаолияти

билан шуғулланиш ваколатига эга орган ҳисобланади.

Бюро органларида терговга қадар текширув ва суриштирув устидан назорат янада кучайтирилиб, қарорларни ҳар томонлама, холис ва фақат қонун талабларига қатъий риоя этган ҳолда қабул қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бюро органларининг суриштирув ва маъмурий амалиёт йўналишида бу борада ишлар ташкил этилган бўлиб, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари кўзгатилиб суриштирув ҳаракатлари ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, 2020 йил ва 2023 йилнинг 6 ой давомида жами **184601** та **маъмурий ишлар** кўзгатирилган бўлиб, маъмурий ишларнинг **151929** таси бевосита Бюро органларида кўриб чиқилган.

Ўтган даврда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олиш, профилактика қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида 128 092 та оилаларни яраштириб, оилаларнинг бутлигини сақлашга эришилган ҳамда 77 714 нафар қарздорлар ишга жойлаштирилди.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этмаслик, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича Бюро суриштирувчилари 2879 та жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳаракатлари ўтказилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Суриштирув жараёнида 9,4 млрд. сўм зарар вояга етмаганлар фойдасига ундирилган.

Мисол учун Фуқаролик ишлари Учтепа туманлараро судининг суд буйруғига кўра, қарздор Ш.Баратбаевдан ундирувчи М.Заирова фойдасига уч нафар фарзандларининг 51.120.108 сўм алимент пулларини тўламасдан, вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Ушбу жиноят иши суднинг ажримига



кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилди.

Юқоридаги ижобий кўрсаткичлар фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданияти кундан-кунга юксалиб бораётганлигини кўрсатади.

Хусусан, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганлиги унда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганлигидан далолат бермоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Шу билан бир қаторда Конституциямизда суриштирув процессуал ҳаракатларига оид янги нормалар ҳам ўз ифодасини топди.

Жумладан, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак (28-модда).

Мазкур янги қоиданинг аҳамияти нимада? Бу норма айбсизлик презумпцияси принципнинг муҳим кафолатидир. Конституцияга киритилаётган мазкур инсонпарвар қоидага кўра, жиноят иши бўйича ҳар қандай далилларга нисбатан шубҳа пайдо бўлса, бундай шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши зарур. Нима учун шахс ҳуқуқининг мазкур кафолати муҳим?

Шахсни айбдорлигига оид ҳар қандай шубҳаларга таяниб, айблаш учун етарли бўлмаган далиллар асосида шахсни жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Борди-ю, терговда айб эълон қилинса ҳам, бундай вазиятда судда айбини тасдиқловчи далилларнинг етарли эмаслиги

туфайли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилади. Яъни, **“исботланмаган айб – исботланган айбсизликка тенг”** деган халқаро стандарт амал қилади.

Конституцияга киритилаётган мазкур норма суриштирув, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди ҳамда натижада шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас (28-модда). Жиноят иши бўйича шахснинг ўз айбини бўйнига олиш тўғрисидаги кўрсатувигагина асосланиб, уни айбдор деб хулоса чиқариш одил судлов тамойилларига мутлақо зиддир. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир бўлганми, унинг содир этилишида ким айбдор ва бу билан боғлиқ барча ҳолатларни тўлиқ аниқлаши шарт.

Шахсни жиноятда айбдор деб топиш ва уни жазога тортиш учун далиллар ишончли ва етарли бўлиши керак. Жиноят-процессуал кодексига биноан, шахс берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, у ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг барча ҳолатлари бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши шарт.

Ушбу норма тергов органлари зиммасига конституциявий даражада алоҳида маъсулият юклайдики, улар шахснинг айбини исботлаш жараёнида иқрорлик кўрсатмаларига асосий урғу бермаслиги ва айбловни фақат тергов йўли билан текширилган бошқа ишончли далиллар мажмуи билан исботлашлари шарт. Мазкур норманинг Конституциямизга киритилиши содир этилган жиноят бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек айбсиз инсонларни жавобгарликка тортилишини олдини олишга, айни пайтда жиноят содир этган ҳақиқий айбдор шахс ёки шахсларни аниқлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши



ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Уй-жойга киришга, шунингдек олиб қўйиш ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади (31-модда). Тинтув ўтказиш ва телефон сўзлашувини эшитишга санкцияни прокурордан судга ўтказилишининг аҳамияти нимада?

Мазкур тергов ва процессуал ҳаракатлар бевосита шахснинг дахлсизлик ҳуқуқларига таъсир кўрсатади. Тинтув тергов ҳаракати - уй-жой дахлсизлиги, телефон сўзлашувларини эшитиш - шахсий ҳаёт дахлсизлиги кафолатларини чеклаш билан боғлиқ. Тергов амалиёти давомида ушбу ҳаракатларни ўтказишда қонун талабларига риоя қилмаслик хавфи ҳам мавжуд бўлиб, улар фуқаролар ҳуқуқларининг асоссиз чекланишига олиб келиши мумкин.

Хабеас корпус тартиби нимани англатади? Шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суднинг қарори асосида амалга оширилиши шартлиги айнан Хабеас корпус қонунда талабидир.

Эндиликда терговчи, суриштирувчи ва прокурор томонидан тинтув ўтказиш ва телефон сўзлашувини эшитиш заруратини судга асослантириши зарур бўлади. Қачон суд рухсат берсагина унинг телефон сўзлашувлари эшитилиши, уй-жойи тинтув қилиниши мумкин. Чунки суд прокурорга нисбатан жиноят иши юзасидан ҳеч бир идоравий ёки бошқа манфаатга эга эмас, у бетарафдир.

Натижада шахсни конституциявий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашга оид бу ҳаракатлар суд рухсати билан амалга оширилиши терговда фуқароларни мулк, турар жой дахлсизлиги ва шахсий ҳаёт ҳамда унга оид маълумотлари дахлсизлиги асоссиз бузилишини олди олинади.

Жиноят процессида суриштирувни ҳар томонлама такомиллаштиришнинг яна бир

соҳаси бу кадрлар масаласи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги 28 ноябрдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизimini жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-257-сон фармони билан бу масала ҳам Президентимиз томонидан янада ислоҳ қилинди. Бош прокуратура Академияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилди ҳамда унда жиноятларни тергов қилиш соҳасида кадрларни амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда ягона ёндашув асосида тайёрлашга қаратилган узлуксиз ўқув тизими йўлга қўйилди.

Академиянинг тергов фаолияти йўналиши бўйича магистратурасига қабул суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга давлат органларининг мазкур вазифаларни амалга оширувчи тузилмаларининг ҳамда прокуратура органларининг амалдаги ходимлари орасидан амалга оширилади.

Суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга давлат органлари ходимлари учун Академияда қуйидаги ўқув дастурлари бўйича касбий қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг мажбурий тартиби жорий қилинди.

Яъни биринчи маротаба суриштирув ва тергов фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга давлат органларига хизматга қабул қилиниб, суриштирувчи ёки терговчи лавозимларига тайинланган ҳамда прокуратура органларига илк бор хизматга қабул қилинган ходимлар мажбурий бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқишади.

Хулоса сифатида айтганда, суриштирув фаолиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар сифатини янада ошириш ҳамда келажакда ушбу йўналишни янада ислоҳ қилиш, соҳага оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади.



Аҳмад ЗУФАРОВ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат хавфсизлик хизмати
Тергов бошқармаси бошлиғи

ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: Мақолада хавфсизликка таҳдидларнинг замонавий кўринишлари, кибермакондаги жиноятлар, уларга қарши курашиш ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий ва ҳуқуқий тадбирлар, қонунчиликка киритилиши лозим бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар, суриштирувчи ва терговчиларни касбий билим, кўникмаларини оширишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилган.

Калитсўзлар: дастлабки тергов, суриштирувчи, терговчи, кибермакон, кибержиноятчилик, криптавалюта.

АННОТАЦИЯ: В статье выдвинуты конкретные предложения по реализации современных проявлений угроз безопасности, преступлений в киберпространстве, организационно-правовых мер, которые должны быть осуществлены в целях борьбы с ними и обеспечения верховенства закона, изменений и дополнений в законодательство, мер, направленных на обеспечение профессиональных знаний, повышение квалификации дознавателей и следователей.

Ключевые слова: предварительное следствие, дознаватель, следователь, киберпространство, киберпреступность, криптовалюта.

АННОТАЦИЯ : The article put forward specific proposals for the implementation of modern manifestations of security threats, cyberspace crimes, organizational and legal measures that should be carried out in order to combat them and ensure the rule of law, amendments and additions to the legislation, measures aimed at ensuring professional knowledge, skills development of interrogators and investigators.

Keywords: preliminary investigation, interrogator, investigator, cyberspace, cybercrime, cryptocurrency.

Бугунги кунда илм-фан тараққиёти, ахборот технологиялари ривожини, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг инсоният ҳаётидаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг жамиятнинг бир бўлаги сифатида қонуний манфаатларини кафолатланиши умумэтироф этилувчи қадрият сифатида қарор топиб бормоқда. Ўз навбатида давлат ташкилотлари томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг олий қадрият эканлигини эътироф этиш орқали ҳар бир шахснинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш давлатнинг асосий

устувор мақсадига айланиб, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида ўз аксини топмоқда.

Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, сўнгги йилларда ушбу ислохотлар тамоман янги руҳ ва кўринишда давом этмоқда. Таъбир жоиз бўлса, Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти қаршида янги қиёфа касб этмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг асосий диққат марказида турибди. 2021 йил 25 октябрь куни бўлиб



ўтган Президентлик сайловларида Президентимизнинг сайлов олди дастурлари “Инсон кадрлари учун” деб номлангани ҳам инсон, унинг кадрлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрларнинг эканлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг тасдиғи ҳисобланади.

Давлат ва жамият ҳаётидаги ислохотлар баробарида суд-ҳуқуқ тизимида ҳам жуда кўплаб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда инсон, жамият учун энг муқаддас кадрлар бўлган адолат фақат ва фақат қонун асосида суд ҳукми билан таъминланади¹.

Қайд этиш лозимки, глобаллашув ва рақамлаштириш дунё ҳамжамяти иқтисодий ва илм-фани учун ривожлантирувчи восита бўлибгина қолмай, балки жиноятларни, жумладан, кибермакондаги жиноятларни, содир этиш бўйича замонавий механизмларни ривожлантириш учун имконият яратмоқда².

Бугунги кундаги жиноятчилик бундан бир неча ўн йиллар олдинги жиноятчиликдан кўриниш ва усул жиҳатдан тамоман фарқ қилади. Чунки, “жиноятчилик олами” ҳам ўз жиноий мақсадларини амалга оширишда фан-техника, ахборот технологияларидан фойдаланмоқда.

Ҳаётимизга Интернетнинг янада чуқур кириб бориши, шахс тўғрисидаги, унинг пул айланмалари, банк операциялари тўғрисидаги маълумотлар ахборот ресурсларида сақланаётгани, таълим олиш, иш фаолиятини олиб бориш ва кундалик фаолиятимизда интернетнинг ўрни ортиб, атрофимиздаги олам билан параллел равишда виртуал олам кибермакон юзага келди.

Президентимиз таъкидлаганидек, рақамли технологиялар маҳсулотлар ва хизматлар сифатини оширади, харажатларни камайтиради ва коррупцияга қарши курашда

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан курашимиз//Олтин водий дурдонаси. Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашувдаги нутқ. Фарғона-2016.

² Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаркатларини ўтказиш тактикаси. 1-Б. Ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси Г.Ф.Мусаев ва бошқалар. Тошкент 2020.

самарали хизматқилади. Афсуски, ахборот коммуникация технологиялари инсон фаолиятининг барча жабхаларига таъсир қилишдан келиб чиқилганида, ундан нафақат виждонли шахслар, балки мўмай бойлик орттириш, шу билан бирга фуқароларни, давлат идораларини обрўсизлантириш каби турли хил ноқонуний мақсадларни амалга оширувчи кибержиноятчилар ҳам фойдаланмоқда³.

Ўз навбатида, айрим жиноятчилар жиноий мақсадларига виртуал олам орқали эришишга уринаётгани, Интернетдан кенг фойдаланаётгани янги тушунчани кириб келишига сабаб бўлди, бу кибержиноят тушунчаси. Жумладан, кибержиноятчилик - ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси⁴ ҳисобланади.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, ҳозирда кибермакондаги жиноятлар фақатгина ахборотни эгаллаш ва уни ўзгартиришга қаратилибгина қолмай, жиноят қонунчилигида белгиланган жиноятларнинг объектив томон ҳаракатлари кибермаконда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилмоқда.

Жумладан, бугунги кунда халқаро терроризм ва трансмиллий жиноятлар мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид сифатида сақланиб қолиши баробарида, террорчи гуруҳларнинг фаолиятига жалб қилиш, ўзларининг жиноий мақсадларига бошқа шахсларни жалб қилиш, ёллаш, тарғибот ишлари, террорчилик жиноятларини содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини шакллантириш, қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўргатишда айнан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш кўпаймоқда. Ўтган даврда террорчи

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси // [url:https://ptesident.uz/ru/lists/view/3324](https://ptesident.uz/ru/lists/view/3324).

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 15.04.2022 йилдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сон Қонуни.



гуруҳлар таъсирига тушиб қолган шахслар курул-яроғ, портлатиш қурилмаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаш учун махсус тайёргарликдан ўтиш мақсадида Афғонистон, Покистон каби давлатлардаги дала лагерларида ўқувдан ўтган бўлса, бугунги кунда ушбу дала лагерлари ўрнини кибермакон, виртуал олам эгалламоқда.

Хусусан, ДХХ Тергов бошқармаси томонидан тергов қилинган жиноят иши давомида аниқланишича, фуқаро Ахмедов Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда фуқаролар Ботиров, Нодиров⁵ ва бошқа шахсларни террорчилик фаолиятига жалб қилиб, уларга онлайн тарзда портлатиш қурилмаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича машғулотлар ўтган. Натижада, фуқаролар Б.Ботиров, Нодировлар ўзларининг яшаш манзилларида Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари биноларида террорчилик ҳаракатлари содир этиш орқали аҳоли орасида ваҳима тарқатиш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига путур этказиш мақсадида жиноий режа тузиб, бунга пухта тайёргарлик кўришган.

Бирок, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳамкорликда ўтказилган фаол тадбир натижасида терактнинг олди олинган.

Шу билан биргаликда, мамлакатимиз хавфсизлигига трансмиллий жиноятлар гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни контрабандаси ва қонунга хилоф муомаласи таҳдиди ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Бугун ушбу турдаги жиноятларни содир этишда кибермакондан, ўзаро тўловларни амалга оширишда криптовалюталардан фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда.

Бунда жиноий гуруҳлар “Darknet” тармоғидан кенг фойдаланишмоқда. Ўз навбатида, даркнет – ноқонуний ҳаракатларни амалга оширадиган, ноқонуний товарлар ва хизматларни сотадиган ва киришга фақат

⁵ Мақолада келтирилган исм ва фамилиялар шартли ҳисобланади.

ихтисослаштирилган дастурий таъминот (Тог-браузер) ёрдамида кириш қийин бўлган ва яширин веб-сайтлар билан танилган, бутунжаҳон ўргимчак тўрининг бир қисми. Қоронғи ўргимчак тўри номи билан ҳам танилган⁶. Унинг фойдаланувчилари анонимлиги, жойлашган жойларининг аниқлаш имкониятлари чекланганлиги ва жиноятчилар фаолиятини амалга ошириш учун яратилган бошқа “қулайликлар” туфайли, гиёвандлик воситаларини реклама қилиш, сотиш ва шу каби қонунга хилоф ҳаракатлар айнан даркнет тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилмоқда.

Албатта реклама қилинган товарни сотиш олиш учун тўловларни амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли, ноқонуний ашёлар учун тўловларни қонуний йўллар билан банк операциялари орқали амалга ошириш ҳам уларни фош бўлиб қолишларига сабаб бўлиши мумкинлиги учун улар тўловларни криптовалюталардан, хусусан, “Bitcoin”, “Litecoin”дан фойдаланган ҳолда амалга оширишмоқда.

Криптовалюта – бу ўтказмаларни амалга оширишда ва транзакцияларни текширишда банк жалб қилинмайдиган рақамли тўлов тизими⁷. У фақатгина Интернетда мавжуд бўлиб, унинг қоғоз ёки бошқа моддий шакли мавжуд эмас. Шу сабабли, криптавалюталар жиноий гуруҳлар томонидан молиявий операцияларни ўтказишда жуда кенг қўлланилмоқда.

Шу ўринда 2023 йил 19 май куни бўлиб ўтган “Марказий Осиё-Хитой саммити”да Президентимиз Ш.Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари ҳамда Хитой махсус хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида наркотрафик, трансчегаравий ва кибержиноятчиликка қарши курашда яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни таклиф қилиб “Биз барқарорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича минтақавий мулоқотни бугунги даражасини юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимизнинг мустақиллиги, суве-

⁶ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси. 192-Б. Ўқув кўлланма. Муаллифлар жамоаси Г.Ф.Мусаев ва бошқалар. Тошкент 2020.

⁷ <https://www.kaspersky.ru/resource-center/definitions/what-is-cryptocurrency>.



ренитети ва ҳудудий яхлитлиги масалалари бўйича принципиал позицияни эгаллаб келяпмиз.

Ўзбекистон Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мувофиқ хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва тинч тараққиёт тамойилларига асосланган глобал ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Марказий Осиё давлатлари ҳамда Хитой махсус хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида уч ёвуз куч наркотрафик, трансчегаравий ва кибержиноятчиликка қарши курашда яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни таклиф этамиз⁸ деб таъкидлади.

Хусусан, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикалари махсус хизматлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида, Қодиров Тожикистон Республикасидан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини криптавалюта эвазига Россия Федерациясида фаолият юритувчи жинойий гуруҳга сотган. Ушбу кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини Қодиров Ўзбекистон Республикаси орқали транзит олиб ўтиб кетаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят устида ушланган.

Дастлабки тергов давомида Қодиров⁹ гиёҳвандлик воситаларининг қонунга ҳилоф муомаласи билан шуғулланиб келиши, ўз навбатида тўловларни криптовалюталар “Bitcoin”, “Litecoin”дан фойдаланган ҳолда амалга ошириши аниқланган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар суд-ҳуқуқ тизими олдида амалга оширилиши керак бўлган бир қатор ташкилий ва ҳуқуқий тадбирлар зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бунинг учун биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштириш, бунинг учун жиноят-процессига замон талабларига мос равишда ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, электрон далиллар, уларни олиш, текшириш ва баҳолаш

тартибларини жиноят-процессуал қонунчиликда белгилаш лозим.

Шу билан бир қаторда, суриштирувчи ва терговчиларда трансчегаравий, кибержиноятларни тергов қилишда электрон далилларни тўплаш, олиш бўйича касбий кўникмаларни шакллантириш ва бу борадаги билимларини ошириш бугунги кунда кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда долзарб вазифа ҳисобланади.

Бугун суриштирувчи ва терговчилар процессуал кўникмаларни чуқур ўрганишдан ташқари, ахборот коммуникация технологиялари, хорижий тиллар, жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликни амалга оширишни белгиловчи халқаро ҳужжатларни ўрганиши талаб этилмоқда.

Ўз навбатида, ушбу мақсадларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-257-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилди.

Мазкур Фармон билан соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва замон талабларига жавоб берадиган тергов соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини тубдан оширишга хизмат қилувчи қоидалар белгиланди.

Зеро, бундан кўзланган мақсад, биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий кадрият бўлган, адолат ва қонун устворлигини таъминлашга хизмат қилувчи, замонавий таҳдидларга ўзининг билими, юқори ақлий салоҳияти ва теран нигоҳи билан қарши курашувчи ёш билимли кадрлар тайёрлаш, соҳада фаолият олиб бораётган ходимларни замон талабига мос равишда қайта тайёрлаш уларда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кибермаконда содир этилаётган жиноятларни тергов қилиш, электрон далилларни олиш ва текшириш кўникмаларни шакллантириш бўйича қайта тайёрлаш ҳисобланади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Марказий Осиё-Хитой саммити”даги нутқи. prezident.uz/uz/lists/view/6354

⁹ Мақолада келтирилган исм ва фамилиялар шартли ҳисобланади.



Бахтиёр ПЎЛАТОВ

Хуқуқни муҳофаза қилиш

Академияси профессори, ю.ф.д., проф.

Адолатли тергов ва суд муҳокамасига бўлган халқаро ҳуқуқий кафолатлар, уларнинг янги тахрирдаги Конституция ва миллий қонунчиликдаги ифодаси

Аннотация:Мақолада суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт” ва “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси» ва янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кафолатларининг миллий қонунчиликдаги ифодаси, уларни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Аннотация:В статье рассмотрены вопросы совершенствования и имплементированность в национальном законодательстве прав на судебную защиту предусмотренных «В всеобщей Декларации прав человека», «Международном Пакте о гражданских и политических правах» и «Европейской Конвенции о защите прав и свобод человека», а также в новой редакции Конституции Республики Узбекистан.

Abstract: The article focuses on the implementation of the rights to judicial protection provided for in the Universal Declaration of Human Rights, the International Covenant on Civil and Political Rights and the European Convention for the Protection of Human Rights and Freedoms in national legislation and their improvement.

Калит сўзлар: Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқлар, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, умум-эътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий қонунчиликдаги ифода, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари

Ключевые слова: Права на судебную защиту, Конституция Республики Узбекистан (новой редакции), общепризнанные международные правовые документы, отражение их в национальном законодательстве, вопросы совершенствования законодательства

Key words: right to judicial protection, universally recognized international legal documents, their reflection in national legislation, issues of improving legislation.

Суд оstonасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч бир нарса қолмайди”. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши керак¹. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади ва суд

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Ҳалқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь, 19(7521)-сон.

ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади².

Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”-нинг 10-моддасида баён этилган бўлиб, унга мувофиқ “Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбловнинг асослантилганлигини аниқлаш учун, тўла тенглик асосиданинг иши ошқора ва барча адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши керак”². Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 130-модда. 2023 йио 30 апрель.



ши ҳуқуқига эга”³. Бу ҳуқуқ 1966 йилги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 14-моддаси 1-бандида⁴, ва “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси»нинг 6-моддасида⁵ янада кенгрок ўз ифодасини топган.

Қайд қилинган ҳужжатларда, “Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар ким ўзига қўйилган жиноий айбловнинг кўрилишида ёки бирор бир фуқаролик процессида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда қонун асосида ташкил этилган ваколатли, мустақил ва ҳолис суд томонидан адолатли ва ошқора муҳокама этилиши ҳуқуқига эга. Матбуот ва омма демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёхуд буни тарафларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этса ёки – суд лозим топган даражада қатъий зарур бўлса – ошқоралик одил судлов манфаатларини бузадиган алоҳида ҳолатларда суд муҳокамасининг барчасига ёки бир қисмига қўйилмаслиги мумкин; бироқ ҳар қандай жиноят ёки фуқаролик иши юзасидан суд қарори ошқора бўлиши лозим” деб қайд қилинган.

Шундай қилиб, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ ўз ичига қуйидаги элементларни олади: а) бирор бир фуқаролик ҳуқуқи бузилганда ёки фуқаро жиноят содир этишда айбланганда одил судлов бўлишининг таъминланиши; б) судьялар мустақиллиги таъминланган ҳолда ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига асосланган ривожланган суд тизимининг мавжудлиги. Ишнинг қонун асосида ташкил этилган судда кўрилишига бўлган ҳуқуқ деганда иш қайси судга тегишли бўлса, ўша судда кўри-

лишига бўлган ҳуқуқ тушунилади. Баъзан бундай ҳуқуқ «ўз судьясига бўлган ҳуқуқ» деб ҳам аталади. Қонунда белгиланмаган судларни ташкил этиш тақиқланади; в) адолат талабларига жавоб берадиган суд процедурасининг қарор топиши.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига асосланган ҳолда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини эътироф этиб, кафолатланади. Бу кафолатлар Конституциянинг 19-моддасида ўз ифодасини топган, унинг 20-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқлиги, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади» деб белгилаб қўйилган.

Конституциявий кафолатлардан яна бири, инсоннинг шаъни ва қадр – қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши ёки бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас⁶.

Шуни эътиборга олиш лозимки, юқорида қайд қилинган Пактнинг 14-моддаси 1-қисми ва Декларациянинг 6-моддаси одил судловнинг ҳар қандай турига (фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий,

⁶ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 26-моддаси, 2023 йил 30 апрель.

³ Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью Составил Ю.С. Пулатов. Т., 1995, С. 12

⁴ Шу ерда, 12 б.

⁵ Права человека и судопроизводство. Собрание международных документов. Варшава, 1994, С. 235 – 255.



конституциявий) тааллуқлидир. Уларга мувофиқ одил судлов қуйидаги талаблар асосида амалга оширилиши керак: а) инсоннинг қонун ва суд олдида тўла тенглиги асосида; б) ошқора руҳда, қонунда белгиланган ҳолатлар мустасно этилган ҳолда; в) холисона; г) белгиланган процессуал тартиб-қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда.

Одил судловнинг адолатлилик шартлари Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт»; «Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади» (137-модда). «Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда ёхуд қонунга мувофиқ бошқа тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади» (139-модда)⁷.

Юқорида таъкидланганидек, жиноят ишлари бўйича одил судлов соҳаси ўз таъсир кучи билан инсон ҳуқуқларига юқори даражада хавф туғдириши ва унинг учун оғир оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимол тутилади. Шу боис, халқаро меъёрлар одил судловнинг бу тури учун бир қатор қўшимча кафолатларни назарда тутди.

⁷ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 19-моддасининг 2,3 қисмлари, 137, 139 м.м., 2023 йил 30 апрель.

Гап, аввало айбсизлик презумпцияси ҳақида бормоқда. У айтиб ўтилган Декларациянинг 2-моддасида, Пактнинг 14-моддаси 2-қисми ва Конвенциянинг 6-моддаси 2-қисмида мустаҳкамлаб қўйилган⁸. Пакт ва Конвенция айбсизлик презумпциясининг мазмун-моҳиятини бир хил таърифлаган: жиноят содир этишда айбланувчи ҳар бир инсон айби қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида ҳам айбсизлик презумпцияси мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унинг таърифи қуйидагича тарзда берилган: «Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан айби аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топиллиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас⁹.

Таърифлардаги фарқлар шундан иборатки, умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мувофиқ айбсизлик презумпцияси фақат суд ҳукми билан эътироф этилиши шарт эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасида белгиланган асосларга кўра жиноий жазо ва жавобгарликдан озод қилиш институти мавжуд. Унга кўра шахснинг айбдорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатишга

⁸ Права человека и судопроизводство. Собрание Международных документов. Варшава, 1994. С. 5 – 10, 235 – 255.

⁹ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 28-моддасининг 1, 2- қисмлари, 2023 йил 30 апрель.



рухсат берилади. Бироқ айбланувчи бунга қарши эътироз билдирмаган тақдирдагина шундай қарор чақиришга йўл қўйилади. Акс ҳолда иш судга оширилиши шарт, суд эса барча процессуал кафолатларга риоя қилган ҳолда ҳукмда фуқаронинг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги масалани ҳал этади. Келажакда, Жиноят процессуал кодекснинг шу маддасида қуйидаги нормаларнинг, яъни иммунитет (дахлсизлик) ҳуқуқига эга бўлган шахсни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш рад қилинган, руҳий ҳолати бузилиши билан боғлиқ бўлмаган ақлий ривожланишда ортда қолганлиги оқибатида содир этган ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини тўлиқ англай олмаган ва ўзини бошқара олмаган, Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, жазолаш учун ушлаб берган давлат розилик бермаган ҳолларда, ушбу айбловлар бўйича иш юритиш тугатилиши лозимлиги каби нормаларнинг ўрин олиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу тариқа халқаро меъёрлар ва уларнинг ўзлаштирилиши нуқтаи назаридан ёндошганда, ишни судда кўрмасдан туриб айбланувчини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиб - қоидалари айбсизлик презумпциясига зид эмас. Айбланувчида айбсизлик презумпциясидан келиб чиқувчи ўзининг айбсизлигини исботлаш мажбуриятининг йўқлиги, исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги ва бартараф этилмаган шубҳа-гумонларнинг айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига талқин этилиши каби юридик оқибатлар халқаро меъёрларда ҳам, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бир хилда таърифланган.

Халқаро меъёрларда айбсизлик презумпциясидан ташқари жиноят ишлари бўйича одил судловнинг минимал кафолатлари ҳам назарда тутилган. Унда ми-

нимал кафолатларга амал қилиш – бу ҳали судловнинг тўлалигича адолатли бўлишидан далолат эмаслиги таъкидланади. Булар бор-йўғи минимал кафолатлар бўлиб, улар ҳеч бир шароитда миллий қонунчилик ва суд амалиёти томонидан рад этилмаслиги лозим.

Минимал кафолатлар Пактнинг 14-моддаси 3-қисмида ва Конвенциянинг 6-моддаси 3-қисмида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда жиноят содир этганликда айланувчи ҳар бир шахс энг камида қуйидаги ҳуқуқларга эгаллиги: а) унга қўйилган айбнинг мазмуни ва асослари ҳақида, у тушунадиган тилда шошилиш тартибда ва батафсил хабардор бўлиш; б) ўзини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўриш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш ва ўзи танлаган ҳимоячи билан бирга бўлиш; в) асосланмаган сансоларликларсиз судланиш; г) судда шахсан иштирок этиш ва ўзини шахсан ёки ўзи танлаган ҳимоячи ёрдамида ҳимоя қилиш. Агар айбланувчи ёки судланувчи ўзига ҳимоячи танламаган бўлса, у бундай ҳуқуқга эга эканлигини билиши шарт. Агар ҳимоячига тўлаш учун унда маблағ бўлмаса, одил судлов манфатлари талаб этган ҳар бир ҳолатда давлат маблағи ҳисобига ҳимоячи билан таъминланиши шарт; д) унга қарши кўрсатма берган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ушбу гувоҳларнинг сўроқ қилиниши ҳуқуқига, шунингдек унга қарши кўрсатма берган гувоҳлар учун белгиланган шартларда унинг гувоҳларини сўроқ қилишга бўлган ҳуқуқга эга бўлиш; е) судда фойдаланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзлай олмаसा, таржимон ёрдамидан бепул фойдаланиш; ж) ўзига қарши кўрсатма беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур этилмаслик, қайд қилинган..

Одил судловнинг минимал кафолатлари таҳлили, улар асосан янги таҳрирдаги Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКсида назарда тутилганлигидан далолат беради.



Шу билан бирга санаб ўтилган минимал кафолатлар ичидан айримлари жиноят - процессуал кодексида инобатга олиниб, суд амалиётида қўлланиши мумкин. Бу, масалан, айбланувчининг асосланмаган сансоларликларсиз судланиш ёки Европа Конвенциясида айтилганидек, «оқилона муддатда» судланиш ҳуқуқига тааллуқлидир. Аввало, айбланувчининг бундай ҳуқуқини ЖПКда қайд этиш лозим бўлади. Шу билан бир қаторда, республикамизнинг амалдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишларини судда кўришнинг **энг кам муддати икки ой ва энг кўп муддати олти ой қилиб белгиланган**. Айбланувчи ҳибсда сақланаётган бўлса, ишни якуний ҳал қилиш муддати янада қисқа бўлиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича одил судловга қўйиладиган минимал талаблардан ташқари, халқаро меъёрлар яна: а) янада қаттиқроқ жазо қонунининг орқага қайтиш кучини тақиқлашни (Бу қоида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида мустаҳкамланган); б) қонунга хилоф равишда суд қилиш ва ноқонуний қамоққа олиш орқали фуқарога етказилган зарарни ундиришни (Бундай ҳуқуқ ва уни амалга ошириш тартиби амалдаги ЖПКнинг 301-313-моддаларида назарда тутилган бўлиб, бу моддалар амалда ишламоқда ва қўлланилмоқда); в) жиноят қурбонига кўмаклашишнинг зарурлигини (Бундай кўмак бериш биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 27 августдаги қарориди мустаҳкамланган эди. Унда ҳар бир инсон бузилган ҳуқуқининг тикланишини ва ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ундирилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги таъкидланади); г) ишнинг юқори турувчи суд инстанциясида қайта кўритилиши ҳуқуқини; д) бузилган ҳуқуқларни самарали тиклашга бўлган ҳуқуқни; е) битта жиноят учун такроран судланиш ёки жазоланишни ман этишни назарда тутди.

Жиноят қурбонига кўмаклашишнинг зарурлиги хусусида гапирадиган бўлсак, айтиш керакки, БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари Декларацияси қабул қилинган. Декларацияда, хусусан, жиноят қурбонларига одил судловга изн беришни ва адолатли муомалани таъминлаш зарурлиги таъкидланади. Миллий қонунчиликка мувофиқ, фуқаролар ўзларига етказилган зарар учун тезда товон олиш ҳуқуқига эга. Декларациянинг 6-бандида суд процедуралари қурбонлар эҳтиёжларига кўпроқ даражада жавоб бериш учун уларга кўмаклашишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКсини таҳлил қилсак, жабрланувчига берилган ҳуқуқлар жиноят қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация талабларига мос келишига амин бўламиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасига мувофиқ «Жабрланувчи: кўрсатма бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш(ҳимоячи); терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иши бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан



хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир».

Моддий зарар жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 275, 285, 286, 290, 291, 293 –моддаларида белгиланган тартибда ундириб берилади.

Жиноят қурбонларига нисбатан адолатли одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги Декларациянинг 7-моддаси эътиборга лойиқдир. Бу моддада зарур ва имкон бўлганда жабрланувчи билан айбланувчининг ярашишига кўмаклашиш ҳамда жиноят қурбонига етказилган зарарнинг ундирилишини таъминлашни тавсия қилинади. Эҳтимол, бу тавсия Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКсида жабрланувчининг айбланувчи билан ярашиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг янгича шаклини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилгандир. Унда жабрланувчига етказилган зарарни баргараф этиш жавобгарликдан озод қилиш шартларидан бири сифатида кўрсатилган (ЖКнинг 66-1-моддаси).

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашиши учун шарт-шароитлар яратади”, деб қайд қилинди¹⁰.

Айбланувчининг юқорида кўриб чиқилган, процессуал ҳуқуқларидан ташқари, халқаро нормалар яна қуйидаги ҳуқуқларни ҳам назарда тутди: а) ҳар бир маҳкумнинг ўз ишининг юқори турувчи суд инстанциясида қайта кўрилишига бўлган ҳуқуқи; б) ҳар бир инсоннинг бузилган ҳуқуқларини самарали тиклашга бўлган ҳуқуқи; в) битта жиноят учун такроран суд қилишни тақиқлаш.

¹⁰ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 29-моддасининг 6- қисми, 2023 йил 30 апрель.

Бундан ташқари, Пактнинг 14-моддаси 4-бандида шундай дейилади «Вояга етмаганларга нисбатан суд процесси уларнинг ёшини ва қайта тарбияланишига кўмаклашиш истаги ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилмоғи керак». БМТ Бош Ассамблеяси бу ғояни ривожлантириб, Пекин қоидалари сифатида танилган, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг минимал стандарт қоидаларини қабул қилган.

Пекин қоидалари қуйидагиларни тавсия этади: а) агар гап оғир жиноятлар ҳақида кетмаётган бўлса, жиноят ишларини тугатиш учун кенг имкониятлар бериш; б) тарбиявий йўсиндаги чора-тадбирларни кенг қўллаш; в) вояга етмаганлар ишини тергов қилиш ва сўдда кўриш билан шуғулланувчи шахсларни махсус тайёрлаш; г) суд муҳокамаси ўзаро бир-бирини тушуниш муҳитида амалга оширилмоғи керак, бу эса унда вояга етмаганнинг иштирок этишига ҳамда ўз нуктаи назарини эркин баён этишига имкон беради; д) вояга етмаганларни қамоққа олиш фақат фавқулодда ҳолатларда қўлланиши мумкин; е) вояга етмаганлар иши қатталар ишидан алоҳида кўрилиши керак; ж) номига доғ тушишининг олдини олиш учун вояга етмаганларнинг қилмишини сир тутиш ҳуқуқи барча босқичларда ҳурмат қилиниши керак; з) агар куч ишлатиш йўли билан оғир жиноят содир қилмаган бўлса, вояга етмаганга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашдан тийилиш¹¹.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 87-моддасида вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш имкониятлари назарда тутилган. Республикамиз ЖПКсининг 60-бобида Пекин қои-

¹¹ 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолюция билан қабул қилинган “Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартлари”, ушбу ҳужжатнинг якуний матни Пекинда бўлиб ўтган экспертлар кенгашида тасдиқлангани сабабли “Пекин қоидалари” деб юритилади.



даларига мос келадиган, вояга етмаганлар ишларини юритишга доир бир қатор махсус қоидалар белгилаб берилган. Жиноят процессуал қонунда мавжуд бўлган қоидага биноан вояга етмаганларнинг жинояти тўғрисидаги ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилиши мумкин (ЖПКнинг 19-моддаси), лекин чиқарилган ҳукм ҳар доим ҳам ошкор эълон қилиниши лозим. Шунингдек, Халқаро Пактнинг 14-моддасига кўра, агар вояга етмаганнинг манфати тақозо этса, вояга етмаганга нисбатан чиқарилган ҳукм ошкор қилинмаслиги мумкин.

Халқаро ҳуқуқий кафолатларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устиворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан, шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий эилди, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари зиммасига бир қатор мажбуриятлар юкланди¹².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш;

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устиворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сонли қарори.

шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилганига қадар ундан бирор-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш; ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш тақиқланди¹³.

Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи халқаро ҳуқуқий кафолатлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонуни билан миллий жиноят процессуал қонунчилигимизга 12¹-боб сифатида “Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш”, 49¹-боб сифатида “Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув” ва 62¹-боб сифатида “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” институтлари жорий қилдинди.

Уларга мувофиқ, гувоҳни, жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) объектив сабабларга кўра (Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги) ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, ишни судга қадар юритиш босқичида прокурорнинг илтимосига биноан, уларнинг кўрсатувлари олдиндан

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони



мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

Шунингдек, суд - жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш; - жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш; - жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш; - процессуал Кодексида назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштириш; - номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда суд тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказди. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув судья томонидан жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши ва унинг давомийлиги дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишув бўлиб, у қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда тузилади, яъни: - гумон

қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлса; - илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилган бўлса; - гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этган бўлса. Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув қонунда белгиланган тартибда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса ва шахс томонидан бир нечта жиноят содир этилган бўлиб, улардан лоақал биттаси ЖПКнинг 61-бобида белгиланган талабларга тўғри келмаса тузилиши мумкин эмаслиги¹⁴ қайд қилинди.

Фикримизча, мазкур халқаро-ҳуқуқий андозаларни ва янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясида белгиланган кафолатларни дастлабки терговда ҳам, судда ҳам таъминлаш, амалга ошириш ва бажариш, уларга амал қилиш судда ишларни кўришни эркинлаштириш асосларини бевосита мустаҳкамлайди ва суднинг жиноят ишини ҳал этиш ҳамда адолатли, қонуний ва асосли ҳукм чиқариш функциясини амалга оширишга имкон яратувчи муҳим кафолат бўлиб ҳисобланади ва бу янгиликларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилиниши тергов органлари фаолиятида ва одил судловни амалга оширишда ўзининг ижобий натижаларини беради.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сонли Қонуни.



Алишер ИМОМНАЗАРОВ

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси мустақил тадқиқотчиси,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқармаси бошлиғи

КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИНГНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда юзага келадиган хато ва камчиликлар баён қилинган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга ошириш лозим бўлган ҳаракатлар, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишни такомиллаштириш масалалари изоҳланган.

Аннотация: В статье описаны ошибки и недостатки, возникающие при проведении осмотра, действия, которые необходимо предпринять для их устранения и вопросы совершенствования осмотра.

Annotation: The article describes the errors and shortcomings that occur during the inspection investigation, the actions to be taken to eliminate them, and the issues of improving the inspection investigation.

Калит сўзлар: кўздан кечириш, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш, кўздан кечириш баённомаси, кўздан кечириш босқичлари, видеоёзув, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишдаги хато ва камчиликлар.

Ключевые слова: осмотр, проведение осмотра, протокол осмотра, стадии осмотра, видеозапись, ошибки и недостатки при проведении осмотра.

Keywords: inspection, conducting an inspection, inspection protocol, stages of inspection, video recording, errors and shortcomings during the inspection.

Дунёда экспертларнинг баҳолашига кўра, “тахминан ҳар соатда 200000 та жиноят содир этилади”.¹ Кибержиноятлар 21 аснинг энг муҳим жиноятларидан бири бўлиб, ушбу жиноятни тергов қилиш самардорлиги бор йўғи 0,05%ни ташкил қилади.² 2021 йилда 75 та давлатда 7 мингдан ортиқ терактлар содир этилганлиги, яъни бир кунда 30 тагача жиноят содир этилишини билдиради. Ушбу жиноятларнинг аксариятида биринчи, “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати сифатида кўздан

кечириш тергов ҳаракати ўтказилади”.³ Жиноятларни кўздан кечириш тартиби эса замонавий ёндашувни талаб қилади.

Жаҳонда кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси, кўздан кечириш тергов ҳаракатида замонавий технологиялардан фойдаланиш, кўздан кечиришда рақамли далилларни топиш, тўплаш, портлашдан кейинги кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш алгоритминини шакллантиришга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда кўздан кечириш тергов ҳаракатида далилларни топиш, расмийлаштириш,

¹ <https://www.newsru.com/crime>.

² Борьба с киберпреступностью - что происходит с законом, когда закон не может быть приведен в исполнение? [articles/borba-s-kiberprestupnostyu-cto-proiskhodit-s-zakonom-kogda-zakon-ne-mozhet-byt-priveden-v-ispolneni](https://www.rospress.ru/articles/borba-s-kiberprestupnostyu-cto-proiskhodit-s-zakonom-kogda-zakon-ne-mozhet-byt-priveden-v-ispolneni).

³ [Global organized crime index/ocindex.net/rankings?f=rankings&view=List&group=Continent](https://www.globalorganizedcrimeindex.org/ocindex.net/rankings?f=rankings&view=List&group=Continent)



экспертиза текшируви учун намуна олишнинг энг мақбул тартиб ва усулларини қўллаш, электрон (рақамли) далилларни олиш ва расмийлаштириш тартибини қонунчиликка киритиш ва амалиётда унинг энг мақбул тартибларини қўллаш, топилиши мураккаб бўлган далилларни топишда замонавий технологияларни қўллаш, кўздан кечириш тергов ҳаракати жараёнида инсон ҳуқуқларини бузилишининг олдини олишнинг самарали илмий-назарий ва амалий ечимини топиш ҳамда илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланади.

Республикамизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-тергов жараёнларида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор тизимли ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Стратегияда тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса кўздан кечириш тергов ҳаракати бўйича зарур илмий тадқиқот ўтказиш зарурлигидан далолат беради.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати маълум бир тартибда амалга оширилишини талаб қилади. Жиноят-процессуал кодекси эса ушбу тартибни белгилаб берувчи асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати маълум бир аниқ вазифаларни кўзлайди, улар:

- мумкин бўлган гувоҳлар ва шохидларни аниқлаш;
- “жиноятга алоқадор шахслар ва улар фойдаланаётган асбоблар ва транспорт воситаларидан қолиши мумкин бўлган изларни аниқлаш ва ҳ.к”.⁴

Ушбу ва бошқа вазифаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг талабларини бажаришга ёрдам беради:

- ҳодисанинг жиноий характерга эга эканлигини аниқлаш;

- бу қандай шароитда содир бўлганлигини (вақт, жой, усул, етказилган зарарнинг хусусиятлари) аниқлаш;

- айбдорларни ва уларнинг ҳаракат мотивларини аниқлаш;

- жиноят содир этилишига сабаб бўлган сабаблар тўғрисида маълумот олиш.

Кўздан кечириш универсал тергов ҳаракатларидан бири саналади. Чунки ушбу тергов ҳаракати жиноят ишини қўзғатишдан олдин, кейин ва суд тергови босқичида ҳам ўтказилиши мумкин бўлган, далилларни тўплаш, текшириш учун ҳам хизмат қиладиган, асосий далилларни тўплаш усули ҳисобланади.

Кўздан кечириш амалдаги Жиноят-процессуал кодексида 68 марта ишлатилган. Демакки, кўпгина моддалар айнан шу тергов ҳаракати, унинг қўлланилишига бағишланган ҳисобланади.

“ЖПКнинг “Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш” деб номланган 26-моддасига асосан, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан далилларни бевосита текширишлари бошқа тергов ҳаракатлари баробарида ашъвий далилларни кўздан кечириш орқали амалга оширилади”.⁵

ЖПКнинг 87-моддасига асосан, далилларни тўплаш бошқа тергов ҳаракатлари баробарида кўздан кечириш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечириш фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарори ёки суд ажрими асосида амалга оширилади. Ушбу нормадан кўриш мумкинки кўздан кечириш тергов ҳаракатида ҳам санкция асосида ўтказиладиган турлари мавжуд.

Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш видео-

⁴ Духно Н.А., Суденко В.Е. Осмотр места происшествия по уголовному делу об убийстве. - Москва. 2014 г. 4 с.

⁵ Жиноят процессуал кодекси. Тошкент. “Адолат”. 2022 й. - б.



ёзув орқали қайд этилиши шарт ҳисобланади (ЖПКнинг 91-моддаси). Фикримизча, оғир жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳамда рақамли далилларни ташувчи воситаларни кўздан кечириш жараёнида ҳам видеоёзувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу таклиф орқали ЖПКнинг ушбу нормаси такомиллаштириши ва ҳолатни баҳолаш имконияти янада осонлашган бўларди.

Бундан ташқари ЖПКнинг “Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар” деб номланувчи 91-моддасида процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган ҳолатлар жумласига **рақамли маълумотларни кўздан кечириш жараёни** ҳам кириштириш таклиф қилинади.

ЖПКнинг 16-боби бевосита кўздан кечириш тергов ҳаракатига бағишланган қисми ҳисобланади. “Кўздан кечириш тергов ҳаракати сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 135-141- моддалари билан тартибга солинади”.⁶

Кўздан кечириш оғзаки бўлмаган тергов ҳаракатлари тоифасига киради. Шунинг учун кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тергов жараёнида кўрсатилган ҳаракатлар гуруҳини тактик ва техник қўллаб қувватлашнинг умумий тамойилларига таяниши лозим. Шу билан бирга, кўздан кечириш тактикаси ва технологияси фақат шу ҳаракатга хос бўлган ўзгача хусусиятларга эга эканлигини унутмаслик керак.

Жиноят процессуал кодексининг 135-моддаси кўздан кечириш асосларига бағишланган бўлиб, унда кўздан кечиришнинг ҳодиса содир бўлган жой, мурда, ҳайвонлар, теварак-атроф, бинолар, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечириш каби турлари борлиги изоҳланган.

⁶ Миразов Д.М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 75.

Инсон баданини кўздан кечириш эса гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қодаларига асосланган ҳолда ўтказилиши талаб қилинади.

Кўздан кечириш объектларидан бири почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш бўлиб ЖПКнинг 167-моддасида ўз аксини топган.

Унга кўра, суриштирувчи ёки терговчи алоқа муассасасига бориб, ушланган почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириши мумкин бўлади. Унда албатта холислар иштироқи талаб қилинади. Жўнатмаларни очишда ёки кўздан кечиришда махсус билим эгаларига сезилганда эса, тегишли мутахассис иштироқида кўздан кечирилади.

Жиноят ишига алоқадор бўлган маълумот, ҳужжат, нарсалар топилган кўздан кечирилади почта-телеграф жўнатмалари ёки олиб қўйилади ёки ундан нусха олинади. Ушланган жўнатмалар кўздан кечирилган тақдирда баённома тузилади. Баённома ўзида қуйидаги маълумотларни акс эттириши лозим ҳисобланади:

- қайси турдаги почта-телеграф жўнатмаси кўздан кечирилганлиги;
- нималар олинганлиги ёки эгаларига юборилганлиги;
- нималар вақтинча ушлаб қолинганлиги, уларнинг сабаблари;
- уларнинг қайси биридан нусхалар олинганлиги.
- Кўздан кечириш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилиши талаб қилинади:
 - кўздан кечириш холислар иштироқида ўтказилиши шарт;
 - суднинг кўздан кечириши ажрими асосида ҳамда тарафлар иштироқида ўтказилади;
 - зарур ҳолларда кўздан кечириш пайтида ўлчовлар ўтказилиши, фотосурат, кинотасвир, видеоёзув каби техник усуллардан фойдаланилади, режалар, схемалар, чизмалар тузилади, излардан эса қоллиплар ҳамда нусхалар олинади;



- кўздан кечиришда жиноятга алоқадор деб топилган нарсалар холислар, тарафлар ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим. Демакки, ушбу норма суриштирувчи ва терговчи олдида ушбу нарсаларни кўрсатиш шартини қўймоқда (ЖПК 136-модда).

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ўтказилиши режалаштирилаётган жойда жиноят содир этилган ёки унга оид маълумотлар бор деган тахминлар, маълумотлар, далиллар мавжуд бўлган ҳолатларда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда кўздан кечириш жиноят иши кўзғатилишидан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин ҳисобланади.

“Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар деганда – далилларни топиш ва мустаҳкамлаш ҳаракатларининг кечиктирилиши далилларни йўқолиши, бузилиши, ўзгариши, шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар тушунилади”.⁷

Жиноят процессуал кодексида кўриш мумкинки, жиноят ишини кўзғатишдан олдин фақат ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мумкин ҳисобланади. Амалда эса кўздан кечиришнинг бошқа турларидан ҳам фойдаланишади. Қонунчиликда эса ушбу тартибга йўл қўйилмайди. Масалан, ЖПКнинг Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби деб номланувчи 329-моддасига кўра, терговга қадар текширув ўтказиш босқичида яъни жиноят ишини кўзғатгунга қадар фақатгина шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мумкин ҳисобланади. Бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш эса ман қилинади.

Фикримизча, ЖПКнинг “Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби” деб номланувчи 329-моддаси иккинчи қисмидаги “ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш” жумласини “кўздан кечириш” жумласига алмаштириш талаб қилинади.

Ҳодиса содир бўлган жой катта майдонларни ташкил қилиганда ушбу тергов ҳаракати бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳолат кўздан кечиришни бир вақтда, тезкор ва ҳар томонлама олиб бориш мақсадида амалга оширилади. Ушбу ҳолатда ҳар бир суриштирувчи ва терговчига камидан иккитадан холис иштирок этиши талаб қилинади.

Олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ва бошқа ашёвий далиллар ўралади ва муҳрланади.

Ўраш ва муҳрлаш имкони бўлмаган объектлар яъни катта ҳажмдаги нарсалар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи томонидан сақланади (ЖПКнинг 137-моддаси).

ЖПКнинг Мурдани кўздан кечиришга 138-моддасига кўра, кўздан кечиришни ўтказувчи ваколатли шахс томонидан мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда кўздан кечирилади. Ушбу жараён холислар ва суд-тиббий соҳаси мутахассис шифокори иштирок этиши талаб қилинади.

Суд-тиббий мутахассис иштирок эта олмаган тақдирда бошқа шифокор иштирок этиши таъминланиши талаб қилинади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш маълум бир соҳа мутахассиси ёки эксперт томонидан амалга оширилиши мумкин ҳисобланади.

Мурда топилган жойда таниб олиниши лозим. Таниб олинмаган мурдалардан эса бармоқ излари олиниши ва шахсини тасдиқлаш учун тегишли муассасага юборилиши талаб қилинади. Тергов эҳтиёжларидан

⁷ Балакшин В.С., Григорьев А.И. Неотложные следственные действия: понятие и перспективы правового регулирования. Российский юридический журнал. №6. 2017 г. 99 с.



келиб чикиб, ДНК ва бошқа экспертизаларни ўтказиш учун намуналар ҳам олиниши лозим. Таниб олинмаган мурда прокурорнинг рухсати билан кўмилиши талаб қилинади.

“Аммо унга қадар мурдадан намуналар олиниши, унга тегишли ДНК ва бошқа маълумотлар аниқланиши, фото суратга олиниши талаб қилинади”.⁸

“Теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш” деб номланган 139-моддага кўра, ушбу тергов ҳаракатини амалга оширувчи субъект теварак-атроф ва биноларни қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилиши лозим:

- уй ёки хизмат жойи кўздан кечирилишга эҳтиёж мавжуд бўлганда қарор ёки ажрим чиқарилиши (турар жой эгаси ёки корхона, муассаса, ташкилот вакили ушбу ҳужжатлар билан танишиши ва ўқиганлигини тасдиқловчи имзо чекиши талаб қилинади);

- корхона, муассаса, ташкилотдаги кўздан кечириш маъмурият вакилининг, ҳарбий муассасаларда ўтказилса кўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавобгар шахснинг қатнашиши талаб қилинади.

Нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш тартиби эса ЖПКнинг 140-моддасида акс этган бўлиб, унга кўра, ваколатли орган томонидан нарса ва ҳужжатлар ёки улар топилган жойда ёки суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирилади (кўп вақт ёки кўшимча техник воситалар талаб қилса).

Ушбу тергов ҳаракати жараёнида техник воситалардан фойдаланилиши мумкин ҳисобланади. Ушбу воситалар нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаган ҳолатда йўл қўйилади.

⁸ Порядок работы врача – судебно-медицинского эксперта при осмотре трупа на месте его обнаружения: учебное пособие / сост. В.И. Витер, А.Ю. Вавилов, К.А. Бабушкина. – Ижевск, 2016. – 88 с

Кўздан кечириш баённомаси муҳим тергов ҳужжати ҳисобланади. Жиноят ишини юритувчи субъектлар кўздан кечириш ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузса, суд ушбу тергов ҳаракатини ўтказганлигини ва натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади.

Баённоманинг ўзига хослиги шундаки кўздан кечиришда амалга оширилган ишлар қандай кетма-кетликда амалга оширилган, нарсалар топилган бўлса шу тартибда изоҳланиши лозим. Демак у баённомани шакллантиришдаги муҳим қоида ҳисобланади. Кўздан кечириш баённомасининг иккинчи ўзига хослиги бу барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар ушбу ҳужжатда акс эттирилиши лозим. Учинчидан ушбу ҳужжат ишга алоқадор нарса олинганда унинг эгасига қайтариш имконини берадиган ҳужжат бўлиб, шу мақсадларда мулк эгасига маълумотнома берилади ёки баённоманинг нусхаси тақдим этилади.

Кўздан кечириш баённомасида қуйидаги маълумотлар акс этиши лозим:

- тергов ҳаракати ўтказилган вақт, об-ҳаво ва ёруғлик ҳақида;

- қўлланилган техник восита;

- ушбу жараёнларга жалб қилинганлар ҳақида уларнинг ёрдами нимада акс этганлиги ҳақида;

- топилган нарсалар ва ҳужжатлар муҳрланиш тартиби;

- кўздан кечирилган мурда ёки ишга алоқадор нарсаларнинг қаерга юборилганлиги (ЖПКнинг 141-модда).

Мурдани эксгумация қилиш таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш каби тергов ҳаракатлари баробарида кўздан кечириш учун ҳам ўтказилади (ЖПКнинг 148-модда).

Эксгумациядан сўнг кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилган бўлса баённома тузилиши талаб қилинади (ЖПКнинг 151-модда).

Жиноят ишида ўз манфаатларини ифода этувчи иштирокчилардан бошқа шахслар-



дан топилган, олинган нарсалар асосан дарҳол кўздан кечирилиши талаб қилинади.

Кўздан кечириш жараёнида олинган нарсанинг ишга тааллуқлилигини кўрсатувчи ҳамда бошқа нарсалардан фарқловчи белгилари аниқланиши талаб қилинади (ЖПКнинг 206-модда).

Ушланган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган пайтдан эътиборан кўздан кечириш тергов ҳаракати 24 соат ичида ўтказилиши лозим (ЖПКнинг 225-модда).

Мансабдор шахслар ва фуқаролар башарти улар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тўсқинлик қилсалар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин ҳисобланади (ЖПКнинг 271-модда).

Дастлабки терговда кўздан кечиришнинг муҳим шарти унда камида икки нафар холис қатнашиши ҳисобланади. Агарда кўздан кечириш бир пайтнинг ўзида турли хоналарда ёки бир-биридан анча узоқ жойларда ўтказаетган бўлсалар ҳар бир кўздан кечиришни амалга оширувчи ҳузурида доимо камида икки нафар холис иштирок этиши лозим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона ва солиқ қўмиталарининг қўшма қарори асосида тасдиқланган “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома кўздан кечиришнинг муҳим жиҳатларини ўзида намоён этган. “Ушбу йўриқнома 2018 йил 1 мартда қабул қилинган бўлиб, 27 банддан иборат”.⁹

⁹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона ва солиқ қўмиталарининг қўшма қарори. 2018 йил 1 март.

Унга кўра ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш – жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан ўтказиладиган тергов ҳаракати эканлиги изоҳланган.

Лекин фикримизча, ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисида йўриқноманинг умимий қоидалар акс этган қисмида кўздан кечириш тушунчасини киритиш лозим. Унга кўра, кўздан кечириш - жиноят изларини ва ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш ҳамда идрок этиш мақсадида объектларни тадқиқ этиш, жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида маълумотларни топиш ва олиш, қайд этишга қаратилган тергов ҳаракатидир деган тушунчани киритиш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тайёргарлик икки босқични ўз ичига олади. Булар ҳодиса жойига боргунча ҳамда ўша жойга борганда тергов ҳаракатини бошлашдан олдинги тайёргарлик.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати учун тайёргарликда терговчи жиноят жойига боргунча қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

- терговчи, тезкор ходимлар, эксперт-криминалист ва суд-тиббий экспертлари вазифалари билан танишиш;
- кўздан кечириш иштирокчилари таркибини шакллантириш;
- зарурат юзасидан турли мутахассислар рўйхати, уларнинг манзиллари ва телефон рақамлари, шунингдек, ҳудуднинг кенг кўламли харитаси мавжудлиги-



ни текшириш;

- асосий илмий-техник жиҳозларнинг ҳолатини текшириш;

- ҳодиса жойига бориш учун транспорт воситасининг мавжудлиги ва тайёрлигини, махсус мобил криминалистик лабораториясини чақириш имконияти мавжудлигини текшириш;

Ҳодиса ҳақида хабар олгандан сўнг, кетиш олдидан тайёргарлик:

- 1) воқеа жойи қаерда эканлигини, жиноятни ким ва қачон содир этганлигини, қандай оқибатларга олиб келганини ва бошқаларни аниқлайди;
- 2) ҳодиса содир этилган жойни манфаатдор шахслардан, бегоналардан ва табиат таъсиридан ҳимоя қилишни ташкил қилади;
- 3) кўздан кечириш иштирокчилари доирасини аниқлайди ва уларнинг ҳодиса жойида бўлишини таъминлайди;
- 4) воқеа жойида гувоҳлар ва бошқа шахсларнинг борлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар беради, улардан воқеа ва унинг иштирокчилари тўғрисида маълумот олиш мумкин;
- 5) илмий-техник воситаларни тайёрлигини текшириш;
- 6) транспорт билан таъминлаш;

Ҳодиса жойига етиб келгач, кўздан кечириш тергов ҳаракатига киришишдан олдинги тайёргарлик:

- 1) етиб келинган вақтни қайд этиш;
- 2) жабрланувчи (лар) га ёрдам кўрсатиш;
- 3) ҳодиса ва унинг иштирокчилари, вазиятнинг ўзгариши ҳақида дастлабки маълумотларни тўплаш мақсадида ҳодиса жойидаги шахслар, ИИБ ходимлари, гувоҳларни сўроқ қилиш;
- 4) ҳодиса жойи қўриқланаётганини текшириш ва шошилиш қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисида буйруқ бериш;
- 5) гувоҳлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;
- 6) ҳодиса жойини бегона шахслардан то-

залаш;

7) ҳолисларни чақириш ва уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш.

Кўздан кечиришнинг кейинги босқичи умумий ва батафсил кўздан кечириш:

- 1) ҳодиса жойини белгилаш (аниқлаштириш);
- 2) кўздан кечирилиши керак бўлган ҳудуд чегараларини аниқлаш;
- 3) кўздан кечириш бошланиш нуқтаси масаласини ҳал қилиш;
- 4) вазиятни изчил ўрганиш усулини белгилаш;
- 5) майдонни ўрганиш масаласини ҳал қилиш ва лозим бўлса, жамоатчилик вакиллари таклиф қилиш.

¹ Казахстан в новой реальности: время действий: Послание Главы государства народу Казахстана от 1 сентября 2020 года [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/K2000002020> (дата обращения: 30.05.2023).



Поставленная задача нашла свое развернутое закрепление в п. 4.11 «Концепции правовой политики Республики Казахстан до 2030 года» с целью приблизиться к уровню обеспеченности соблюдения прав человека и его законных интересов в странах ОЭСР в сфере уголовно-процессуальной деятельности.

Взятый нашим государством стратегический курс направлен на дальнейшее реформирование правоохранительной и судебной систем с поэтапным внедрением трехзвенной модели уголовного процесса, основанной на разграничении полномочий между органами досудебного расследования, прокуратурой и судом, а также упрощении и сокращении форм уголовного судопроизводства.

В этом ключе поэтапно нивелируются и устраняются положения, чрезмерно усиливающие обвинительный уклон уголовного процесса, ограничивающие доступ граждан к правосудию, а также ограничивающих полномочия стороны защиты по сбору фактических данных, имеющих значение для дела.

Данные обстоятельства требуют усиления механизмов, направленных на обеспечение и неукоснительное соблюдение конституционных принципов презумпции невиновности и обеспечение неприкосновенности частной жизни, выработки подходов по разграничению основных этапов уголовного процесса и зон ответственности в нем каждого органа с определением эффективной системы сдержек и противовесов за счет независимых фильтров².

Так, в настоящее время конституционные и уголовно-процессуальные полномочия прокурора ограничиваются

² Указ Президента Республики Казахстан «Об утверждении Концепции правовой политики Республики Казахстан до 2030 года» от 15 октября 2021 года № 674. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/U2100000674> (дата обращения: 30.05.2023).

пунктом 24 Нормативного постановления Верховного Суда Республики Казахстан от 8 декабря 2017 года № 10 «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального законодательства по поступившему уголовному делу», в котором указывается, что дело подлежит возврату прокурору с предварительного слушания и в тех случаях, когда обвинение, изложенное в обвинительном акте, не соответствует обвинению, изложенному в постановлении о квалификации деяния подозреваемого³.

Иными словами, данное положение противоречит решению стратегической задачи государства по разделению полномочий и зон ответственности на каждом этапе уголовного процесса. И надо признать, что такое положение противоречит и самому порядку, установленному уголовно-процессуальным законом.

В частности, в ст. 301 УПК РК одним из вопросов, подлежащих разрешению прокурором при изучении уголовного дела, поступившего с отчетом о завершении досудебного расследования, является необходимость переквалификации деяния подозреваемого (пп. 3) ч. 1 ст. 301 УПК РК)⁴. Такая логика законодателя обусловлена принципами всестороннего, полного и объективного исследования обстоятельств дела, а также свободной оценкой доказательств по внутреннему убеждению.

Исходя из этого Президент Республики Казахстан К. Токаев и определяет правовую политику государства через четкое установление границ в полномочиях и

³ Нормативное постановление Верховного Суда Республики Казахстан «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального законодательства по поступившему уголовному делу» от 8 декабря 2017 года № 10. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/P170000010S> (дата обращения: 30.05.2023).

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V ЗПК. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231#z2446> (дата обращения: 30.05.2023).



зонах ответственности органов, ведущих уголовный процесс.

Так, процессуальная функция субъекта расследования преступлений заключается в установлении лица, подозреваемого в совершении преступления, и собирании доказательств, устанавливающих его виновность/невиновность. Функцией прокурора является осуществление уголовного преследования, состоящая в определении квалификации деяния обвиняемого и оценке собранных доказательств, на предмет их относимости, допустимости, достоверности, а в совокупности – достаточности. Суд, осуществляет функцию правосудия, он не является ни стороной обвинения, ни стороной защиты, его основная задача – всесторонне, полно и объективно исследовать обстоятельства дела, доказательства, представленные сторонами, и на их основе установить истину по делу и принять справедливое решение.

Таким образом, уголовно-процессуальным законом определены полномочия и зоны ответственности между органами, ведущими уголовный процесс, а, следовательно, прокурор вправе менять квалификацию на стадии предания обвиняемого суду. Суд, со своей стороны, не должен быть связан ни с позицией субъекта расследования, ни с мнением стороны обвинения. Соответственно, пункт 24 Нормативного постановления Верховного Суда Республики Казахстан «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального законодательства по поступившему уголовному делу» в этой части противоречит уголовно-процессуальному закону и трехзвенной модели национального уголовного процесса, сохраняя рудименты советского уголовного процесса.

В этой связи особое место в трансформации органов, ведущих уголовный процесс, занимает субъект расследования преступлений, исторически занимающий в континентальной модели уголовного

судопроизводства ключевую позицию. Осуществляя фактически все три классические функции уголовного процесса: обвинения, защиты и разрешение дела по существу, субъект расследования преступлений стремится к установлению истины по делу, на своей стадии процесса по уголовному делу. В дальнейшем, мнение следователя будет исследовано судом и критически оценено, в том числе при опровергающих или ставящих под сомнение обвинение доказательствах стороны защиты.

В этом контексте следует признать, что в настоящий период времени настал новый этап исторического развития континентальной системы права, и правовая надстройка нашей страны синхронизируется с этим процессом. Такая синхронизация требует отказа от отождествления двух противоположных категорий: «расследование» и «уголовное преследование», образующих монолитность трехзвенной модели национального уголовного процесса. И теперь под «расследованием» следует понимать предварительное полицейское доказывание, а под «уголовным преследованием» – деятельность прокурора по доказыванию вины обвиняемого в суде. Именно отождествление этих категорий вносит путаницу в понимании двух, абсолютно разных процессуальных функций, что приводит к монолитности полицейской и прокурорской деятельности⁵.

По этой причине первым этапом стало разделение полномочий и зон ответственности между прокурором и субъектом расследования преступлений, в рамках осуществления надзора за законностью в принятии четырех ключевых процес-

⁵ Хан В.В. Трехзвенная система уголовного судопроизводства: перспективы внедрения // Трехзвенная модель уголовного правосудия – гарантия обеспечения прав и свобод граждан: мат. междунауч.-практ. конф. (02.04 2021 г.). – Алматы: КР ПМ М. Есболатов атындағы Алматы академиясының ҒЗЖРБЖҰБ, 2021. С. 95



суальных решений, затрагивающих конституционные права и свободы человека и гражданина, определяющие законность вовлечения лиц в орбиту уголовного судопроизводства.

В этих целях законом от 19 декабря 2020 года были внесены изменения и дополнения в УПК РК, обеспечивающие прокурором соблюдение субъектом расследования преступлений разумного срока, исключаящее необоснованное прерывание сроков расследования и волокиту по уголовному делу (ч. 8-1 ст. 45 УПК).

Прокурор согласовывает субъекту расследования преступлений постановление о признании лица подозреваемым и может отказать в его согласовании мотивированным постановлением (ч. 1-1 ст. 202 УПК РК). В процессе производства досудебного расследования могут возникнуть фактические основания для изменения или дополнения квалификации деяния подозреваемого, в таких случаях субъект расследования преступлений составляет новое постановление о квалификации деяния подозреваемого, которое также согласовывается с прокурором, дающим правовую оценку материалам уголовного дела (ч. 1 ст. 207 УПК РК).

В целях обеспечения прав потерпевшего и реализации принципа законности прокурор утверждает решение субъекта расследования о прекращении досудебного производства (ст. 289 УПК РК). При этом прокурор может утвердить постановление о прекращении уголовного дела либо уголовного преследования, как полном объеме, так и в его части (ст. 290 УПК РК)⁶.

Упразднение стадии возбуждения уголовного дела, являвшейся исторически

сложившимся атрибутом советского уголовного процесса и не подходившей для начала досудебного производства в рамках новой экономической парадигмы государства, построенной на принципах свободных рыночных и экономических отношений, в практическом русле сформировало новые, ранее неизвестные для национального уголовного процесса проблемы правоприменения.

Решением этих проблем стало обеспечение режима законности на этапе начала досудебного расследования прокурором, который своими полномочиями предотвращает незаконное вовлечение лиц, в орбиту уголовного судопроизводства, особенно по делам в сфере предпринимательской деятельности физических и юридических лиц.

В ходе реформирования национального уголовного процесса в части формирования трехзвенной модели национального уголовного процесса, прокурор стал самостоятельно составлять обвинительный акт. На первом этапе, с 1 января 2022 года прокурор начал составлять обвинительный акт в отношении дел об особо тяжких преступлениях, расследуемых следователями органов внутренних дел, антикоррупционной службы и службы экономических расследований, в том числе соединенных с делами о других уголовных правонарушениях. На втором этапе, с 1 января 2023 года прокурор стал составлять обвинительный акт по делам о коррупционных преступлениях, в том числе соединенных с делами о других уголовных правонарушениях. На третьем этапе, с 1 января 2024 года прокурор будет самостоятельно составлять обвинительные акты в отношении всех дел об уголовных правонарушениях, завершаемых в форме предварительного следствия.

Таким образом, в полномочия и зону ответственности прокурора в полной мере

⁶ Закон Республики Казахстан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам усиления защиты прав граждан в уголовном процессе и противодействия коррупции» от 19 декабря 2020 года № 384-VI ЗРК. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z2000000384#z162> (дата обращения: 30.05.2023).



войдет функция осуществления уголовного преследования, окончательная квалификация преступного деяния и оценка собранных по делу доказательств, определение стратегии государственного обвинения, а также экономии уголовных репрессий.

Такая модель корреспондирует с процессуальной практикой развитых стран. В частности, в германском уголовном процессе полиция осуществляет сбор доказательств. Поэтому в основу формирования компетенции полицейских закладываются криминалистические методики по раскрытию и расследованию преступлений. В профессиональную компетенцию прокурора входят юридические знания, потому как именно он дает правовую оценку деятельности органов расследования (полиции).

Опыт США также имеет подобную структуру, но со своими особенностями, характерными для англосаксонской системы уголовного процесса, построенной на основе состязательной модели судопроизводства. Американская полицейская наука также направлена на формирование методик по раскрытию и расследованию преступлений, с использованием достижений психологической и криминологической наук.

В свою очередь, прокурор в США обладает дискреционными полномочиями

по осуществлению уголовного преследования. Прокурор не вправе нарушать полномочия и зону ответственности полиции, указывать, как ей действовать в ходе расследования преступлений и тем самым соблюдает принцип процессуальной самостоятельности и независимости субъекта расследования.

Вместе с тем, прокурор может консультировать полицейских по правовым вопросам, особенно в части признания собранных фактических данных в качестве доказательств. В итоге только прокурор решает судьбу уголовного дела, направлять его в суд и тем самым реализовывать функцию уголовного преследования. В этой связи дискреционные полномочия прокурора выражаются в переквалификации преступления на проступок и ограничением приказным производством, либо применением альтернативы уголовному преследованию в виде сделки о признании вины или медиации⁷.

Таким образом, правовая реформа по формированию трехзвенной модели национального уголовного процесса в Республике Казахстан в полной мере отвечает международным стандартам в области прав человека, усиливаются процессуальные гарантии, совершенствуются механизмы эффективной реализации принципов уголовного процесса.

⁷Уголовно-процессуальное право. (Уголовный процесс) Учебник. Коллектив авторов под редакцией У. Тухташевой. – Ташкент: ТГЮУ, 2022. С. 402-421.



Азиз ХИКМАТОВ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
кафедра бошлиғи

Ўзбекистонда сўроқ қилиш институтининг шаклланиш тарихи (Ислом ҳуқуқида гувоҳлик беришнинг айрим жиҳатлари)

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз одил судлови тарихида сўроқ қилиш институтининг пайдо бўлиши, хусусан ислом суд ҳуқуқида сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ва унинг диний ҳуқуқий асослари ёритиб берилган.

Аннотация. В статье описывается возникновение института допроса в истории правосудия страны, в частности специфика допроса в исламском судебном праве и его религиозно-правовая основа.

Annotation. The article describes the emergence of the institute of interrogation in the history of the country's justice, in particular, the specifics of interrogation in Islamic judicial law and its religious and legal basis.

Калит сўзлар: сўроқ қилиш, гувоҳлик, ёлғон гувоҳлик бериш, ислом ҳуқуқи манбалари, иқрор, қасам, қозилар.

Ключевые слова: допрос, показание, ложное показание, источники исламского право, икрат (признание), қасам (клятва), кази.

Keywords: interrogation, testimony, false testimony, sources of Islamic law, ikrar (confession), qasam (oath), qazi.

Мамлакатимизда одил судловни амалга оширувчи идоралар томонидан шахсларни маълум бир ҳолат юзасидан сўроқ қилиш институти ўзининг узоқ ўтмишга бориб тақаладиган тарихига эга. Кишилиқ жамиятининг илк кўринишлари пайдо бўлиши билан инсонлар ўз жамоасини бошқариш, жамоада барча учун мажбурий бўлган тартиб-қоидаларни ўрнатиш, жамоада тинчлик ва барқарорликка эришиш, ўрнатилган тартиб-интизомни бузганларни эса жавобгарликка тортишни тақозо этган.

Кишилиқ жамияти тарихининг илк босқичи – уруғчилик тузуми даврида инсонлар уруғ ва қабилаларга бирлашиб умргузаронлик қилган. Улар ўртасида юзага келадиган муносабатлар одат нормалари билан тартибга солинган. Одат нормаларига асосан тақиқ (табу), ахлоқ, маросимлар ва бошқалар кирган. Ўрнатилган тартибни бузганларнинг

хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари уруғ аъзоларининг умумий мажлисида ёки қабила оқсоқоллари мажлисида муҳокама қилинган ва ҳар бир томоннинг кўрсатувлари алоҳида эшитилган. Шундан сўнгина, тартиббузарга нисбатан одат нормалари асосида жазо чораси қўлланилган. Қадимги манбаларда асосан кимлар гувоҳ бўлиши ва кимларнинг кўрсатувлари ишончли бўлиб ҳисобланиши каби маълумотлар бизгача етиб келган.¹

Ушбу тартиб ва урф-одат қоидалари деярли минтақада ислом динининг кириб келишига қадар амалда бўлган. Мамлакатимизда ўн тўрт асрлик давлатчилик тарихини ислом ҳуқуқи, шу жумладан, унинг муҳим соҳаси бўлган суд ҳуқуқисиз тасаввур этиб бўлмайди.

¹ Ш.А.Сайдуллаев. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – ТДЮУ, 2018. 24-25 бетлар.



IX–XII асрларга келиб ислом суд ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг алоҳида тармоғи сифатида шаклланди. Мазкур ҳуқуқ соҳасининг нормалари XX аср бошларига қадар жиддий ўзгаришларсиз суд-ҳуқуқ органларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиб келган.

Суд-ҳуқуқ муносабатларининг ҳуқуқий асоси ислом ҳуқуқи манбаларида, яъни Қуръони Карим, Муҳаммад (с.а.в) ҳадислари, ижмоъ ва қиёсда ўзининг мустаҳкам ифодасини топган нормалардир. Ушбу нормалар халифаларнинг судловни амалга ошириш амалиётида тўпланган тажриба, машҳур ҳуқуқшуносларнинг яқдиллик билан қабул қилган қарорлари, халифаликка қўшиб олинган халқларнинг урф-одатлари ҳисобга олиниб ислом ҳуқуқшунос олимларининг асарларида мантикий изчилликда тизимлаштирилди, мазмунан бойитилди, давр талаби ҳисобга олиниб ривожлантирилди.

Қуръони Каримда судловни амалга оширишга оид оятлар сони, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра ўн учта деб ҳисобланади. Ушбу оятлар Қуръони Карим “Бақара” сурасининг 188, 282, 283-оятларида, “Нисо” сурасининг 58, 135-оятларида, “Моида” сурасининг 8, 42, 47-оятларида, “Наҳл” 58, 70-72-оятларида, “Шўро” сурасининг 15-ояттида “Ҳадиқ” сурасининг 25-ояттида, “Маориж” сурасининг 33-ояттида ўз аксини топган. Мазкур оятларда низоларни кўриб ҳал қилиш учун судга мурожаат қилиш, гувоҳликдан бош тортмаслик, тўғри гувоҳлик бериш, тарафларга ён босмаслик ҳақидаги қоидалар белгилаб берилган.

Судловга оид Муҳаммад (с.а.в)нинг юзга яқин ҳадислари бўлган. Булар қозиларга, ҳукм чиқаришга, унга қўйиладиган талабларга, қасам ичиш шартларига, қилмишига тавба қилишга, гувоҳликка, даъвога, далилларга суд қарори ва ҳукмининг ижросини таъминлашга оид ҳадислардир.

Судда жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишда ижмоъ ва қиёсдан кенг фойдаланилган. Шунингдек, ҳанафийлар мазҳаби таълимоти ҳуқуқий амалиётда ҳукмронлик қилган минтақаларда судлов жараёнида ислом ҳуқуқининг қуйидаги манбалари - *истеҳсон, маслаҳатул мурсала, урф, шаръу “ман қоблана”, саддуз-зароинъ, истисҳоб* кабилардан ҳам фойдаланилган.

Жиноят ишларини қозилар томонидан кўриб ҳал қилишда гувоҳларнинг кўрсатмаси муҳим далиллардан бири бўлган. Гувоҳлик билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий асоси Қуръони Карим оятлари ва Муҳаммад (с.а.в) ҳадислари ташкил қилган. Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасининг 282-ояттида “Гувоҳлар чақирилганда, (келиб гувоҳлик беришдан) бош тортмасинлар”, 283-ояттида “Гувоҳликни яширмангиз! Ким уни яширса, бас, унинг қалби осий (гуноҳкор)дир”, “Моида” сурасининг 8-ояттида “Аллоҳ учун (тўғрилиқда) собит турувчи, одиллик билан гувоҳлик берувчи бўлингиз”, - дейилган².

Амалдаги жиноят қонунчилигимизда ҳам суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг билад туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган (ЖКнинг 238-моддаси).

Гувоҳлик кўрсатмаларининг уч тури мавжуд, булар бевосита, билвосита ва барчага маълум бўлган гувоҳлик кўрсатмалари (илгари бўлиб ўтган фактларга нисбатан). Зиддиятли ҳолатлар юзага келганда, кўрсатмаларнинг биринчи тури устун бўлган.

Шунингдек, ислом суд ҳуқуқида “муслмон шахснинг ҳатти-ҳаракатлари асосан тўғрилиқка асосланган” деган қараш устунлик қилади. Ушбу фикрга кўра, далил ва ашёлар кўрсатилмагунча, гумон-

² Максудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-Максуд ёки Мухтасар ул-виқоянинг ўзбекча шарҳи. Иккинчи қисм. - Т.: “Мовароуннаҳр”. 2005. Б 367-418



дор ўз айбига иқроор бўлмагунча, гувоҳлар кўрсатма бермагунча қози ҳеч кимдан гумон қилмайди, бирор-бир ҳаракатни жиноят деб топмайди ва унга нисбатан айблов қўйилмайди.

Кўриниб турибдики, ушбу қойида бугунки кунда амалдаги Жиноят- процессуал кодексининг 23-моддасида қайд этилган “айбсизлик презумпцияси” қоидаларига тўлиқ мос тушади.

Ислон суд ҳуқуқида қозининг ҳузурига келган ёки келтирилган томоннинг бирдан ўз сўзига тўртта гувоҳ келтириши талаб қилинса, иккинчи томоннинг эса гувоҳи бўлмаган тақдирда ҳам, адолат нуқтаи назардан, қасам ичиб айтган кўрсатмаси инобатга олинган.

Ислон одил судловида исбот қилишнинг уч тури мавжуд: иқроор, гувоҳлик ва қасам.

Иқроор – тан олиш бўлиб, гумондор ўз айбига гувоҳлар иштирокида уч маротаба иқроор бўлмагунча, унга нисбатан чора қўлланилмайди. Масалан, Муҳаммад (с.а.в.)нинг даврида бир аёл ҳузурига келиб, зино қилганлигига иқроор бўлган, мазкур аёл уч бора ўз айбига иқроор бўлганидан сўнг, унга нисбатан чора кўрилган.

Гувоҳлик – Ислонда гувоҳлик институти мукамал ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, мукаддам ёлгон гувоҳлик берганлиги учун жавобгар бўлган шахсларнинг гувоҳликлари (кўрсатмалари) фуқаролик ишларида инобатга олинмаган. Шунингдек, мусулмон бўлмаган шахсларнинг мусулмонларга қарши гувоҳлигига ўтиши ноқонуний деб қаралган. Фақат мусулмон, балоғатга етган эркак ва аёлнинг гувоҳлиги инобатга олинган.

Қасам – Муҳаммад (с.а.в.)нинг: “Даъвогарлардан гувоҳ келтириш, гумондордан қасам ичиш талаб қилинади”- деган сўзлари асосланиб, суд жараёнида гумондорга ва гувоҳларга ичириладиган қасам сўзлари мурракаб бўлмаган ва “валлоҳи” деб бошланиб, сўнг шахс ўз айбсизлигини

ёки айблилигини изҳор этган. Қасам фақат Аллоҳ номи билан ичилганда, ҳақиқий ҳисобланган ва юридик оқибатларни келтириб чиқарган.

Ислон суд ҳуқуқида гувоҳларнинг ҳуқуқий мақоми, уларга қўйиладиган талаблар, гувоҳ кўрсатмалари далил бўла олиш ёки бўла олмаслик шартлари, алоҳида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича гувоҳлар сони каби масалаларига алоҳида эътибор берилган.

“Мухтасар” да ёзилишича, “Шаҳодат, яъни гувоҳлик бир кишининг фойдасига, иккинчисининг зарарига хабар беришдир.”³ “Мажмаъ ул-мақсуд” га биноан: “...Шаҳодат луғатда бир нарсанинг дурустлигидан хабар бермоқдир. Шаҳодат лафзи мушоҳададан олингандир. Баъзилар айтибдурларки, Шаҳодат шухуддан олинган яъни ҳозир бўлмоқ демақдир. Чунки гувоҳ ҳукм қилинадиган мажлисда гувоҳлик бермоқ учун ҳозир бўлмай. Бу ҳозир бўлувчини шохид дейилур, гувоҳнинг адо қиладиганини шаҳодат дейилур...Шариатда шаҳодат бир одамнинг фойдасига, бошқасининг зарарига ҳақ билан гувоҳлик бериб хабар бермоқдир”.⁴

Айнан бир фуқаролик ёки жиноят иши бўйича ким гувоҳлик кўрсатмалари бериши мумкинлигини даъвогар ёки жабрланувчи қозига маълум қилади. Бевосита бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг гувоҳи бўлган кишининг гувоҳлик беришдан бош тортиши гуноҳ ҳисобланади. Гувоҳлик фарз амалларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақида Қуръони Каримда “Гувоҳлар чақирилганда, (келиб гувоҳлик беришдан) бош тортмасинлар,” “Гувоҳларни яширмангиз! Ким уни яширса, бас, унинг қалби осий гуноҳкордир” – дейилган.

Мазкур умумий қоидадан айрим

³ Мухтасар. (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). Т.: “Чўлпон”-1994. Б.259-261

⁴ Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-Мақсуд ёки Мухтасар ул-виқоянинг ўзбекча шарҳи. Иккинчи қисм. - Т.: “Мовароуннаҳр”. 2005. Б.393.



истиснолар ҳам бор. Гувоҳ қозининг адолатли эканига ишонмаса, шубҳаланса, қози томонидан унинг гувоҳлик кўрсатмаларини қабул қилинмаслигини билса гувоҳ кўрсатма бермаслиги мумкин. Бундай ҳолларда у гуноҳкор бўлмайди. Шунингдек, ҳад жазоси қўлланиладиган жинойтлар бўйича гувоҳлик беришдан тийилиш афзал, маъкул ҳисобланади. Бунинг асоси сифатида фикҳга оид асарларда Муҳаммад (с.а.в.) қуйидаги ҳадиси келтирилади: ”Кимки бир мусулмоннинг айбини ёпса, ул кишининг айбини Аллоҳ таоло у дунёда ва охирада ёпгай”.

Ислом ҳуқуқида содир этилган жинойт турига қараб гувоҳлар сони аниқлаб берилган.

Хусусан, никоҳда бўлмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқа қилиши (зино) жинойтида ҳақиқатдан ҳам мазкур жинойт содир этилганини исботлаш учун тўрт нафар эркакнинг, қасос, ўғирлик, далил исботсиз бировни зинокорликда айблаш (туҳмат), спиртли ичимликларни истеъмол қилиш жинойтларида икки эркакнинг, хотин-қизларнинг айрим айблари, касалликлари билан боғлиқ масалалар бўйича бир аёл кишининг (аёллар сони қанча кўп бўлса шунча яхши) гувоҳлиги далил сифатида эътироф этилган ва судда кўриладиётган иш бўйича ҳукм чиқаришга асос бўлган. Агар юқорида кўрсатилган ишлар кўриладиётганда гувоҳлар сони кам бўлса жинойтчининг айби исботланмаган ҳисобланган.

Суд мажлисида гувоҳнинг берган кўрсатмаси адолатли ва ҳақиқатга тўғри келиши лозим. Акс ҳолда гувоҳнинг кўрсатмаси далил сифатида эътироф этилмайди. Гувоҳнинг кўрсатмаси адолатли ва ҳақиқатга тўғри келишини текшириб, ҳақиқатни юзага чиқариш қозининг зиммасига юклатилган. Бунинг учун қози текширувни ошкора ва маҳфий йўллар билан амалга ошириши мумкин.

Қози ўзининг вакиллари орқали гувоҳнинг иш жойи, яшаш жойидаги ҳамкасблари, қўшнилари, маҳалла фаоллари ва кишлоқдошларидан сўраб – суриштириб унинг адолатли, ҳақиқатгўй ёки ёлғончи, фосих эканлиги ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қилади ва тегишли хулоса чиқаради. Бундай ҳолларда қозилар музаккий (махсус вакил) хизматидан фойдаланган. Гувоҳ ҳақидаги ижобий ёки салбий маълумотнинг музаккий томонидан камида бир кишидан олинган бўлиши лозим. Икки ва ундан ортиқ кишилардан олингани янада яхши ва ишончли бўлади. Агар гувоҳ суд мажлиси олиб бориладиётган тилни билмаса, қози томонидан судга таржимон жалб этилган.

Гувоҳ ўзи аниқ кўрган, эшитган ва билган воқеа-ҳодисалар ҳақида кўрсатма бериши лозим. Ушбу умумий қоидадан олди-сотди, айбга иқроқ бўлиш, талок қилиш, бировнинг мулкини тортиб олиш (талончилик), бировни зинокорликда айблаб туҳмат қилиш, одам ўлдириш кабиларга оид масалаларда гувоҳ кўрсатма беришга мажбур эмас. Бирор кишининг ўзининг қачонлардир ёзган хатини меники деб тан олиши, бирор кишига тегишли муҳрнинг унга тегишли эканлигига, агар муҳрнинг айнан шу киши қўлида ўз кўзи билан кўрган бўлмаса берилган гувоҳлик далил бўла олмайди. Чунки хатдаги ва муҳрдаги ёзувлар ўхшаш бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Умумий қоида бўйича ўз кўзи билан кўрмасдан бошқалардан эшитиб берилган кўрсатма далил бўла олмайди. Бундан насаб ва ўлим ҳақида бошқалардан эшитиб берилган гувоҳлик кўрсатмаси мустасно.

Муҳаммад (с.а.в) гувоҳлик ҳақида шундай деган: “Ёлғон гапиришдан сақланинглар, чунки ёлғончилик имондан бегонадир”, “Ёлғон гувоҳлик берувчининг оёқлари ердан кўзгалмай туриб, Аллоҳ Таоло унга дўзахни вожиб қилиб қўяди”, “Кўрган-билгани ҳақида гувоҳлик



беришдан бош тортган одам ёлгон гувоҳлик берган билан баробардир”⁵.

“Умуман, гувоҳларни сўроқ қилиш, уларнинг жавобгарлиги ва бошқа муносабатларга ислом ҳуқуқида алоҳида эътибор берилган бўлиб, улар “Мажаллаи аҳкоми адлия” нинг “ал-Баййинат” (“Далиллар”) китобида ҳам акс этган”. Ҳар бир мусулмон ўзига маълум бўлган иш юзасидан гувоҳлик беришга мажбур, ҳатто ўз қариндошлари ва дўстларига қарши бўлса ҳам, кимгаки ҳақиқат аён бўла туриб, кўрсатма беришдан бош тортса, бунинг учун у жазога маҳкум”⁶.

Ушбу қоида ҳозир ҳам амалдаги Жиноят кодекснинг 240-моддасида ўз аксини топган, яъни терговга қадар текширув, суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ислом таълимотларида гувоҳларнинг кўрсатмалари далил бўлиб ҳисобланиши, Куръони каримда асосан ушбу кўрсатмалар асосий далил бўлиб ҳисобланиши белгиланган.

Уларнинг фикрича, иш бўйича бошқа далиллар фақат фуқаролик ишларида ишлатилиши мумкинлиги, жиноят ишларида фақат айбланувчининг айбини бўйнига олиши ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан чегараланади.

Барча ислом ҳуқуқ мактаблари фикрича, ҳар бир қози суд жараёнида тақдим этилаётган далиллар бўйича ишонч ҳосил қилиши лозим. Қозилар далилларнинг ишончли эканлигини текшириш бўйича ваколатларга эга бўлиб, гувоҳларнинг кўрсатмаларини ёки айбланувчининг ўз айбига иқрорлигини ишончсиз деб топса, уларни рад этишга ҳуқуқига эгадир.

⁵ Минг бир ҳадис. Абдулазиз Мансур таржимаси– Т.: Мовароуннаҳр. 1991. Электрон ресурс.

⁶ Авазова Ш. Т. “Мажаллаи аҳкоми адлия” – ислом ҳуқуқшунослигининг муҳим манбаи. Автореферат дисс. ю.ф.н. Т.:2008. - Б.19

Ислом одил судловида гувоҳлар ўз кўрсатмаларини “Шу ҳақида гувоҳлик бераманки,...” деган сўзлар билан бошлаб бериб, бу билан содир бўлган жиноятнинг шохиди эканлигини таъкидланган⁷.

Гувоҳлар суд жараёнига томонлар томонидан таклиф этилиши мумкин ва қарши томон уни бирор-бир аниқ сабабсиз рад этиши мумкин эмас. Гувоҳни кўрсатма беришга мажбурлаш мумкин эмас, бироқ бирор-бир сабабсиз кўрсатма беришга бош тортиш диний мажбуриятнинг қўпол бўзиши (ал-фард) деб баҳоланган. Ишда ижтимоий келиб чиқиши ва диний мансублигидан қатъий назар ҳар қандай лаёқатли шахс гувоҳ тариқасида қатнашиши мумкин бўлган. Бунда ғайри дин вакиллари диний масалалар билан боғлиқ бўлмаган, қарамоқдаги шахслар эса ўзининг хўжасига ёки ҳомийига ёхуд катта ёшдаги қариндошлари билан боғлиқ ишлар бўйича гувоҳ тариқасида қатнаша олмаган. Ҳақиқатни исботлашда икки нафар эркаларнинг гувоҳлиги етарли бўлиб ҳисобланган. Бир нафар эрканинг гувоҳлигига икки нафар аёл гувоҳлиги тенг бўлиб ҳисобланган.

Гувоҳлар томонидан ёлгон гувоҳлик берилган тақдирда улар жиноий жавобгарликка тортилган ва келгусида улар томонидан бериладиган гувоҳликлари инобатга олинмаган.

Ислом ҳуқуқининг дастлабки даврида гувоҳ тариқасида ҳар қандай шахс қатнашиши мумкин бўлган бўлса, IX-X асрларга келиб, уларга алоҳида талаблар қўйиладиган бўлган. Хусусан, гувоҳ жамиятда обрўйга ва ўз ўрнига эга, муомалага лаёқатли бўлиши (мисол учун, кўзи кўрмайдиган (кур) шахслар ниманидир кўрганлиги ёки ўқиган бўлиши мумкинлиги) талаб этила бошлаган.

Ислом ҳуқуқида гувоҳларга қуйидаги талаблар қўйилган:

⁷ Ж.Баишев. Общие принципы исламского права, теория доказательств и система наказания.: Алматы. Жеті жарғы. 1999. С. 26



– вояга етган бўлиши лозим, кўпгина ишларда вояга етмаганларнинг кўрсатмалари инобатга олинмаган, айрим ҳолатларда, хусусан, одам ўлдириш (қотиллик) билан боғлиқ ишларда бошқа гувоҳлар бўлмаган тақдирда вояга етмаган гувоҳнинг кўрсатмалари инобатга олинган;

– муомалага лаёқатли, яъни жисмоний ва руҳий соғлом бўлиши, гувоҳ яхши хотирага эга бўлиши, содир бўлган воқеани англаши ва эслаб қолиши лозим бўлган;

– тилу-забонга эга бўлиши, бунда айрим мазҳаб таълимотида гувоҳ ўз кўрсатмаларини ёзма равишда бера олишган кар ва соқов шахсларнинг гувоҳлиги инобатга олинган;

– кўра олиш, яъни содир бўлган ходиса ва воқеаларни кўрган тақдирдагина гувоҳлик бера олган.

– ислом динига эътиқод қилган бўлиши, фақатгина ханафийлик таълимотида ғайридин вакиллари гувоҳ тарифасида ишда қатнашиши мумкин бўлган.

Бундан ташқари, ислом ҳуқуқида гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳақиқий эмаслиги ҳақида асослар белгиланган. Хусусан, гувоҳнинг томонларнинг бири билан яқин қариндош бўлиши ёки олдиндан ўзаро хушёқиш ёхуд ўзаро адовати бўлган тақдирда уларнинг гувоҳлиги ҳақиқий эмас деб топилган.

Шунингдек, ислом ҳуқуқшунос олимлари асарларида кишиларнинг кўрсатмалари судда иш кўришда далил сифатида қабул қилинмаслиги масаласида батафсил фикр билдирилган. Бундай кишилар қаторига қуйидагилар киритилган:

- Рофизийа жамосидан бўлган – кизилбош фирқасидан хаттобийа гуруҳи вакиллари;

- Мусулмонлар зарарига кўрсатма берган зиммийлар;

- Хамшаҳар бўлмаган (бири Шошлик иккинчиси Самарқандлик) ислом шаҳри ёки қишлоғида омонлик асосида истиқомат қилаётган бири иккинчисининг зара-

рига кўрсатма берганлар;

- Дунёвий амаллар бўйича ўрталарида амаллар бўлган кишилар;

- Хатна қилиш арзимаган амал дея хатна қилинмаганлар;

- Ўз шаҳрида аҳолига зулм қиладиган раис, гузардаги ва бозордаги зулмоқор оқсоқоллар;

- Вақф мулкидан олинадиган ҳосилни йиғадиган мутавалли;

- Кўрлар ва қуллар;

- Бировга зинокорсан дея тухмат қилганлиги учун хад жазосига тортилганлар (агар улар қилган ишига пушаймон, тавба қилган бўлсалар ҳам);

- Мол-мулк масалларида низолашаётган тарафлар – даъвогар ва жавобгар;

- Мол-мулкка шериклик асосида эгаллик қилувчилар (агар бири иккинчисининг фойдасига кўрсатма берса);

- Ҳезлаклар;

- Ўлик чиққан хонадонда айтувчилик қилиб ашула қайтиб йиғлайдиган аёллар (ўз яқинлари азасида йиғлович аёллар бундан мустасно);

- Уйин кулгу ва кайфу сафо учун хамрдан (шаробдан) бошқа ичимликларни истемол қилувчилар;

- Фожир, осий ва шароб ичадиганларнинг йиғилишларида иштирок этувчилар;

- Муруватли фосиқлар;

- Харомхўрликда ном чиқарган машҳур кишилар;

- Кабутарларни учириб ўйновчилар (гўшти, тухуми учун кабутар боқувчилар бундан мустасно);

- Булбул боқиш билан шуғулланувчилар;

- Рақсга тушадиган суфийлар;

- Найрангбозлар;

- Бахил кишилар;

- Кўчада бир ўзи иштонсиз юрувчилар;

- Расм чизилган либосларни кийиб юрганлар, шундай либосларни тўқувчилар, сотувчилар;



- Зино, ўғирлик ва ливота жиноятларини содир этганлар (*улар ўз қилмишлари учун жазоланган бўлсалар ҳам*);

- Судхўрлар;

- Карта ва шахмат ўйнаб намозни қазо қилувчилар;

- Барчанинг кўзи олдида бавл қилувчилар (сиювилар), кўчада ва бозорларда таом истеъмол қилувчилар, хор-зор ва пасткаш одамлар билан мулоқот қилувчилар, кийим тикувилар, кўнчилар ва қон олиш билан шуғулланувчилар;

- Саҳобалар тобъеинлар ва имом мужтахидлардан бирортсасини ҳақорат қилганлар ва сўкканлар;

- Хатто олим бўлса ҳам ханафия мазхабидан шофеий мазхабига ўтганлар;

- Даъвогарнинг гувоҳига у гувоҳлик беришга ярамайди, одил эмас деб даъво қилинганлар, агар даъвосини исботлмай олмаса;

- Икки гувоҳдан бири иккинчисидан бошқача кўрсатма берган гувоҳлар;

- Қулни озод қилмаганлиги, одам ўлдирган киши мархумнинг қариндошлари билан сулҳ тузганлиги, мол-мулкни гаровга қўйган киши гаровни, аёл киши ўзининг маълум бир ҳақ баробарига талок қилинганлигини даъво қилганлиги ҳақида кўрсатма берган икки гувоҳ;

- Мол-мулкни ижарага берган ва ижарага олганлардан бири (ижара муддатининг бошланишида ижара ҳаққи тўғрисида даъво қилса);

- Бир кишининг бирор воқеа-ходисанинг гувоҳи бўлганлигини тақиқловчилар (иккинчи даражали гувоҳлар) ва бошқалар⁸.

Ислом суд ҳуқуқида асл гувоҳлар юз берган воқеа-ходисаларни ўз кўзи билан кўрган ва ўз қулоғи билан эшитганлар ва иккинчи даражали гувоҳлар асл гувоҳларнинг гувоҳлигини тасдиқловчи гувоҳларнинг кўрсатмалари бир-биридан фарқ

қилади. Иккинчи даражали гувоҳларнинг кўрсатмалари асосан фуқаролик ишлари бўйича далил сифатида қабул қилиниши мумкин. Масалан, “А” “Б”га юз минг қарз берганинг гувоҳиман деб “Т” айтган бўлса, ва “З” буни “Т” эшитганлигини тасдиқлаб гувоҳлик берса қози “З”нинг кўрсатмаларини далил сифатида тегишли текширув ва суриштирувлардан кейин қабул қилиши мумкин.

Мазкур ҳолатлардан бошқа воқеа-ходисалар бўйича асл гувоҳ ўлган, касал бўлиб гувоҳлик бера олмаган, сафарга кетганлиги сабабли суд мажлисида қатнаша олмайдиган ҳолатларда иккинчи даражали гувоҳнинг кўрсатмалари қози томонидан далил сифатида қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда асл гувоҳ ўрнига икки нафар иккинчи даражали гувоҳнинг кўрсатма бериши талаб қилинади. Агар асл гувоҳ ўз ўрнига гувоҳлик беришни иккинчи даражали гувоҳга юклагандан иккинчи гувоҳ ўрнига гувоҳлик берса ва асл гувоҳ “Гувоҳлигимни унга берган эмасман” деса иккинчи даражали гувоҳнинг кўрсатмаси далил сифатида қабул қилинмайди.

Агар бирор киши суд мажлисида кўрсатма бериб, кейин ўз кўрсатмасининг ёлғон эканлигини тан олса унинг ёлғон кўрсатма берганлиги оммага эълон қилинади, одамларнинг ундан эҳтиёт ва огоҳ бўлишлари айтилади. Бунда ёлғон кўрсатма берганлар таъзир жазосига тортилади.

Ёлғон гувоҳни қўп оғритиб урилгай, адаб бермоқ учун қамалгай, лекин юзига қора суртилмагай, бу уламоларнинг иттифоқлари билан”. Ҳоким Абу Муҳаммад ал-Котиб: “Агар ёлғон гувоҳ бермоқликдан қайтиб, тавба қилса, бе-хилоф ўрмоқ билан таъзир берилгай”. “Ёлғон гувоҳдан бошқани урмоқ билан шаҳар бозордан айлангириб, таъзир бермоқ жоиз эмас. Лекин Қози ал-Имомий “Умда”дан нақл қиладиларки, қасддан намоз ўқимаган одамни шаҳар айлангириб ва бозор айлангириб уриб, эълон

⁸ Бурхануддин Маргинани. Хидоя. 2 частях. Часть 1. Том 1-2 М.: Волтерс Клувер, 2010. С. 751-760.



қилдирмоққа ўхшаш бошқаларга ҳам мазкур жазоларни бермоқ жоиздир”⁹.

Ислон суд ҳуқуқи бўйича гувоҳнинг ўзининг берган кўрсатмасидан қайтишига муносабати ижобий эмас. Лекин гувоҳ қози ҳузурида ўз кўрсатмасидан қайтиши мумкин. Гувоҳ ўз кўрсатмасидан қайтганлигини “Мен берган гувоҳлигимдан қайтдим” ёки “Мен ушбу гувоҳликни ёлғондан берган эдим” деб изхор қилиши мумкин. Гувоҳнинг қози ҳузурида ўз кўрсатмасидан қайтганлигини қози кўрилаган иш бўйича қарор чиқарилгангача айтиши лозим. Бу қозининг иш юзасидан қарор ёки ҳукм чиқаришдан тийилишига асос бўлади. Гувоҳларнинг қози қарор ёки ҳукм чиқарганидан кейин кўрсатмасидан қайтиши қарор ёки ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўлмайди. Агар қарор ёки ҳукм ижро этилган бўлса, ёлғон гувоҳлик берган киши даъвогар ва жавобгарнинг кўрган зарарини тўлайди. Агар ҳали қарор ёки ҳукм ижро этилмаган бўлса, гувоҳ зарарни тўламайди.

Агар иш бўйича гувоҳлар тўрт киши бўлиб, қози қарор ёки ҳукм чиқаргандан сўнг улардан икки нафари ўз кўрсатмаларидан қайтса, қарор ёки ҳукм ўз кучида қолади. Агар гувоҳлар икки киши бўлиб, бири ўз кўрсатмасидан қайтса, кўрсатмасидан қайтган гувоҳ кучга кирган қарор ёки ҳукмдан тарафлар кўрган зарарнинг ярмини тўлайди. Агар гувоҳлар уч нафар бўлиб улардан бири кўрсатмасидан қайтса, қарор ёки ҳукм ижросидан тарафлар кўрган зарар қопланмайди, агар икки нафари кўрсатмасидан қайтса улар тарафларга етказилган зарарнинг ярмини тўлаши лозим бўлади.

Агар ишда бир эркак ва ўн аёл гувоҳлик бериб, қози қарор чиқарган ва қарор кучга кирган бўлса, тарафлар кўрган зарарнинг ярмини эркак, қолган ярмини гувоҳ аёллар тўлайди.

⁹Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-Мақсуд ёки Мухтасар ул-виқоянинг ўзбекча шарҳи. Иккинчи қисм. - Т.: “Мовароуннаҳр”. 2005. Б.414.

Иш бўйича бир эркак ва ўн аёл кўрсатмаси асосида чиқарилган қарор ёки ҳукм кучга кирса, кейин барча аёллар кўрсатмасидан қайтса, улар етказилган зарарнинг ярмини тўлайди.

Иш бўйича кўрсатма берган аёл гувоҳ ва фаръ гувоҳ иккинчи даражали гувоҳ ўз кўрсатмаларидан қайтсалар Абу Ханифа ва Имом Мухаммадларнинг фикрига биноан, етказилган зарарни иккинчи даражали гувоҳ тўлайди. Агар қарор ёки ҳукм иккинчи даражали гувоҳ кўрсатмаси асосида қабул қилиниб кучга кирган бўлса ва у ёлғон кўрсатма берганини тан олса, тарафлар кўрган зарарни асл гувоҳ тўлайди.

Агар гувоҳнинг одил эканлигини тасдиқлаган киши қарор ёки ҳукм кучга кирганидан сўнг ўз сўзидан қайтса, манфаатдор тарафларга етказилган зарарни тўлайди. Масалан: илгари ёлғон кўрсатма берганлиги учун жазоланган киши иш бўйича гувоҳнинг адолатсизлигини яшириб уни адолатли деб таърифлаган бўлса, аслида гувоҳ адолатсиз киши бўлиб чиқса, агар бир киши гувоҳнинг ҳур овоз киши эканлигини тасдиқлаган бўлиб, қози ҳукми билан зино жиноятини содир этган киши тошбўрон қилиниб ўлдирилган бўлса ва гувоҳнинг ҳур эмас кул эканлигига иқдор бўлса, ўлдирилган кишининг хун баҳосини унинг қариндаошларига тўлайди. Имом Абу Юсуф ва Имом Мухаммаднинг фикрича, тошбўрон қилиб ўлдирилган кишининг хун баҳоси байтулмолдан берилади.

Агар гувоҳларнинг бир қисми бирор киши зино жиноятини содир этди деб кўрсатма берса, бошқалари жиноятни инкор этса, зинокор тошбўрон қилиб ўлдирилгандан кейин жиноятни инкор этганлар кўрсатмаларидан қайтсалар жавобгарликка тортилмайдилар.

Гувоҳнинг аслида ёлғон бўлган кўрсатмалари асосида қабул қилинган қозининг қарори ноқонуний ҳисобланади, агар гувоҳларнинг кўрсатмалари суд мажлисида



ростга, ҳақиқатга ўхшатилиб баён қилинган бўлса ҳам Абу Ҳанифанинг фикрича, бундай ҳолатларда қози даъвогарнинг даъвоси олди-сотди, ижара ёки никоҳ шартномаларига асосланган бўлса, унинг фойдасига қарор чиқарилади¹⁰.

Қуллар гувоҳлиги қозилик судларида далил бўлмаганлиги сабабли, тўла озод бўлмаган “Мудаббар (озодликка талабгор), мукотоб (озод бўлишга келишиб олинган, буюрилган вазифани бажариш шarti эвазига озодликка эришиши ёзиб қайд этилган қуллар ҳамда умму валад (ёш болали она – хўжайинидан фарзанд кўрган чўри) бўлган қуллар ҳам қози (ҳоким) бўла олмайди”¹¹.

XIX асрда Чор Россияси томонидан минтақадаги мусулмон мамлакатлари ҳудудларининг босиб олиниши ва мустамлакачилик тузумининг ўрнатилиши ислом суд ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасининг торайишига олиб келди. Ушбу даврда Туркистон ҳудудида русийзабон аҳоли учун алоҳида судлар, қолганлар учун қозилик

ва бийлик судлари фаолият кўрсатган.

Собиқ Иттифоқ даврига келиб эса “Марказ”нинг манфаатларидан келиб чиқиб, ислом суд ҳуқуқи тўлалигича барҳам топиб, совет суд-ҳуқуқи тизими жорий қилинди. Хусусан, 1917 йилда Октябрь тўнтаришидан сўнг, қозилик судлари аввал тарқатиб юборилиб, кейинчалик Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёда қайта тикланган. Ушбу даврда қозилик судлари фақат айрим фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиши мумкин бўлган. Секин-асталик билан совет ҳукумати қозилик институтини тугатиш чораларини кўриб бошлаб, кўриб чиқиладиган ишлар тоифаси кескин чекланган. Оқибатда, 1919 йил 17 июнда Туркистон АССР Халқ комиссарлари Кенгаши қозилик судларини бекор қилиб, ўрнига миллий ва диний эътиқодидан қатъий назар ягона халқ судлари ташкил этилди. Шу билан ишларни судда кўриб чиқишнинг янги шакли жорий этилди.

¹⁰ Бурхануддин Маргинани. Хидоя. 2 частях. Часть 1. Том 1-2 М.: Волтерс Клувер, 2010. С.740.

¹¹ Жўраев З. Қозилик сифатлари машхур факих талқинида // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1(64) 2005 Б.46



Лазизжон БАРАКАЕВ

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси мустақил изланувчиси

ТАФТИШ ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ УСУЛИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада тафтиш объекти, тафтиш тайинлаш тартиби ва усуллари, тафтишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш масалалари ҳамда тафтиш тайинловчи органлар тафтиш тайинлаш жараёнида эътибор бериши лозим бўлган талаблар ва тафтиш жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар услубий, тактик аҳамияти муҳокама қилинган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются объект проверки, порядок и способы назначения проверки, вопросы устранения ошибок и недостатков при проведении проверки, а также требования, на которые должны обращать внимание назначающие проверку органы при назначении проверки, методологическое и тактическое значение мероприятий, проведенных в ходе проверки.

Abstract: This article discusses the object of the audit, the procedure and methods for assigning the audit, the issues of eliminating errors and shortcomings during the audit, as well as the requirements that the authorities appointing the audit should pay attention to when appointing the audit, the methodological and tactical significance of the activities carried out during the audit.

Калим сўзлар: тафтиш объекти, тафтиш тайинловчи органлар, фактик тафтиш, тафтиш ўтказиш муддатлари.

Ключевые слова: объект ревизии, органы назначающие ревизи, ревизи фактов, сроки аудита

Keywords: audit object, authorities appointing audits, fact audit, audit deadlines.

Дунёда яширин иқтисодиёт (SE) улуши ривожланаётган давлатларда 2025 йилга келиб ўсиши кузатилиши тахмин қилинмоқда.¹ Иқтисодий жиноятлар дунёда 2014 йилда 37 %, 2016 йилда 36 %, 2019 йилда 47%га ошиб борганлигини кўриш мумкин.² Мазкур турдаги жиноятлар тафтиш тергов ҳаракатини ўтказиш орқали аниқланади. Ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш мақсадида 2018 йилда Европада Иқтисодий жиноятларга қарши

қарши курашиш Миллий маркази (NECC) ташкил қилинганлиги иқтисодий, молиявий тафтишларни ўтказишга оид муҳим кадам ҳисобланади. NECC – халқаро марказ бўлиб, у ўзида 40дан ортиқ молиявий институтлар масалан, Жиноятларга қарши кураш Миллий агентлиги (NSA), Фирибгарликка қарши кураш бошқармаси (SFO), Молиявий назорат бошқармаси (FCA) каби кирди.³ Европа кенгашининг Иқтисодий жиноятлар соҳасидаги ҳамкорлик бўлими (ECCD) коррупция ва легаллаштириш, молиявий терроризм жиноятларига қарши курашишга иқтисослашган. ECCD

¹ ccaglobal.com/gb/en/technical-activities/technical-resources-search/2017/june/emerging-from-the-shadows-the-shadow-economy-to-2025.htm

Растегаева Ф.С. Форензик: понятие и особенности. электронный научный журнал «Вектор экономики». 2020 № 9. с. 7.

³ <https://www.nationalcrimeagency.gov.uk/what-we-do/national-economic-crime-centre>.



ташкilotи Европа давлатлари учун Европа Кенгаши коррупция ва легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш жиноятларига қарши курашга оид стандартларини ишлаб чиқмоқда. Ушбу ташкilotлар тафтиш далилларни тўплаш усулини қўллашга оид стандартларни ишлаб чикувчи ташкilotлар ҳисобланади.

Жаҳонда тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказишдаги ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид янги институтларни жорий қилиш, тафтиш ўтказиш тартибини такомиллаштириш, текширилаётган субъект мансабдор шахсларининг ёки вакилларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини такомиллаштириш, аудиторлик текширувларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш каби янги механизмларини жорий этишга оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо қилмоқда. Тафтиш далолатномасини далил тури сифатида белгилаш, тафтиш ўтказган шахсларнинг ёлғон далолатнома берганлик учун жавобгарлик белгилаш, тафтишнинг янги самарали турларини жорий қилиш, тафтиш ўтказиш методикасини яратиш, тафтиш унга нисбатан қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг назарий ва амалий ечимини топиш талаб қилинади.

Республикамизда тадбиркорлик субъектларини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоясини кафолатлаш мақсадида ислохотлар олиб борилмоқда. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унинг иловаларида 123 марта тадбиркорлик сўзи ишлатилган, демакки, ушбу йўналишни ривожлантириш ва фаолиятини кафолатлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Ушбу кафолатлардан бири Жиноят-процессуал қонунчилигидаги тафтиш институти ҳисобланади. Тафтиш институтини такомиллаштириш, унинг қўлланиш муддатларини инсонпарварлик принципла-

ридан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш, тафтиш ўтказиш усулларини очиқлигини таъминлаш, тафтиш ўтказиш жараёни ва натижалари ҳақида тезкорлик билан маълумот берилишини таъминлаш, тафтиш ўтказишга қўмак берувчи янги институтларни жорий қилиш орқали унинг тезкорлигини таъминлаш, тафтишнинг далилий кучини аниқлаштириш, тафтишчи мутахассиснинг ёлғон далолатнома берганлик учун жавобгарлигини белгилаш, уни далолатнома юзасидан сўроқ қилиш тартибини жорий қилиш, тафтиш қилишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда тартиб-таомилларини такомиллаштириш; тафтишчи ҳуқуқий мақомини ЖПКда акс эттириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса, тафтиш тайинлаш ва ўтказиш, унинг қонунийлигини таъминлаш, халқаро стандартлар асосида ушбу институтни янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига 2016 йил 29 декабрда киритилган муҳим ўзгаришлардан бири бу мазкур кодекснинг “Тафтиш” деб номланган 22¹-боб билан тўлдирилиши бўлди. Унга кўра, тафтиш терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида тайинланади.

Тафтиш – судгача бўлган босқичда ариза ва хабарларга таянган ҳолда иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва унинг содир этилганлигини исботловчи далилларни топиш ҳамда текширишга қаратилган дастлабки текширишдир⁴.

Тафтишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бошқа ҳаракатлар билан аниқлаш жуда ҳам мураккаб, чунки у иқтисодий хо-

⁴ Лазарев Е.В. Подготовка, назначение и производство ревизий и судебно-бухгалтерских экспертиз при расследовании преступлений в сфере экономики. Дис. ...док. юрид. Наук. – Екатеринбург, 2009. – С. 77.



латга оид барча маълумотларни комплекс текширишни назарда тутати. Экспертиза эса берилган саволларни аниқлаштиришга қаратилган бўлади. Шу боис тафтишни тайинлашда жиноятларнинг латент бўлиб қолиб кетишини, текширишни бир томонлама ўтказишнинг олдини олиш талаб қилинади.

Қўзғатилган жиноят иши юзасидан тадбиркорлик субъекти тафтиш қилинганда ҳам тадбиркорнинг жиноят иши билан боғлиқ фаолияти ва шу жараёндаги ҳаракатлар текширилади холос⁵.

Айрим адабиётларда баён қилинишича, тадқиқотлар ўтказиш жараёнида тафтиш ўтказувчи шахс фактик назорат усуллари (кўздан кечириш, хатлов, амалга оширилган ишларни ҳисоблаш) фақатгина терговчи ва судьянинг рухсати билангина амалга оширади⁶.

Тафтиш ҳамма ҳужжатларни текшириш, сўнгра бир хулосага келиш ва далолатнома тузишни тақозо қиладиган ҳаракат саналади. Шу сабабли тажрибали суриштирувчи, терговчи, судьялар жиноят иши қўзғатилишидан олдин иқтисодий жиноят содир этилган деган тахмин остида тафтиш тайинлашади.

Судгача бўлган босқичдаги текширишлар ўзида жиноят аломатларини тўлиқ акс эттириши талаб қилинади. Шу ҳолатларни инобатга олиб терговчилар жиноят ишини қўзғатишдан олдин тафтиш тайинланаши ва ўтказилиши талаб қилинади, чунки тафтиш яқунлари бўйичагина ҳаракатларни жиноят аломатлари борлигини аниқлаш ва ҳолатга тўғри баҳо бериш мумкин бўлади.

Тафтиш тайинловчи органларнинг тафтишнинг текшириш тизими ҳақидаги билимлари етарли бўлмаганлиги боис унинг

⁵ Шапиро Л.Г., Степанов В.В. Специальные знания в уголовном судопроизводстве. – М.: Юрлитинформ, 2008. – С. 100.

⁶ Шадрин В.В. Аудит, ревизия и экспертиза в условиях действия Уголовно-процессуального кодекса РФ // Современное право. – Москва, 2002. – № 10. – С. 17.

имкониятларидан жиноятларни тергов қилиш жараёнида тўлиқ ҳажмда фойдалана ололмайди⁷.

Тафтишни ваколатли орган тайинлайди, тафтиш ўтказувчи ташкилот раҳбари эса унинг топшириғига асосан ҳаракат қилади. Терговчи билан тафтиш ўтказувчи шахс ўртасида жиноят-процессуал муносабатлар юзага келади, тафтиш ўтказувчи мутахассис терговчи топшириқларига (тафтиш ўтказувчи ташкилот раҳбарининг эмас) кўра фаолият юритади. Бу ҳолатда маъмурий тегишлилик билан жиноят-процессуал муносабатларни бир-биридан фарқлаш талаб қилинади.

Агар жиноят иши юзасидан тафтиш тайинланадиган бўлса, уни тайинлаш ваколатига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки суд томонидан тафтиш доираси ва у доирасида аниқланадиган ма-салаларни белгилайди.

Тафтиш **объекти** – текширилаётган ташкилотнинг бухгалтерлик ва бошқа ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади. Тафтишнинг ўтказиш жараёнида тафтиш ўтказувчи мутахассислар тадқиқот объектларидан ташқари жиноят иши материаллари билан ҳам танишиши мумкин, чунки бу ҳолатда жиноят ишига алоқадор маълумотларни жиноят иши материалларидан олиш имконияти пайдо бўлади.

Жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган тафтишда мутахассис текширилаётган, уни тайинлаган ташкилот раҳбари, бухгалтер билан ҳамкорлик қилади, жиноят иши бўйича эса ушбу шахслар билан муносабати ўзгаради, яъни энди у ташкилотдаги ноқонуний ҳолатларни аниқлашга қаратади. Ушбу ҳолатда тафтиш тайинлаган шахс мутахассисга топшириқлар бериб туради. Ҳар қандай тафтиш жараёнида уни ким тайинлаганидан қатъи назар, му-

⁷ Степанов В.В. Шапиро Л.Г. Использование документальных проверок и ревизий при возбуждении уголовных дел // Уголовный процесс. – Москва, 2006. – № 11. – С. 60.



тахассис ҳужжатдаги шаклан ва мазмунан ўзгартиришларни уларни кўздан кечириш усулларини қўллаш орқали аниқлайди.

Тафтишни тайинлаш усулига қараб қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

1) тафтиш ўтказилиши режалаштирилган ташкилотга бевосита талабларни юбориш орқали;

2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг талабларини бевосита бажариш орқали.

Тафтиш ташкилот молия-хўжалик фаолиятининг ҳамма йўналишларини қамраб олади. Тафтиш молия интизомига риоя қилинганлиги бухгалтерлик ҳисобининг тўғри юритилганлиги ҳамда ҳисоботларнинг тўғри тузилганлигини текширишга хизмат қилади.

Тафтиш ўтказиш жараёнида текширувчилар ҳужжатларда ва фактик жихатдан текширилаётган ташкилот томонидан пул воситалари, қимматбаҳо қоғозлар, кредит ва ҳисоб операцияларининг, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардаги ҳисоботларнинг тўғри юритилганлигига ишонч ҳосил қилиши талаб қилинади.

Бюджет ташкилотларида бюджет воситаларини мақсадли ишлатилишига эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади. Ташкилот томонидан давлат бюджетдан ташқари маблағларини тўғри шакллантириш ва сарфланиши текширилиши лозим.

Жиноят иши юзасидан тафтиш тайинловчи шахс ўз раҳбарига тафтиш ўтказишга эҳтиёж борлиги бўйича қуйидаги масалаларни кўрсатган ҳолда билдирги бериши мақсадга мувофиқ: воситалар ва жалб қилинганлар нисбати; текширилаётган ташкилот ва унинг филиаллари ҳақида, ушбу ташкилот жойлашган жой, унинг раҳбари, бош бухгалтер ҳақида маълумот; текширилаётган ташкилотга нисбатан қўлланилган тезкор-қидирув ҳаракатлари; бирламчи ҳужжатлар, молия-хўжалик фаолиятга бағишланган ҳужжатлар ҳамда жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар баён

қилинади; ҳолатга тафтиш тайинлаган шахснинг баҳоси, унинг малакаси, етказилган тахминий зарар миқдори⁸.

Айрим ҳолатларда тафтиш тайинлаш жараёнида тафтишга бошқа мутахассис (масалан, дастурчи, таржимон, ҳужжатлар бўйича мутахассис ва б.қ.) ҳам жалб қилиниши мумкин. Ушбу шахслар жиноят ишининг боришини таъминлаш мақсадида фаолият юритсада, асосий масалани ҳал этиш тафтишчи мутахассис зиммасида бўлади.

Жиноят иши қўзғатилгандан кейин тайинланган тафтишлар ҳам жуда самарали натижалар беради ёки қўшимча, қайта тайинланган тафтишлар ҳам йўл қўйилган камчиликларни айнан жиноят иши қўзғатилгандан кейин аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.

Тафтиш ўтказиш чоғида тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилмаган масалани кўрилиши тақиқланади. Тафтиш ўтказилаётган ташкилотлар тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим олинган пайтдан эътиборан буйруқ чиқариши мақсадга мувофиқ. Чунки тафтишчига ишлаши учун ҳамма шароит яратиб берилиши ва уларни ташкилотдаги ходимлар таниб унга қаршилик кўрсатмаслигини таъминлаш зарур.

Тафтиш тайинлаш тезкорликни талаб этади. Чунки ташкилотда камчиликлар аниқланиши бошлангандан бошлаб ҳужжатлардаги ноқонуний ҳолатларни йўқотишга ҳаракат қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра тафтиш ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан иборат.

Зарур бўлган тақдирда, текширилаётган субъектнинг ҳужжатлари ҳажми, фаолиятининг тури ва кўламлари ҳисобга олин-

⁸ Лазарев Е.В. Подготовка, назначение и производство ревизий и судебно-бухгалтерских экспертиз при расследовании преступлений в сфере экономики. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Екатеринбург, 2009. – С. 96-97.



ган ҳолда, тафтиш муддати молия-хўжалик фаолиятининг тафтишини ўтказувчи шахснинг асослангилган илтимоснома-си бўйича суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг розилигига кўра ёхуд суднинг ажрими билан:

тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўттиз календарь кунга;

давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилишнинг ушбу Кодексда белгиланган муддатларидан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин.

Жиноят иши юзасидан тайинлангилан тафтиш иқтисодий фаолиятда ўтказилгилан тафтишдан фарқ қилиб, ушбу фарқ жиноят ишини кўзғатишга сабаб бўлагилан ҳолатлар мавжуд ёки йўқлиги юзасидан амалга оширилишида намоён бўлади.

Жиноят ишини кўзғатиш босқичида тафтиш тайинлаш учун асослар жумласига қуйидагилар қиради: ариза ва хабарларни текшириш жараёнида аниқланган иқтисодий жиноятлар, мулкни ўзлаштирилганлик ҳақидаги фактик маълумотларнинг мавжудлиги; моддий жавобгар ёки мансабдор шахснинг моддий қийматликларни, пул воситаларини ўзлаштириш, растрата жинояти устида ушланиши; жиноят содир этганлиги ҳақидаги маълумот етиб келган шахснинг кўрсатувлари; олдинги ўтказилган тафтишларнинг сифатининг пастлиги, маълумотлари ўртасидаги зиддиятлар мавжудлиги, олдида қўйилган саволларга тўлиқ жавоб бермаганлиги; камомад ва ортиқча сумманинг юзага келишининг сабаблари ва вақтини аниқлаш эҳтиёжи бўлганда; текширилагилан шахснинг бошқа ташкилотлар билан жиноий

алоқаларини аниқлаш⁹.

Тафтиш тайинловчи органлар тафтиш тайинлаш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериши талаб қилинади: тафтишчи ўзи ўтказилган молиявий, иқтисодий, тадбиркорлик, бухгалтерлик, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида пухта билимга эга бўлган ўз соҳасини пухта билиши; ишдан манфаатдор бўлмаслиги, қариндоши масалалари кўрилагилан мутахассисларни ишга жалб қилмаслиги; иш ҳажми, бир неча бор текширилагилан ташкилотларнинг бир-биридан алоҳида узоқ ҳудудларда жойлашганда бир неча мутахассисни жалб қилиш, текшириш бир неча соҳа мутахассиси фаолиятини талаб қилганда, уларни ўз вақтида жалб қилиш; соҳа мутахассисларини тўғри танлай олиш ва уларга берилагилан ойдинлаштиришга қаратилган саволларни, вазифаларни тўғри тақсимлаш ва мақсадни тўғри тушунтири олиш; тафтишчининг тафтиш ўтказиш бўйича малакаси, қобиляти, мутахассислиги, қандай мураккаб ишларда ишлагиланлиги, олдинги ишларида амалга оширган хатоликларни билиши; тафтиш ўтказиш учун белгиланган муддатда зарур ҳаракатларни амалга оширишга улгуриши.

Тафтиш тайинлаш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигида ташкилий-тактик тадбирларни амалга ошириш лозим ҳисобланади: бухгалтерлик ҳисоби, ҳисоботлар юритишга оид норматив ҳужжатлар билан танишиш; бухгалтерлик ҳужжатлари, қоралама ҳужжатларни олиб қўйиш; текширишга олинган ҳужжатларни кўздан кечириш, ҳаракатлар кетма-кетлигини ўрганиш, ҳужжатлардан нусхалар олиш, уларни сақлаб қолиш чораларини кўриш; текширилагилан ташкилот ёки унга тегишли бўлган филиаллар жойлашган

⁹ Шадрин В.В., Шадрин К.В., Мусин Э.Ф. Ревизия по требованию правоохранительных органов при расследовании уголовных дел. – М.: Юрлитинформ, 2004. – С. 103.



жойлар тезкор-қидирув ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; жиноят содир этилган вазият, олдин ўтказилган инвентаризация ҳужжатлари билан моддий қийматликларни сақлаш шартлари билан танишиш, мулкни ўзлаштириш ҳаракатлари содир этилган вақтни аниқлашга ҳаракат қилиш; гумон қилинувчи ҳақидаги маълумотларни ўрганиш (мансаби, ташкилот билан моддий жавобгарлик ҳақидаги ҳужжатларининг мавжудлиги, иш стажи, текширилаётган шахслар томонидан олдин ҳам суиистеъмоллик ҳолатлари бўлганлиги факти, оилавий аҳволи, моддий шароити); маъмурий ва назорат органлари томонидан қонунбузарликларни аниқлаш мақсадида қандай ҳаракатлар қилинганлиги; текширилаётган шахсларнинг муқаддам судланганлиги, ишончни суиистеъмол қилганлиги учун ишдан ҳайдалганлик ҳолатлари текширилади.

Тафтиш жараёнида амалга оширилади-ган тадбирлар услубий, тактик аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки суриштирувчи, терговчи тафтиш тайинлаш, жиноят ҳолатини аниқлаш учун ўз вақтида ва сифатли бухгалтерлик ҳамда бошқа ҳужжатларни йиғиши; тафтиш жараёнида амалга ошириш лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилаши; ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши лозим бўлган шахслар доирасини белгилаши лозим¹⁰.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг асосий вазифаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: амалга ошираётган фаолият ташкилотнинг таъсис ҳужжатларига тўғри келиши; даромадлар ва харажатлар сметасидаги ҳисобларнинг асосланганлиги; сметадаги харажатларнинг тўғри сарфланганлиги; бюджет воситаларининг мақсадли ишлатилганлиги; моддий

¹⁰ Еремин С.Г. Организация документальной ревизии и аудиторской проверки по требованию правоохранительных органов для выявления обстоятельств преступлений // «Черные дыры» в Российском законодательстве. – 2006. – № 2. – С. 236.

қийматликларнинг ва пул воситаларининг хавфсизлиги таъминланганлиги; бюджетдан ташқари бўлган давлат харажатлари асослилиги; молия тартибига риоя қилинганлиги; қимматли қоғозлар ва пул воситалари, кредит операцияларининг асосланганлиги; бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш тўғрилиги; бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобининг тўлиқ ва ўз вақтида юритилиши; номоддий активлар билан операциялар; инвестициялар билан боғлиқ операциялар; жисмоний шахслар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа харажатлар; кундалик фаолият жараёнида қилинган харажатлар асосланганлиги; молиявий ютуқларнинг шаклланишининг асослилиги ва уларнинг тўғри тақсимланганлиги¹¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тафтиш ўтказишда кутилаётган вазифалар жиноят иши материалларидан, ташкилотнинг фаолият турларидан келиб чиқади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьянинг тафтиш тайинлаш жараёнида вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ҳужжатли асослантирилган куйидаги саволларга жавобларни талаб қилади: нима бузилган (қонун, буйруқ, қарор, йўриқнома ҳамда қайси қисми бузилганлиги); ким бузган (кимнинг талаби билан қилинган); ҳуқуқбузарлик содир этилиш вақти; ҳуқуқбузарлик бажарилиш усули; етказилган зарар миқдори, камомад; ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўлган сабаб ва шарт-шароитлар¹².

Жиноят юзасидан аниқланган маълумотларни таҳлил қилиш, унинг содир этилиш сабаб ва шароитларини аниқлаш орқали ушбу ҳаракатларнинг кейинги ривожини ҳам кўриш мумкин бўлади. Прогнозлаштириш ушбу ҳолатларда суриштирувчи, терговчи, судьянинг самарали

¹¹ Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. – М. Инфра-М, 2005. – С. 633.

¹² Шадрин В.В., Шадрин К.В., Мусин Э.Ф. Ревизия по требованию правоохранительных органов при расследовании уголовных дел. 2004. – С. 108.



профилактик воситаларни қўллаш имкониятини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тафтиш жараёнида тафтишчи олдида қуйидаги жиноят сабаб ва шарт-шароитларига алоқадор саволлар қўйиш мақсадга мувофиқ: махсус билимлардан келиб чиқиб, жиноят юзасидан фактларнинг юзага келиш сабаб ва шароитларини аниқлашга; ҳаракатлар ва оқибат ўртасида боғлиқликни аниқлаш, уларнинг ваколат доирасига кирадиган ҳаракат бор ёки йўқлигини белгилаш; жиноятни содир этилишига асос бўлган аниқ ҳолатлар, ҳужжатлардаги камчиликлар; қонун, қонуности ҳужжатлари талабларининг бажарилмаганлиги натижасида юзага келган оқибат.

Агарда терговчи, жиноятни содир этилиш шароитларини қарорда савол сифатида қўймас экан, тафтишчи ушбу ҳолатга ўзининг ташаббусидан келиб чиқиб жавоб бериши талаб қилинади¹³.

Тафтиш тайинлашда унинг қайси турини қўллаш масаласига эътибор бериш талаб қилинади. Масалан, одатий тафтиш олдида маълум бир мақсад қўйилади, яъни улар бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботларни тўғрилигини текширишга қаратилган бўлади. Шу сабабли мақсадли йўналтирилганлик ушбу тафтишнинг асосий жиҳати ҳисобланмайди.

Тафтиш жиноят ишининг қайси босқичида ўтказилишига қараб жиноят иши қўзғатилгунча, дастлабки тергов ва суд босқичида ўтказиладиган тафтишларга бўлинади.

Текширилаётган фаолият ҳажмига кўра тафтиш тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин. Тўлиқ тафтиш – текширилаётган ташкилот молия-ҳўжалик фаолиятининг ҳамма жиҳатларини қамраб олади. Ушбу тафтишда тешириш иқтисодий фаолиятнинг барча турлари қўлланилиниб текширилади.

¹³ Гаджиев Н.Г. Гаджикасумов С.Ф. Использование специальных познаний аудитора в судебно-следственной практике // Российская юстиция. – 1997. – № 5. – С. 20.

Қисман тафтиш – текширилаётган ташкилотнинг маълум бир соҳаларини ёки алоҳида ҳўжалик операцияларини текширишга қаратилган бўлади¹⁴.

Тафтиш ким томонидан ўтказилишига қараб, тафтишчи бўлган мутахассис ёки бухгалтерлик ҳисоби соҳасида махсус билимга эга бўлган шахсларга бўлинади.

Адабиётларда тафтишнинг фактик, ҳужжатли, аралаш турлари мавжудлиги баён қилинган. Фактик тафтишда объектни ўз ҳолича кўздан кечириш, ҳужжатли ҳужжатлардаги маълумотларга қараб, аралаш, фактик ва ҳужжатли текширишларининг бирикмасидан пайдо бўлади¹⁵.

Айрим олимлар текшириш йўналиши ҳамда текшириш учун мўлжалланган саволларга қараб тафтишни оралик, комплекс, тематик тафтишларга бўлишни тавсия қилишган¹⁶.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолатларда тафтиш ҳужжатларида қуйидаги асосий камчиликлар, бўшлиқларга йўл қўйилади: тафтиш ўтказилиш муддати кўрсатилмайди, саволлар тўғри шакллантирилмайди, улар ҳолатни тўлиқ баҳолашга қаратилмайди, тафтиш ўтказувчи орган ўз ташаббуси билан саволларни тўлдирмайди, текширилувчи ташкилотлар доираси аниқ кўрсатилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг эътиборга олинishi тафтишдан кўзланган мақсадга эришиш ва унинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

¹⁴ Рябчиков М.П. Контроль финансово-хозяйственной деятельности на промышленных предприятиях. - М.: Финансы и статистика, 1989, – С. 13.

¹⁵ Белов Н.Г. Контроль и ревизия в сельском хозяйстве: учебник. – М., 2005. – С. 100.

¹⁶ Степанов М.В. Ревизия как основной метод финансового контроля и ведущая форма деятельности Счетной палаты РФ // Современное право. – 2004. – №7. – С. 19.



Саходулла ШОМИРЗАЕВ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта
ўқитувчиси, ТДЮУ мустақил изланувчиси

ГУМОН ҚИЛИНУВЧЕНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ЖАҲОН АМАЛИЁТИДАГИ АЙРИМ УСУЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада гумон қилинувчини сўроқ қилишда жаҳон амалиётида фойдаланиладиган усуллар, сўроқ қилиш техникасининг замонавий турлари ҳамда бу усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: гумон қилинувчи, сўроқ қилиш, тергов ҳаракати, жиноят процесси, тез-кор-қидирув тадбирлари, кўрсатувлар, қийноқ, тактик-психологик усуллар, ишора қилувчи саволлар, ёпиқ саволлар, интервью.

Аннотация: В данной статье освещается методы допроса подозреваемого в международной практике, а также современные виды техники допроса и важность использования этих методов.

Ключовые слова: подозреваемый, допрос, следственное действие, уголовный процесс, оперативно-розыскные мероприятия, показания, пыток, тактико-психологические методы, наводящие вопросы, закрытые вопросы, интервью.

Abstract: This article highlights some methods that are used in the international practice of interrogating a suspect, modern types of interrogation techniques and the importance of using these methods.

Key words: suspect, interrogation, investigative action, criminal procedure, rapid-search activities, torture, tactical-psychological methods, leading questions, closed questions, interview.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати жиноятларни очиш ва жиноятчиларни фош этишда иш бўйича ҳақиқатни аниқлашнинг энг самарали воситаларидан бири саналади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ҳатто, жиноятни очиш учун ҳеч қандай далиллар бўлмаган тақдирда ҳам тажрибали терговчилар ёки судлар ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш орқали жиноятларни тез ва тўла очиш имконига эга бўлганлар. Бунда гумон қилинувчини сўроқ қилишда олинadиган маълумотлар, яъни унинг кўрсатувлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки гумон қилинувчи содир этилган жиноятга қандайдир маънода дахлдор бўлганлиги учун ҳам муайян ҳажмдаги маълумотларни билади ва бу борада берган кўрсатувлари процесснинг бошқа иштирокчиларини гумон қилинувчи ёки гувоҳ сифатида маълум қилади.

Гумон қилинувчини сўроқ қилиш самардорлигини ошириш дунё мамлакатлари-

да турли техник восита ёки тактик усуллар қўллаш орқали амалга оширилади. Бу борада кўникма ва тажриба қанчалар муҳим бўлмасин, улардан фойдаланишда криминалистик билимларга эга бўлмаслик ёки муайян тартиб-қоидаларга амал қилмаслик сўроқ натижаларига салбий таъсир этади. Оқибатда, иш учун қимматли бўлган маълумотлар қўлдан бой берилиши ёки жиноят иши очилмай қолиши мумкин. Шу боис назария жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий криминалистик таъминотлар билан доимий равишда қуроллантириб боради.

Ҳозирда сўроқ қилишнинг янги услубиятлари, психологияга асосланган усулларининг қўлланишини бошланганлиги жаҳон криминалистикасида кескин бурилиш ясамоқда. Асосий мақсад психологик усулларнинг самараси эвазига сўроқ қилишда қўлландиган қийноқлардан воз



кечишдан иборат. “Хизмат ваколатидан фойдаланиб амалга ошириладиган айрим ҳолатлар тўғридан-тўғри шахснинг ҳуқуқларига тажовуз сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, сўроқ вақтида зўрлик ишлатиш. Ушбу ҳаракатлар натижасида етказиладиган зарар оғирлиги шундаки, бунда шахсларда қонунга нисбатан ишонч туйғусининг сўниши, ҳуқуқий нигилизм каби кайфият юзага келади”.¹ Хорижий кинофильмлардан полиция гумон қилинувчи шахсни сўроқ қилиш жараёни акс этган бизга таниш сахналар мавжуд: ертўлага ўхшаш камерада гумон қилинувчининг кўзига жудаям ёруғ бўлган лампа қаратиб қўйилган, сўроқ қилаётган мансабдор шахс столга муштлайди ва гумон қилинувчига босим ўтказа бошлайди. Бунда лавҳалар осмондан олинмаган, хорижий полициячиларнинг ҳақиқатда иш усулларини тасвирлаб берилган. Аммо ҳозирга кунга келиб, инсон ҳуқуқларини тўла-тўқис таъминланишига эришиш, инсон кадр-қимматини камситмаслик мақсадида кўплаб кўплаб ҳуқуқий ривожланган давлатларда гумон қилинувчи шахсларни сўроқ қилишда янги ва янада самарадор тактикалар, сўроқ қилиш техникаси ишлаб чиқилган ва қўлланилмоқда.

Аммо ҳозирда дунё мамлакатларида гумон қилинувчиларни сўроқ қилишда қийноқнинг турли кўринишлари, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва шахс кадр-қимматини камситувчи усуллардан воз кечиш, содир этилган жиноят иши юзасидан маълумотлар йиғишда сўроқ қилишнинг замонавий техникаларидан фойдаланиш тавсия этилмоқда. Барча усулларни бирлаштириб турадиган хусусиятлар шундан иборатки, бунда жараённинг самарадорлиги сўроқ ўтказаётган мансабдор шахснинг маҳорати, тажрибаси, интуици-

¹ Х.А.Каримов, Д.О.Облакулов. “Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунда қийноққа солиш ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик”. “Адолат”, Тошкент, 2014, 53-бет

яси, дунёқараши, шунингдек роль ўйнай олиши қобилиятига боғлиқ бўлади. Чунки шуни таъкидлаш лозимки, “айбланувчи ва гумон қилинувчи учун кўрсатувлар бериш – бу уларнинг ҳуқуқи, мажбурияти эмас”².

Жумладан, соҳа мутахассислари орасида “канадача” усул дейиладиган, бундан ташқари “**Жаноб катта**” номини олган усул мавжуд. Мазкур сўроқ қилиш техникаси Қиролликнинг канада отлиқ полицияси томонидан ишлаб чиқилган. Бу тактикани қўллашдан мақсад полицияда жиноят содир қилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлсада, уни тан олмаётган, жиноятни ва бошқа жиноятчиларни фош этишда полиция билан ҳамкорликни қилишни истамаётган гумон қилинувчи шахсларга нисбатан охириги ва умидли чора сифатида ундан иш учун аҳамиятли кўрсатувларни олиш ҳисобланади.

Мазкур техникада полиция сўроқ беришга тайёргарлиги бўлмаган гумон қилинувчининг қайси саволларга жавоб беришга қийналаётганлигини аниқлайди. Ушбу саволларга аниқлик киритиш мақсадида махфийлаштирилган ходимларга топшириқ берилади. Улардан бири гумон қилинувчи билан танишиш уюштирилиб, унга ёрдам кўрсатишни бошлайди. Бир неча бор кўришиб, яқинлашгандан сўнг, унга ўзи ишлаётган “ташкилот”га ишга таклиф қилади ва унинг манфаатларидан ва характеридан келиб чиқиб қизиқтиради. Гумон қилинувчи иккиланаётган бўлсада, махфийлаштирилган ходим уни кўндиришга эришади. Аслида “гумон қилинувчи айнан жиноят содир қилган одам эканлигига тўла ишонч йўқ. Шунинг учун уни биринчи сўроқ қилиш разведка табиатига эга, гумон қилинувчининг шахсий тавсифига, унинг ҳолати ва аргументларига аниқлик киритишга, ўзи хабар беришни истаётган маълумотларни олишга йўналтирилган”³.

² Т.А.Седова и др. Криминалистика: Учебник. Москва: “Юриспруденция”, 2019, стр. 389

³ Е.П. Ищенко. Криминалистика в вопросах и ответах:



Иш, кўпинча, гумон қилинувчини чўчитмаслик учун майда-чуйда вазифалардан бошланади. Масалан, ташкилотдан қарздор одамлардан қарзни ундириш, жумладан, автомашина, кўчмас мол-мулк каби қимматбаҳо мулкларини гаровга олиш кабилар. Бу ҳаракатлар секин-аста ўғирлик, товламалик, фирибгарлик каби жиноятларга айлана бошлайди. Бу вақт ичида махфийлаштирилган ходим гумон қилинувчини тергов қилинаётган жиноят юзасидан маълумотлар олишга ҳаракат қилади, ундан ҳаққоний кўрсатувларни олиш мақсадида суҳбатлашиб боради.

Бирмунча вақт ўтиб, бу орада етарли натижага эришиб бўлмаса, махфийлаштирилган ходим гумон қилинувчини “ташкilot раҳбари” бўлган бошқа бир махфийлаштирилган ходим билан таништиради. Биринчи махфийлаштирилган ходим гумон қилинувчи содир этган жиноятнинг тафсилотларини иккинчи махфийлаштирилган ходимга етказган бўлади ва гумон қилинувчини “раҳбар”га бўйсунушга мажбур қилади. Гумон қилинувчи, ўз навбатида, “ташкilot раҳбари”га ҳам содир қилган жиноятлари тўғрисида гапиришни рад этиши мумкин. Лекин “раҳбар” у ҳақида ҳаммасини билишни исташини, унга сюрприз керак эмаслигини билдириб, гапиришга мажбурлайди. Шунда ҳам гумон қилинувчи кутилган жавобни бермаган тақдирда “раҳбар” унга бошқа иш бермаслигини маълум қилиб, ҳайдаб юборади.

Маълум бир муддат ўтгандан сўнг, биринчи махфийлаштирилган ходим гумон қилинувчига яна алоқага чиқади. Гумон қилинувчи ишсизликдан қийналиб, пуншаймонда бўлганлигидан унга содир этилган жиноят тафсилотларини айтиб бера бошлайди. Қачонки у содир этилган жиноятни бўйнига олганлиги билдирувчи маълумотларни айтган вақтда ҳибсга олинади ҳамда ушбу маълумотлар акс этган кўрсатувларни терговчига қайтариб беради. Де-

мак, бу тезкор-қидирув тадбирга ўхшаш бўлган, тезкор ходимлар ёрдамида амалга ошириладиган ҳамда нисбатан узоқроқ муддат талаб қиладиган усул ҳисобланади.

Шунингдек, кўпчиликка маълум ва машҳур бўлган **“яхши полициячи, ёмон полициячи”** деган сўроқ техникаси ҳам бор. Бу техника сўроқ қилишнинг “ширинлик ва таёқ”дан иборат шакли десак хато бўлмайди. Чунки бу техниканинг номидан ҳам аён, терговчи ходимларнинг бири “яхши ходим”, иккинчиси “ёмон полициячи” вазифасини бажаради. Бунда ҳам гумон қилинувчини пинжига қўл солиш, кўнглига йўл топиш ва содир этилган жиноятга алоқадор сир-асрорларини очиқлатиш асосий мақсад ҳисобланади. Бу техника бошида Рейд техникасининг бир қисми сифатида қўлланилган бўлсада, ҳозирга келиб сўроқ қилишнинг алоҳида тури сифатида эътироф этилади.

Биринчи бўлиб, “ёмон полициячи” гумон қилинувчини сўроқ қилишни бошлайди, у гумон қилинувчининг наздида қўпол, ёвуз ва кибрли бир мансабдор шахс сифатида гавдаланади. У гумон қилинувчини кўрқитади, айбдор эканлиги уқтиради ва айбига иқрор бўлишга ундайди. Айрим ҳолларда шу босқичнинг ўзидаёқ гумон қилинувчилар шу вақтда кўрққанларидан айбини бўйнига олишади.

Гумон қилинувчини содир этган жиноятни тан олмагандан сўнг, “яхши полициячи” ходим уни сўроқ қилишни бошлайди. У “ёмон полициячи”га қўпол муомаласи учун дакки беради ва ўзи савол беришга ўтади. У гумон қилинувчига жиноят содир этганлигини тан олган тақдирда, унга анча енгил жазо бўлиши, ҳаттоки кечирилиб юборилиши тўғрисида маълум қилади. Бу техникадан мақсад гумон қилинувчи ўзига келиб олиши ва катта эҳтимол билан “яхши полициячи”га айбига иқрорлиги ҳақида сўзлаб беради.

Сўроқ қилишнинг бутун дунёга машҳур **“Рейд техникаси”** деган усули мавжуд. У



хорижий мамлакатларда, хусусан, АҚШ ва Исроилда гумон қилинувчини сўроқ қилишнинг асосий усули ҳисобланади. Бу сўроқ қилиш техникаси узоқ давом этадиган, мураккаб кўринишга эга ва ўзида бир қатор стратегияларни мужассам этади. Бунда сўроқ қилиш гумон қилинувчининг айбини кўрсатадиган далилларни кўрсатиш билан бошланади. Аммо бу ҳаракат гумон қилинувчини жиноят содир этишда айблаш учун уриниш эмас.

Рейд техникасини қўллашда терговчи гумон қилинувчини бир томонлама суҳбатга жалб қилади. Яъни гумон қилинувчига гапиришга сўз берилмайди, чунки айбдор бўлса ҳам, ўз айбини рад этишдан бошқа ёққа ўтмайди. Бундан ташқари, ҳақиқатни тинглаш унинг учун қийин бўлади. Гумон қилинувчи барибир гапиришни бошлайди ва бутун кучи билан айбсизлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Суҳбат жараёнида гумон қилинувчига ҳамдардлик билдиради. У гумон қилинувчининг эҳтимолий айбсизлигини таъкидлайди ва ҳаттоки унга жиноят бошқа бир шахс томонидан содир этилган бўлиши мумкинлигини ҳам эслатиб қўяди. Мана шу онларда терговчи гумон қилинувчини ўзини тутишини кузатади ва алдаяптими, йўқми, ёлғон белгиларини аниқлашга ҳаракат қилади.

Рейд техникаси, одатда, узоқ давом этадиган, мажбурий ва зиддиятларга тўла усуллардан бўлганлиги учун танқид қилинади. Чунки бунда терговчи ҳам жуда кўп ёлғонлардан фойдаланади. Бу кўплаб айбсиз одамларнинг ҳеч қачон қилмаган жиноятларни тан олишларига сабаб бўлган. “Рейднинг танқидчилари бу тактика ёлғондан иқрор бўлишликка осонгина олиб келиши мумкин, айниқса, вояга етмаганларини сўроқ қилишда”⁴.

Кейингиси **“етакловчи ва юкланган саволлар”** усули бўлиб, бу усул кўп мам-

лакатларда процессуал қонунчилик асосида тақиқланган, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 102-моддасига кўра, ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди. Бунда кутилаётган жавобга билвосита ёки бевосита йўналтириш мазмунидаги саволлар ишора қилувчи саволлар ҳисобланади.

Сўроқ жараёнида терговчилар кўплаб саволлар беришади, шундай саволлардан бир тури ишора қилувчи саволлардир. Бундай саволлар гумон қилинувчидан аниқ жавоблар беришни талаб қилади. Ишора қилувчи саволлар бериш учун терговчи сўзларни синчковлик билан териб чиқади. Масалан, терговчи “Қизил кийимдаги одамни кўрдингизми?” деган саволни “Қизил кийимдаги ўша одамни кўрдингизми?” дея йўналтиради. Биринчи шаклдаги саволга гумон қилинувчи “қизил кийимли одамни кўрмадим” дея оддий қилиб жавоб қайтариши мумкин. “Ўша” сўзи билан қизил кийимдаги шахс ҳодиса содир бўлган жойда бўлганлигини билдиради. Энди гумон қилинувчи содир бўлган ҳодиса ҳақида ўйланиши керак. Бироқ терговчи ҳодиса жойида ҳеч қандай қизил кийимли одам бўлмаган бўлса ҳам, ана шундай савол бериши мумкин.

Юкланган саволлардан фойдаланиш ҳам юқоридагига ўхшаш тактика ҳисобланади. Бундай саволларда аслида ундай бўлмаган бўлса ҳам, савол таркибидаги муайян фактлар тўғри бўлади. Масалан, терговчи шундай савол бериши мумкин: “Ярим кечаси қайси вақтда сизлар машинада ўғирлик қилиш учун жўнагансиз?” ёки “Сизнинг зарбангиз билан тугаган бу баҳс сизнинг ўргангизда нима сабабда бошланди?”.

Биринчи саволда гумон қилинувчини ўғирлик қилиш учун машинада бўлганлиги ўйлантиради, иккинчи саволда эса гумон қилинувчи гарчи ҳеч кимга қўл кўтармаган бўлса ҳам, унинг кимнидир урганлиги бўйича айб келиб чиқяпти. Бун-

⁴ Р.И.Седнев, Е.А.Шаталов Техника допроса по “тактике Рейда”, мнение “за” и “против” (cyberleninka.ru)



дан ташқари, дихотомик ёки ёпик саволлар мавжуд бўлиб, улар ишора қилувчи саволларнинг йирик бир тури саналади. Бундай саволлар “ха” ёки “йўқ” жавобларинигина талаб қилади, бу турдаги саволларнинг айримларига эса бир неча жавоблардан бирини бериш имконияти бўлсада, барибир, гумон қилинувчининг бермоқчи бўлган жавоблар вариантини белгиланган миқдорда чеклайди.

Терговчи ёки суриштирувчи доим ҳам сўроқ қилинувчини қамоқда сақлай олмайди. Улар “**дала интервьюси**” деб номланадиган норасмий сўроқ ҳам ўтказиши мумкин. Дала интервьюси деганда тергов (суриштирув) идорасининг хизмат хонасидан ташқарида ўтказиладиган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилмайдиган сўроқ тури тушунилади. Бу интервью муайян қолипга эга эмас, шунинг учун ҳам бу иш ана шундай суҳбатни ўтказган ходимнинг эътиборига ҳавола этилади.

Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходим билан ўтказилган оддий суҳбат ҳам шу усул таркибига кириб кетиши мумкин. Лекин гумон қилинувчи билан ўтказилган шу суҳбатларда ҳам олинган маълумотлардан судда унга қарши фойдаланилади. Ходим бу тўғрида, яъни суҳбат асосида берилган кўрсатувлар тўғрисида Миранда қондасидан келиб чиқиб, гумон қилинувчини хабардор қилишга мажбур эмас.

Одатда, ходим томонидан гумон қилинувчининг фамилия, исми, шарифи ва яшаш манзилдан ташқари бериладиган ҳар қандай савол асосидаги суҳбат дала интервьюси деб аталади.

Гумон қилинувчини сўроқ қилишда унинг саволларга жавоб бериш жараёнидаги ўзини тутиши, психологик ҳолатини кузатиш билан тергов ҳаракатини олиб бориш усули “**кинезик интервью**” деб номланган. Қисқаси, бу усул кузатиш билан сўроқ қилишдир. Сўроқ қилувчи мансабдор шахс гиуон қилинувчига бир неча са-

воллар беради ва жавоб бераётган вақтда унинг хулқ-атворини ва тана тилини кузатади. Кузатиш орқали гумон қилинувчидаги асабийлик, алдов ва ёлғонни аниқлашга ҳаракат қилади. Терговчи гумон қилинувчининг ҳаракатларини унинг ўзини тутиши билан солиштиради, буни “тан олиш хулқ-атвори” дейилади. Маълум бўлишича, одамларда шундай ҳолатлар кузатиладик, улар айбдор сифатида ўзларини ҳис қилишган айрим хатти-ҳаракатларни амалга оширишади. Бунга йиғлаб юбориш, стулдан йиқилиб тушиш, қўлларини ўзаро кириштириб боғлаган ҳолда бош бармоғини юқорига кўтариш кабилар қиради.

“**Алдов**” усулида терговчига сизни алдашга, сўроқ жараёнида ёлғон сўзларни ишлатишга рухсат берилган. Буни, кўпинча, амалиётда қўллашади ҳам. Терговчи ёки суриштирувчи бу усулни гумон қилинувчи томонидан айбини бўйнига олиши учун қўллайди. Гумон қилинувчининг ўша жинойтни содир қилганлигини тасдиқловчи барча далиллар уларда етарли эканлигини, бармоқ излари топилганлигини, ДНК натижаларига эканлигини, ҳодисани ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар борлигини билдиришади. Қўлланадиган энг машҳур ёлғонлардан бири шуки, гумон қилинувчининг барча кўрсатувларини судга олиб чиқмасликларини, судда бу кўрсатувлардан мутлақо фойдаланмасликларини айтиб ишонтиришади. Яна бир ёлғон эса гумон қилинувчининг “шериги” ҳаммасини айтиб берганлигини, гумон қилинувчининг жинойтга далхдор эканлиги ҳақида кўрсатув берганлигини таъкидлашади. Гумон қилинувчи иқрор бўлган тақдирда унга ёрдам беришларини айтишади.

Терговчи гумон қилинувчига ёлғон кўрсатувлар бериш орқали ўзига ҳамда бошқа одамларга зиён етказиши тўғрисида огоҳлантиришлари мумкин. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда терговчи гумон қилинувчини ёлғон детектори



бўйича сохта тестларни ўтказиши ҳамда сохта тест натижаларини гумон қилинувчига кўрсатиши мумкин. Яъни уларнинг жавобларини детектордан ўтказишади ва детектор қасддан ёлғон эканлигини кўрсатади.

Сўроқ қилишнинг энг қизғин нуқтасида терговчи гумон қилинувчига сўроқ қилиш хонасидаги барча аудио ва видео ёзиб олиш ускуналарини ўчирган ҳолда тан олиш тўғрисида кўрсатувларни ёзувсиз беришни таклиф қилиши мумкин. Ёзиб олишни ҳақиқатда тўхтатиб турадими, йўқми, бу терговчининг иши. Сўроқ қилиш хоналарида бир неча камера бўлган тақдирда битта камерани ўчирган ҳолда қолган камералар орқали ёзиб олиниши мумкин.

Сўроқ қилишнинг **“когнитив интервью”** дея ном олган усули мавжуд бўлиб, бу гумон қилинувчини сўроқ қилишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бу усул, асосан, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг эслаш олмаган ёки мутлақо бошқа нарсалар ҳақида гапиришни бошлаганларида оддий ва одатий саволлар бериш орқали амалга оширилади.

Сўроқ қилишнинг машҳур ва маълум усулларида бири **“PEACE”** (тинчлик) усулидир. Ушбу усул ҳозирда кўпроқ Буюк Британия ва Янги Зеландия полиция ходимлари томонидан қўлланади. Усулнинг асосий моҳияти шундан иборатки, оддий сўроқ қилишдан кўра кўпроқ интервьюга ўхшаб кетади. Бунда савол-жавоб жуда кўп бўлади, терговчи кўплаб саволлари билан гумон қилинувчини кўпроқ гапиришга ундайди. Терговчи гумон қилинувчи билан имкон қадар яқин бўлиш орқали синчковлик билан уни айбига иқроқ бўлишга мажбурлай бошлайди. Терговчи гумон қилинувчидан ҳодиса тўғрисида нимани эслаш олса, барчасини эслашга ҳаракат қилишни сўрайди. Сўроқ тугагандан сўнг, гумон қилинувчининг берган кўрсатувларини ўзларига маълум бўлган маълумотлар билан солиштириб чиқишади. Бу усулда гумон қилинувчининг жавобларида мавжуд

бўлган қизиқарли фактларга ҳам унчалик эътибор беришмайди, яна ва яна савол беришаверади.

“Минималлаштириш ва максималлаштириш”, аслида сўроқ қилишнинг иккита алоҳида усули бўлсада, уларнинг асоси умумийдир. Яъни минималлаштиришда жиноят ҳақиқатда содир этилганлигидан кичикроқ тасаввур қилинишида намоён бўлади. Бунда гумон қилинувчига унинг содир этган ҳаракатлари, аниқроғи жинояти, зиёнсиз, ҳамма ҳам қилиб юриши мумкин дея ишонтирилади, гумон қилинувчи ҳам шундай тушуна бошлайди. Бу усул гумон қилинувчини жиноятга жазо у ўйлагандан ҳам енгил бўлишига ишонтирилганда ўз самарасин беради.

Максималлаштириш эса ўз-ўзидан минималлаштиришнинг тескари ҳолатидир. Бу содир этилган жиноятнинг янада бўрттириб, катталаштириб кўрсатиш, тасаввур қилдиришдан иборат. Терговчи максималлаштиришда гумон қилинувчинига узок муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши, ёки ундан ҳам қаттиқ жазолар қўлланиши мумкинлиги ҳақида эслатади. Бу усулни қўллашдан мақсад гумон қилинувчи содир этилган жиноят учун “ҳеч нарса бўлмайди, жуда борса озроқ жарима қилади, жазоси жуда енгил” деб тушунган вақтда енгил-елпи кўрсатувлар беришда тийиш ва ҳаққоний кўрсатувлар беришда унга масъулиятни ҳис қилдиришдан иборат.

Юқорида қайд этилган иккала усул ҳам мунозарали ҳисобланади, чунки иккаласи ҳам гумон қилинувчига нисбатан оғир жазолар томон етаклайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, мазкур техника асосида сўроқ қилинган одамларни терговчилар қандай олдирган бўлса, билимсиз судьялар томонидан кўр-кўрона улар устидан оғир жазога оид ҳукмлар чиқарадилар.

Гумон қилинувчини сўроқ қилишда фойдаланиладиган мазкур усул ва техникаларнинг умумий аҳамияти шундаки,



унда қийноқ қўллаш ва инсон қадр-қимматини камситиш эвазига кўрсатувлар олинмайди, келтириб ўтилган усулларнинг барчасида сўроқ қилувчининг психологик тайёргарлиги муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам ҳозирда айрим олимлар тергов ҳаракатларини ўтказишда, хусусан, сўроқ қилиш жараёнида психологлар ёрдамида **криминал профайлинг** методидан фойдаланишни тавсия қилишади. “Улар криминал профайлинг усулини шахснинг хулқидаги ноодатий ҳаракатларни қай услубда амалга оширганлиги, ҳудуд геогра-

фик жойлашувининг ўзига хос хусусиятларини воқеа жойида жиноят содир этган шахс томонидан қандай излар қолганини психологик таҳлил қиладилар”.⁵

Бундай усулларни жиноятларни тергов қилишда, жумладан, гумон қилинувчини сўроқ қилишда жорий этишдан мақсад инсон ҳуқуқларини таъминлаш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида тўлиқ фош этиш, жиноят учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, шу билан бирга айбсиз шахсларни жавобгарликка тортишининг олдини олишдан иборат.

⁵ С.Шомирзаев. Жиноятларни тергов қилиш ва фош этишда профайлинг методини қўллаш масалалари. Фундаментал тадқиқотлар. 2023 йил. 93-бет.



Марат СЕКЕМБАЕВ

Ректор Академии правоохранительных
органов при Генеральной прокуратуре
Республики Казахстан

ПРИВЕТСТВЕННОЕ СЛОВО

Искренне поздравляю Правоохранительную академию Республики Узбекистан с прекрасным и значимым событием – выходом первого номера журнала «Следователь Узбекистана»!

Безусловно, появление специализированного издания, посвященного такой важной и значимой фигуре в сфере защиты правопорядка, как следователь, является весомым вкладом в развитии и популяризации института следствия.

Следователь является ключевым звеном на досудебной стадии уголовного процесса, от его навыков, знаний и процессуальной грамотности зависит реализация основного принципа уголовного закона – неотвратимости наказания.

В своей деятельности следователь тесно взаимодействует с прокурором, который, надзирая за законностью, обеспечивает соблюдение конституционных прав и свобод граждан, стремится изобличить преступника в рамках своих процессуальных полномочий.

Журнал создает новую площадку для обсуждения актуальных проблем, возникающих в ходе следственной практики, что поможет разрешать их как с теоретической, так и практической точки зрения.

В перспективе журнал видится надежным источником для следователей-практиков в усовершенствовании навыков, освоении передовых методов работы и совершенствовании процессов расследования, а для ученых – платформой для обмена результатами научных исследований и конструктивного диалога.

Уверен, что журнал станет не только ресурсом, аккумулирующим актуальную информацию о современных методах расследования, но и позволит следователям, прокурорам и юристам отслеживать современные тенденции и развитие следственной практики.

Желаю коллективу журнала творческих успехов и вдохновения в вашем новом начинании!



O'ZBEKISTON TERGOVCHISI

ILMIY-AMALIY YURIDIK JURNALI

«Ўзбекистон терговчиси» илмий-амалий юридик журналада нашр этиладиган мақолага куйидаги талаблар кўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақриси;
- матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:

- обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;
- постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;
- логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;
- отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметра, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

- имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;
- краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

- статья не соответствует вышеуказанным требованиям;
- наличие отрицательных рецензий;
- в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;
- если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.

